АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқи
УДК 398.223(=512.133)

САЙИТҚУЛОВ ИЛҲОМ АБДУСАЛАМОВИЧ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ТАРИХИЙ НАСРИДА ЭПИК СЮЖЕТ ВА ОБРАЗ ЭВОЛЮЦИЯСИ (“ТЕМУРНОМА” МИСОЛИДА)

10.00.08 – Фольклоршунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган
Д И С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар: Турдимов Шомирза Ганиевич,
филология фанлари доктори

Тошкент – 2020

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....3

I БОБ. “ХАЛҚ КИТОБЛАРИ” ВА УЛАРНИНГ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. “Халқ китоби” атамаси ва уларнинг тематик таснифи.....13

1.2. “Темурнома”нинг жанр хусусиятлари.....21

1.3. “Темурнома”нинг композицион қурилиши.....30

1.4. “Темурнома”нинг баён шакллари.....35

II БОБ. “ТЕМУРНОМА” СЮЖЕТИ ВА ОБРАЗЛАР ТИЗИМИ

2.1. Қисса сюжетининг тузилиши, эпик анъаналар талқини.....56

2.2. “Темурнома”даги асосий образлар тавсифи ва эволюцияси.....71

2.3. Пирлар ва эранларнинг асардаги ўрни.....93

III БОБ. “ТЕМУРНОМА” СЮЖЕТИДА СОҲИБҚИРОНЛИК ТАСАВВУРИ

3.1. Соҳибқиронлик тасаввурларининг асосий хусусиятлари ва эволюцион ривожи.....111

3.2. Алплик тизими ва соҳибқиронлик тасаввурларининг қиёсий таҳлили..138

ХУЛОСА.....153

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....156

К И Р И Ш

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фольклоршунослиги ва адабиётшунослигида миллат тақдирида муҳим из қолдирган тарихий қаҳрамонлар бадиий талқинларига бўлган қизиқиш кундан кунга ортиб бормоқда. Бу, аввало, ёш авлод тарбиясидаги миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик туйғуларининг оммавий маданият хуружи қаршисида ўзига хос ҳимоя воситаси вазифасини ўташда юзага чиқмоқда. Халқ ўз қаҳрамонларини улуғлаб, улар ҳақида қўшиқлар, афсоналар, қисса ва достонларда ибрат намунасини яратган. Хусусан, халқ ўз Соҳибқиронларини ҳаётлик вақтидаёқ алп қаҳрамон тимсолида кўрган, афсона, ривоят ва нақллар тўқиган, вақт ўтиб эпик қаҳрамон сифатида улуғлаган, улар ҳақида достонлар куйлаган. Ушбу мураккаб жараёнлар халқ қаҳрамонлари бадиий талқинининг фольклоршунослик ва адабиётшунослик тасвир объекти сифатидаги қирраларини ойдинлаштириш, фольклор намуналари, халқ китобатларидаги тарихий ва бадиий ўзига хосликларни очиш, оғзаки ижоддаги эпик тафаккурнинг халқ китоблари орқали ёзма адабиёт сари ўсиб бориш силсиласини ёритишни долзарб масала сифатида кун тартибига қўяди.

Дунё тарихи, фольклори ва ёзма адабиётида тарихий шахслар, ҳарбий саркардалар ҳаёти ҳамда фаолиятига оид қарашлар турли халқларнинг дунёқараши, халқаро муносабатлар, мафкуравий асосларда ранг-баранг ва зиддиятли талқин этилгани каби дунё фольклоршунослиги, тарихшунослиги ва адабиётшунослигида ҳам муаммо турли методологик асосларда кузатилади. Жаҳон адабиётшунослигида Амир Темур образининг бадиий талқини юзасидан кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Ёндашувлар ва методологик асосларнинг турличалиги Соҳибқирон феномени бадиий талқинида ҳам, илмий чизгиларда ҳам ранг-баранг хулосаларнинг берилишига сабаб бўлаётир. Бу эса ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётида Амир Темур образи тасвирларидаги ўзига хосликларни аниқлаш, уларни яратишдаги эпик анъана ва тарихийлик тамойиллари каби

масалаларни тадқиқ қилиш асосида жаҳон адабиётшунослиги учун муайян илмий хулосаларни берадиган вазифаларни бажаришни тақозо этади.

Ўзбек фольклоршунослигида мамлакатимизда кечаётган маънавий тикланиш жараёни билан боғлиқ равишда буюк аждодларимиз, хусусан, соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги бадиий ижод намуналарини тадқиқ этиш эҳтиёжи юзага келди. Бундай асарларда акс этган ғоялар ёш авлодни аждодларга хос бўлган эзгу анъаналар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялашда улкан маънавий, маърифий аҳамият касб этади. “Ҳозирги глобаллашув даврида, тижорат воситасига айланган “оммавий маданият”, шоу-бизнеснинг салбий таъсири тобора кучайиб бораётган мураккаб замонда ҳар қандай миллий маданиятнинг булоғи бўлган фольклор санъатига эътибор ва қизиқиш, афсуски, сусайиб бораётган”[1] бир пайтда соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақида яратилган бадиий асарларнинг ўрни катта. Амир Темур шахсияти ва образининг эпик талқинини тадқиқ этиш зарурияти шу билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-khal-06-04-2019.

тўғрисида”ги, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 304-сон “Бахшичилик ва достончилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда “халқ китоблари” деб номланаётган кўплаб тошбосма асарлар XX аср бошларида чоп этилди[2]. Кейинчалик бу типдаги асарлар тадқиқига бағишланган қатор илмий ишлар ҳам амалга оширилди[3]. Уларда халқ китобларининг ўзига хослиги, услуби, мавзу кўлами ва бадиий жиҳатлари тадқиқ этилган бўлса-да, ҳали ҳануз бу намуналарнинг жанр хусусиятлари борасида аниқ тўхтамга келинган эмас.

[2] Гулу Булбул. – Бухоро, 1906, 1908; Гулу Булбул. – Тошкент, 1912; Қиссаи Шаҳзода Сайфул – мулк ҳикояти (“Лайли ва Мажнун”, “Шаҳзода Карам ва Аслхон” асарлари бидлан бирга). – Тошкент, 1916; Баҳром ва Гуландом (“Қиссаи Бурқ сармаст” ҳам бирга нашр этилган). – Тошкент, 1911; Қиссаи Шаҳзода Баҳром ва маликаи Гуландом маа баёзи ҳожи Ҳамдамхон. – Тошкент, 1911; Тоҳир ва Зуҳра ҳикояси бо тасвир. – Тошкент, 1911; Тоҳир, Зуҳра. – Тошкент, 1914-1915; Зайнул араб. – Тошкент, 1896-1897, 1900, 1910, 1911-1912; Зайнул араб. – Бухоро, 1904-1905, 1906-1907; Ғариб, Шоҳсанам. – Бухоро, 1906-1907; Юсуфбек, Аҳмадбек ва Бўзғўлон. – Бухоро, 1907-1908. –Тошкент, 1909; Насри Хамсаи беназир. – Тошкент, 1908; Қиссаи шахзода Фарҳоду Ширин. –Тошкент, 1908; Фарҳод ва Ширин. – Тошкент, 1909; Лайли ва Мажнун. – Тошкент, 1910.

[3] Мажидов Р. Узбекские народные книги и произведение Ризои “Хуршед и Маликаи Дилором”. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Самарканд, 1971; Маҳмудова Р. Халқ китоблари ва айрим қиссалар // Адабий мерос, 1971. №2; Оқбўтаев Х.С. Ўзбек халқ китобларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари (“Тоҳир ва Зуҳра” мисолида). –Тошкент, 1973; Эркинов С. Наср ва халқчиллик тенденциялари // Ўзбек насри тарихидан. – Тошкент, 1982. -Б. 88-106; Мамедов Б. Муҳаббат ва садоқат достони. – Тошкент, 1989; Ҳомидов Ҳ. Боқий бўстон таровати. – Тошкент, 1986; Жуманиёзов Р. Донг қозонган достон. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

“Халқ китоби” атамаси немис адабиётшунослигида XVIII асрнинг охири – XIX аср бошларида адабиётдаги романтизм намуналарига нисбатан илмий истилоҳ сифатида қўлланилганлиги тадқиқотларда таъкидланади[4]. Бу термин ўзбек фольклоршунослигида илк бор В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовлар томонидан “народная книга” тарзида қўлланилган[5]. Ўзбек адабиётшунослигида ҳам бу термин кенг истеъфода этилмоқда. Мавжуд тадқиқотларнинг баъзиларида халқ китоби “достон”, бошқаларида эса “қисса” деб юритилади[6].

Адабиётшунослик ва фольклоршуносликда “Темурнома” юзасидан олиб борилган тадқиқотлар саноқли. Улар орасида П.Равшановнинг “Темурнома” асарининг умумий характердаги тавсиф сифатида берилган сўзбошиси, шунингдек, А.Қаюмовнинг асарнинг тошбосма ва қўлёзма нусхалари қиёсий таҳлилига бағишланган рисоласи ҳамда О.Дадабоевнинг “Ғарб ва Шарқ адабий контекстида Амир Темур шахси талқини” номли диссертациясининг “Ғарб ва Шарқ адабиётида Амир Темур образи: эпик анъана ва тарихийлик тамойили” бобида Кристофер Марлонинг “Буюк Темур” ва “Темурнома” асарлари қиёсий таҳлили натижасида билдирилган фикрлари эътиборга сазовор[7]. Лекин бу тадқиқотлар тавсифий характерда бўлиб, уларда “Темурнома” қиссасининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, шунингдек, Амир Темур образининг фольклорий талқини, асар сюжетидаги эпик анъаналар тизимли тарзда таҳлилга тортилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

---

[4]Ўзбек адабиёти тарихи. (Масъул муҳаррир В.Абдуллаев) Беш томлик, 3-том. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 152.

[5]*Қаранг:* Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос. – М., 1947, –С. 132-136; 279-282.

[6]Ўзбек адабиёти (Воҳид Зоҳидов таҳрири остида) I том. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1959; Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1964; Мажидов Р. “Халқ китоби” термини ҳақида. Адабиётшуносликка оид тадқиқотлар. – Тошкент, 1978; Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг репертуари. –Тошкент: Ёзувчи, 1977; Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик, 1-том. – Тошкент: Фан, 1988; Мирзаев Т. Ҳоди Зариф билан суҳбатлар. 2011; Ўзбек адабиёти тарихи. Масъул муҳаррир В.Абдуллаев. Беш томлик, 3-том. –Тошкент: Фан, 1978.

[7]Темурнома: Амир Темур жангномаси. (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва луғат муаллифи П.Равшанов). – Тошкент. Чўлпон, 1990; Қаюмов А. Амир Темур қиссалари. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. Дадабоев О. Ғарб ва Шарқ адабий контекстида Амир Темур шахси талқини: Филол. фан. бўйича фалсафа док. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019.

Тадқиқот Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети “Ўзбек адабиёти тарихи ва фольклор” кафедрасининг истиқболли режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади “Темурнома” қиссасининг жанр хусусиятлари, композицион қурилиши, сюжет тузилиши ва унинг асосини ташкил қилувчи соҳибқиронлик тизими тадқиқи орқали асарнинг ўзбек фольклорида тутган ўрнини кўрсатиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

халқ китобларининг жанр хусусиятларини ёритиш ва таснифини амалга ошириш;

“Темурнома” қиссасининг халқ китоблари тизимида тутган ўрнини аниқлаш, асар композицияси ва стилистик жиҳатларини тадқиқ этиш;

асар таркибидаги асосий ва мустақил сюжетларни таҳлил қилиш орқали эпик сюжет элементларини ёритиш;

халқ достонлари ва эртакларида мавжуд анъанавий сюжетларнинг асар композициясига асос бўлганлигини далиллаш;

қиссада Соҳибқирон образининг фольклорий талқин қилиниши ва ундаги асосий образларнинг бадиий-функционал вазифасини тадқиқ қилиш;

соҳибқиронлик билан боғлиқ тасаввурлар тизими хоссаларини кўрсатиш, пир ва эран образларининг мазкур тизимдаги аҳамиятини ёритиш;

эпосдаги алплик ва соҳибқиронлик тизимининг қиёсий таҳлили асосида халқ идеалидаги эпик қаҳрамон образига хос хусусиятларни очиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Темурнома: Амир Темур Кўрагон жангномаси”[8] танланган.

Тадқиқотнинг предметини “Темурнома” қиссасида анъанавий эпик сюжет ва образ эволюцияси, соҳибқиронлик тизими ва тарихий шахснинг эпик талқин олиши, унинг бадиий тафаккурдаги ўрни масаласи таҳлили ташкил қилади.

[8] Темурнома: Амир Темур Кўрагон жангномаси. Сўзбоши муаллифи ва луғатлар асосида нашрга тайёрловчи П.Равшанов. – Тошкент: Чўлпон, 1990. – 352 б.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, статистик ва этнофольклористик тадқиқ усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек фольклоршунослигида илк бор “Темурнома” халқ китоблари турининг қисса жанрига мансублиги ҳамда унинг асосини ташкил қилувчи эпик сюжет халқ достонлари ва эртакларидаги анъанавий мотивлар асосида шаклланганлиги исботланган;

асар композицион қурилишининг таҳлили асосида “Темурнома” қиссаси фольклор ва ёзма адабиёт контекстига уйғун қоришиқ-диффузион услубда яратилганлиги, ҳар бир бобнинг ўзаро узвий боғлиқликка эга бўлиш баробарида, уларнинг ягона ғоявий талқинга бўйсуниши далилланган;

“Темурнома”даги образлар тизими бадиийлик нуқтаи назаридан асосий, ёрдамчи ва эпизодик типларга, тарихийлик нуқтаи назаридан эса тарихий ва тўқима образларга ажралиши асосланган ҳамда ёрдамчи, эпизодик ва тўқима образлар Соҳибқирон характерини ёритувчи поэтик восита вазифасини бажариши аниқланган;

халқ достонларидаги “алплик тизими” ва “Темурнома” асаридаги соҳибқиронлик тасаввурлари хоссалари қиёсланиб, икки тушунчанинг бир ўзакдан пайдо бўлганлиги далилланган;

“Темурнома” таҳлили асносида соҳибқиронлик тасаввурларида Соҳибқирон мақомига эга бўлувчи шахснинг танланиши, маълум вақтда туғилишининг башорат қилиниши каби ўн тўртта хоссаси кўрсатилди.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат**:**

халқ китоблари атамаси ва жанр хусусиятлари юзасидан олиб борилган тадқиқотлар маълум тизимда таҳлил қилинган;

“Темурнома”да Амир Темур образи халқ тасаввуридаги идеал қаҳрамон сифатида тасвирланганлиги асослаб берилган;

асар сюжети ва образлар тизими халқ достонлари билан қиёсий таҳлил қилиниб, эпик сюжет анъаналари кўрсатилган;

асардаги соҳибқиронлик тизими асосида Амир Темур образи эволюцияси ёритилган;

тарихий шахсларнинг эпик қаҳрамонга айланиш ҳодисаси тадқиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олингани, келтирилган таҳлил хулосаларининг қиёсий-тарихий, семиотик, статистик ва этнофольклористик каби методлар асосида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари ва чиқарилган назарий хулосаларнинг фольклоршунослиқда халқ китоблари жанр хусусиятларининг ойдинлашишига, тарихий шахсларнинг эпик талқин қилиниш тамойилларини ишлаб чиқишга, ўзбек халқ тарихий насрида соҳибқиронлик тизимининг назарий асосларини яратишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижалари Амир Темур ҳақида яратиладиган турли бадиий ва ҳужжатли фильм сценарийларини ёзишга асос бўлади. Шунингдек, олий таълим тизимида “Ўзбек фольклори”, “Фольклор”, “Фольклоршунослик асослари” каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг янада такомиллашувига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Темурнома” асосида ўзбек халқ тарихий насридаги эпик сюжет ва қаҳрамон эволюцияси таҳлили бўйича олинган натижалар асосида:

ўзбек халқ тарихий насрида буюк аждодларимиз бадиий образининг халқ оғзаки ижодидаги талқинлари ҳамда темурийлар даврида яратилган илмий, бадиий, тарихий ва халқ китобларида тасвирланган тарихий образ талқинлари юзасидан чиқарилган назарий қарашлари Тошкент давлат педагогика университетида 2015-2017 йилларда бажарилган А-1-118 рақамли

“Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш” мавзусидаги давлат амалий грантини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 ноябрдаги 89-03-4395-сонли маълумотномаси). Натижада тарихий насрда образ яратиш тамойиллари, тарихий ва бадиий ҳақиқатнинг асарларда акс эттирилиши, қаҳрамон характерини ёритишда ёндош образларнинг аҳамияти хусусидаги қарашлар ойдинлаштирилган;

туркий ва форсий тилда яратилган “Темурнома” туркумидаги халқ китобларининг яратилиш тарихи, улардаги тасвир ва бадиий воситаларнинг фарқли жиҳатлари, тарихий ҳақиқат ва эпик тасаввурнинг акс эттирилиши ҳамда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзмалар фондида сақланаётган “Темурнома” туркумида манбалар тавсифи ҳамда мазкур туркум халқ китоблари композицияси, сюжет тизими ва образ эволюцияси талқини хусусиятлари ёритилган материаллардан “Марказий Осиё халқлари қўлёзма ёдгорликларини тадқиқ этиш. Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари архивининг илмий тавсифи ва нашр қилиш” мавзусидаги Ф1-ФА-055746 сонли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 13 ноябрдаги №3/1255-3016-сонли маълумотномаси). Натижада музей қўлёзмалар фондида сақланаётган “Темурнома” туркумида манбаларлардаги тарихий ҳақиқат ва эпик тасаввурнинг акс эттирилиши ҳамда тавсифи ёритилган;

“O‘zbekiston” телеканалида тайёрланиб эфирга узатилган “Ассалом, Ўзбекистон!” кўрсатувида илмий иш материалларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 8 октябрдаги 01-12-2076-сонли маълумотномаси). Натижада телекўрсатувлар илмий жиҳатдан бойитилиб, соҳибқирон Амир Темурнинг бадиий образи кенг оммага ҳавола этилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 3 та республика, 2 та хорижий конференцияларда қилинган маърузаларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 8 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, улардан 1 таси хорижий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган бўлиб, умумий ҳажми 163 саҳифадан иборат.

I БОБ. “ХАЛҚ КИТОБЛАРИ” ВА УЛАРНИНГ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ

Бугунги кунда “Халқ китоблари” деб номланаётган кўплаб тошбосма манбалар XX аср бошларида чоп этилди[9]. Кейинчалик бу типдаги асарлар тадқиқ этилган қатор илмий ишлар ҳам амалга оширилди[10]. Ўзбек фольклоршунослигида бу термин илк бор В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовлар томонидан “народная книга” тарзида қўлланилгани[11] илмий жамоатчиликка маълум. Ўзбек адабиётшунослигида ҳам бу атама кенг истифода этиб келинмоқда.

Ўзбек адабиётининг буюк вакили Абдулла Қодирий XX аср бошида “Ўткан кунлар” романини ёзар экан, ўқувчига янги типдаги романни англатиш мақсадида ўз даврида урф бўлган халқ китобларини эслатиб ўтгани бежиз эмас. Ёзувчи: “Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш достончилиқ, рўмончилиқ ва ҳикоячилиқларда ҳам янгаришга (янгиланмоқ), халқимизни шу замоннинг “Тоҳир-Зуҳра”лари, “Чор дарвеш”лари, “Фарҳод-Ширин” ва “Баҳромгўр”лари билан таништиришка ўзимизда мажбурият ҳис этамиз”[12], – дея таъкидлаб ўтади. Бу эса халқ

[9] Гулу Булбул. – Бухоро, 1906, 1908; Гулу Булбул. – Тошкент, 1912; Қиссаи Шаҳзода Сайфул–мулк ҳикояти (“Лайли ва Мажнун”, “Шаҳзода Карам ва Аслхон” асарлари бидлан бирга). – Тошкент, 1916; Баҳром ва Гуландом (“Қиссаи Бурқ сарваст” ҳам бирга нашр этилган). – Тошкент, 1911; Қиссаи Шаҳзода Баҳром ва маликаи Гуландом маа баёзи ҳожи Ҳамдамхон. –Тошкент, 1911; Тоҳир ва Зуҳра ҳикояси бо тасвир. – Тошкент, 1911; Тоҳир, Зуҳра. – Тошкент, 1914-1915; Зайнул араб. – Тошкент, 1896-1897, 1900, 1910, 1911-1912; Зайнул араб. –Бухоро, 1904-1905, 1906-1907; Ғариб, Шоҳсанам. – Бухоро, 1906-1907; Юсуфбек, Аҳмадбек ва Бўзғўлон. –Бухоро, 1907-1908. – Тошкент, 1909; Насри Хамсаи беназир. – Тошкент, 1908; Қиссаи шахзода Фарҳоду Ширин. – Тошкент, 1908; Фарҳод ва Ширин. – Тошкент, 1909; Лайли ва Мажнун. – Тошкент, 1910.

[10] Мажидов Р. Узбекские народные книги и произведение Ризои «Хуршед и Маликаи Дилором: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Самарканд, 1971; Маҳмудова Р. Халқ китоблари ва айрим қиссалар//Адабий мерос, 1971. №2; Оқбўтаев Х.С. Ўзбек халқ китобларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари (“Тоҳир ва Зуҳра” мисолида). –Тошкент, 1973; Эркинов С. Наср ва халқчиллик тенденциялари//Ўзбек насри тарихидан. – Тошкент, 1982, 88-106-бетлар; Мамедов Б. Муҳаббат ва садоқат достони. – Тошкент, 1989; Ҳомидов Ҳ. Боқий бўстон таровати. –Тошкент, 1986; Жуманиёзов Р. Донг қозонган достон. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

[11] *Қаранг:* Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский народний героический эпос. – М., 1947. – С. 132-136; 279-282.

[12] Қодирий А. Ўткан кунлар. – Тошкент: “Шарқ” НМАК, 2009. – Б.5.

китоблари Абдулла Қодирийгача ҳам “достончилиқ” дея аталганлигига далил бўлади.

1.1. “Халқ китоби” атамаси ва уларнинг тематик таснифи

Фольклоршунослик ва адабиётшунослик “халқ китоби” атамасига бирдан келган эмас. Тадқиқотларни синчиклаб ўрганиш давомида “халқ китоблари” ва “китобий достон” атамаларининг қоришиқ ҳолда келганлигини турли характердаги илмий, оммавий ишларда кузатишимиз мумкин.

1.1.1. Қадимдан XX аср бошларигача “халқ китоб”ларига нисбатан қисса ва достон атамаси қўлланилган. Халқ орасидаги “қиссахонлик” атамаси ва А.Қодирий[13] эътирофи ҳам бу фикрни тасдиқлайди. “Ўзбек адабиёти тарихи” китобининг учинчи жилдида муаллифлар Р.Орзибеков, Қ.Тоҳировлар: “...ҳозирги кунда илмий адабиётларда кенг қўлланилаётган ва адабиётшунослик терминларидан бири сифатида қабул қилинган “халқ китоби”, “халқ романи” аслида ўзбек адабиёти тарихидаги маълум ва машҳур қиссалардир”[14], – деб ёзар эканлар, бу хулоса мавжуд асарларнинг қадимдаги атамасини аниқ кўрсатишга хизмат қилади. Умуман олганда, “Халқ китоблари” атамаси хусусида тадқиқотларда билдирилган фикрларни қуйидагича келтиришимиз мумкин:

1. Адабиётшунос В.Маҳмуд бадиий адабиётни иккига – ёзма ва эл (оғзаки) адабиётига ажратиб, уларнинг асосий хусусияти сифати ёзма ва оғзаки шаклда бўлишини таъкидлайди. Уларни таҳлил қила туриб, икки хил қарашни келтиради:

“Биринчи: бир вақтлар ёзма ўлароқ тасбит этилган бир адабий асар йўқолди дейлик ва сўнгра унинг парчалари оғиздан оғизга кўчуб юрди ва асар эгасининг оти ҳам унутилди дейлик.

---

[13] Юлдашева С. Бадиий биографик қиссалар поэтикаси (“Қиссаси Иброҳим Адҳам”, “Қиссаи Саид Насимий”, “Қиссаи Машраб” асарлари асосида). Филол. фан. номз. дисс. – Самарқанд, 2012.

[14] Ўзбек адабиёти тарихи. (Масъул муҳаррир В.Абдуллаев) Беш томлик, 3-том. –Тошкент: Фан, 1978. – Б.152.

Иккинчиси: оғиздан оғизға кўчуб асрларча юрғон достон, мақоллар ёзилиб, бир мажмуа ҳолига кетирилди дейлик (қандайки бугун ҳар ерда қилинадир).

Бу икковини қандай қилиб ажратиш керак ва қайсини қайсиға киргизиш керак?"[15] Вадуд Маҳмуд назарда тутган иккинчи тоифадаги асарлар халқ китоби хусусиятларини мужассамлаштирган.

2. Г.Вамбери "Юсуфбек ва Аҳмадбек", "Тоҳир ва Зуҳра" каби асарларга нисбатан "халқ романи" атамасини қўллаган[16].

3. В.М.Жирмунский ва Ҳ.Зарифовлар "романик" атамасига севги-муҳаббат романтикаси ҳамда ошиқларнинг бу йўлдаги қаҳрамонона саргузаштларидан ҳикоя қилувчи, Европадаги "халқ романлари", "халқ китоблари"га уйғун келувчи эпос типларига нисбатан қўллашни маъқул кўришган ва бу атама ўзбек фольклоршунослигида қабул этилди[17].

4. 1959 йилда Воҳид Зоҳидов таҳрири остида нашр этилган "Ўзбек адабиёти тарихи" китобида халқ китобларининг ўзбек адабиётида тутган ўрни ва аҳамияти, уларнинг яратилиши, жанр хусусияти ҳақида тўхталиб, фольклор асарлари асосида яратилган ёзма адабиёт намуналари ҳамда мумтоз адабиёт таъсирида пайдо бўлган халқ достонлари: "Баҳром Гуландом", "Тоҳир ва Зуҳра", "Гулфараҳ", "Лайли ва Мажнун"ларни санаб ўтар экан[18], бу турдаги асарларга нисбатан махсус атама қўлламаса-да, улар: "*...ўзбек адабиёти тарихида ўзининг специфик томонларига эга бўлган алоҳида соҳа, жанр ва йўналишлардан бирини ташкил этишини"*[19] айтиб ўтган.

5. Академик В.А.Абдуллаев "Ўзбек адабиёти тарихи"[20] дарслигида "халқ китоблари" ва Г.Вамбери фикрларига таяниб, "Юсуфбек ва Аҳмадбек",

---

[15]Маҳмуд В. Танланган асарлар. –Тошкент: Маънавият, 2007. – Б. 24.
[16] *Қаранг:* Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи нашриёти, 1980. – Б. 55.
[17] Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народной героический эпос. - М.: ГИХЛ, 1947. -С.133
[18] Ўзбек адабиёти.(Воҳид Зоҳидов таҳрири остида) I том. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1959. – Б. 8-9.
[19] Ўзбек адабиёти.(Воҳид Зоҳидов таҳрири остида) I том. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1959. – Б. 8-9.
[20] Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. – Тошкент: "Ўқитувчи" нашриёти, 1964. (Қуйида келтириладиган иқтибослар мазкур манбадан олинади. Бетлари кўрсатилади).

“Тоҳир ва Зуҳра” каби асарларга “халқ романлари” атамасини параллел қўллайди.

6. Н.Маллаев ёзма адабиёт ва фольклорга хос хусусиятларга эга асарга “халқ китоби” атамасини қўллаб, халқ қиссаларини “Халқ китоби” деб номлаган[21].

7. “Ўзбек адабиёти тарихи”[22] номли беш жилдлик китобнинг учинчи жилдида “Халқ китоблари”ни[23] махсус тадқиқ қилган муаллифлар “Халқ китоблари” атамасини қўллаш баробарида қадимда уларга нисбатан “қисса” атамаси кенг истифода этилганини таъкидлаб, уларни эпик ижоднинг алоҳида бир тури сифатида баҳолашган[24].

8. Академик Азиз Қаюмов туркий ва форсийда битилган “Темурнома”нинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари ҳақида маълумот берувчи рисоласини “Амир Темур қиссалари”[25] деб номлаши асносида бу типдаги асарларни “қисса” деб атайди.

9. Академик Тўра Мирзаев қўлёзма ва босма китоб ҳолида кенг тарқатилган асарларни – ёзма адабиётнинг маълум маънода “фольклорлаштирилган” ёки фольклорнинг ёзма адабиётга яқинлаштирилган намуналарини “халқ китоблари” деб юритилганлигини[26], “халқ китоблари” атамасининг қамрови тор эканлиги ва уларни қиссалар номи билан аташ лозимлигини таъкидлайди[27]. В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовлар ҳам “халқ китоблари”, “халқ романлари” терминларини қўллаганларида кўпроқ ажойиб-ғаройиб воқеалар, қизиқарли севги саргузаштлари, тилсимли можаролар тасвирланган асарларни назарда тутганлар ва ҳар гал терминни қўштирноқда берганлар. Шунинг учун ҳам бундай намуналарни, ўтмишда айтилиб келинганидек, ўз номида – “қиссалар” номи остида ўрганиб,

[21] Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – Б. 234-241.
[22] Ўзбек адабиёти тарихи. (Масъул муҳаррир В.Абдуллаев) Беш томлик, 3-том. – Тошкент: Фан, 1978.
[23] Мазкур бўлимни Раҳмонқул Орзибеков ва Қобилжон Тоҳировлар ҳамкорликда ёзишган.
[24] Ўша китоб, – Б.151.
[25] Қаюмов А. Амир Темур қиссалари. –Тошкент: Ёзувчи, 1996. – 32 б.
[26] Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг репертуари. –Тошкент: Ёзувчи, 1977. – Б. 11-12.
[27] *Қаранг:* Энгельс Ф. Немис халқ китоблари. «К.Маркс ва Ф. Энгельс санъат тўғрисида». Икки томлик, 2-том. – Тошкент, 1977. – Б. 547-555.

уларнинг ҳар бирига конкрет равишда ёндашиш керак. Худди шундай қилинганда бир қатор терминологик чалкашликларга барҳам берган бўламиз”[28], – деб кўрсатиб ўтади.

Тўра Мирзаев “Ўзбек фольклори очерклари”[29], кейинроқ “Ҳоди Зариф билан суҳбатлар”[30] китобларида бу фикрини янада ривожлантиради. Т.Мирзаевнинг бу қарашлари ҳодисанинг асл терминини ўз ўрнига қайтаришга хизмат қилаётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

10. “Ҳотами Тойи” асарини тадқиқ қилган олим Сафо Зуфаров “...татар халқи орасида кенг тарқалган қадимий достон – қиссалардан бири “Ҳотами Тойи” достонидир”[31], – дея қисса ва достон атамаларини тенг қўллайди.

11. Фольклоршунос Б.Саримсоқов халқ китоблари қисса, достон каби жанрлардан ташкил топишини таъкидлаб, уларга нисбатан “халқ китоблари” атамаси мазкур икки жанрга мансуб асарларнинг манбалари ва ҳаётий эстетик вазифасини англатишини” [32] таъкидлайди.

Ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб, халқ китоблари юзасидан махсус тадқиқотлар амалга оширилди. Жумладан, Р.Мажидов, Х.Оқбўтаев, С.Эркинов, Б.Мамедов, Ҳ.Ҳамидов, Р.Жуманиёзовлар халқ китобларини махсус тадқиқ этишган[33]. Улар ҳам “халқ китоби” термини хусусида биз юқорида келтирган фикрларга турли даражада тўхталиб ўтадилар ва атама масаласига алоҳида диққат қаратишмайди.

“Халқ китоблари” жанр хусусиятларига эътибор қаратилган тадқиқотлардаги етакчи фикрларни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

---

[28] Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг репертуари. –Тошкент: Ёзувчи, 1977. – Б. 12.
[29] Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик, 1-том. –Тошкент: Фан, 1988.
[30]Мирзаев Т. Ҳоди Зариф билан суҳбатлар. 2011. – Б.197.
[31] Зуфаров С. Ҳотами Тойи қиссаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. 5-сон, – Б. 32.
[32] Иброҳим Адҳам қиссаси. (Сўз боши муаллифи Б.Саримсоқов). –Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 5.
[33] Мажидов Р. Узбекские народные книги и произведение Ризои «Хуршед и Маликаи Дилором»: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Самарканд, 1971; Маҳмудова Р. Халқ китоблари ва айрим қиссалар//Адабий мерос, 1971. №2; Оқбўтаев Х.С. Ўзбек халқ китобларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари (“Тоҳир ва Зуҳра” мисолида). – Тошкент, 1973; Эрокинов С. Наср ва халқчиллик тенденциялари // Ўзбек насри тарихидан. – Тошкент, 1982; Мамедов Б. Муҳаббат ва садоқат достони. – Тошкент, 1989; Ҳомидов Ҳ. Боқий бўстон таровати. – Тошкент, 1986; Жуманиёзов Р. Донг қозонган достон. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

1. “Халқ китоблари” термини “халқ романлари” сифатида ҳам қўлланилиб, улар алоҳида жанр ва йўналишлардан бирини ташкил этади (В.Зоҳидов, В.Абдуллаев, Р.Маждов)[34];

2. “Халқ китоблари” ўзбек адабиёти тарихидан мавжуд бўлган қисса жанри ҳисобланади (А.Қаюмов, Н.Маллаев, Т.Мирзаев, Р.Орзибеков, Қ.Тоҳиров)[35];

3. “Халқ китоблари” – қисса ва достон жанрларидан иборатдир (Б.Саримсоқов, Р.Маҳмудова)[36];

4. “Халқ китоблари” – қисса, ривоят, достонлардан иборат, деб қаралади (Ҳ.Оқбўтаев)[37];

5. “Халқ китоблари” – достон, латифа, ашула, мақол каби жанрий формалардан иборат тур (Р.Жуманиёзов)[38].

Албатта, халқ китобларининг аксарият намуналари китобий достонлардан фарқли равишда, асосан, насрий шаклга эга. Уларнинг таркибида келувчи баъзи шеърий парчалар қўшимча поэтик вазифа бажаради. Шу сабабли ҳам уларни тарихий номи билан “қисса” деб қайд этган тадқиқотчиларнинг фикрига тўлиқ қўшиламиз. Айни пайтда назмий шаклга эга намуналарнинг “достон” деб юритилишини инобатга олиб, қисса ва достонларнинг умумий номланишига нисбатан “халқ китоби” терминини кенг маънода қўллаш тарафдоримиз.

Филология фанлари номзоди С.Юлдошева “Бадиий биографик қиссалар поэтикаси” деб номланган диссертациясида “халқ китоблари” деб қаралувчи қисса ва достонларнинг фарқи ва ўзига хос хусусиятларига алоҳида тўхталади: “...достон ва қиссаларнинг мавзу кўлами бир-бирига

[34]Ўзбек адабиёти.(Воҳид Зоҳидов таҳрири остида) I том. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1959; Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1964; Мажидов Р. “Халқ китоби” термини ҳақида. Адабиётшуносликка оид тадқиқотлар. – Тошкент, 1978.

[35]Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг репертуари. – Тошкент: Ёзувчи, 1977; Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик, 1-том. – Тошкент: Фан, 1988; Мирзаев Т. Ҳоди Зариф билан суҳбатлар. 2011; Ўзбек адабиёти тарихи. (Масъул муҳаррир В.Абдуллаев) Беш томлик, 3-том. – Тошкент: Фан, 1978; Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974; Алишер Навоий ижодини ўрганиш масалалари. – Самарқанд: СамДУ, 1981;

[36]Иброҳим Адҳам қиссаси. (Сўз боши муаллифи Б.Саримсоқов). – Тошкент: Ёзувчи, 1991; Маҳмудова Р. Халқ китоблари ва айрим қиссалар // Адабий мерос, 1971. №2.

[37]Оқбўтаев Х. Халқ китоблари ва адиблар // Адабий мерос. 1(55). 1991.

[38]Жуманиёзов Р. Халқ китоби – Ҳақ китоби. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 1993. – Б. 10.

ўхшаш”лиги, достонларда ҳамд, наът, устозлар, сўз ва асарга бағишланган, ҳукмдор таърифи каби боблардан кейин асосий сюжетга ўтилганлиги, бу хил кириш қисм баъзи қиссаларда мавжуд бўлса, айримларида эса йўқлиги, қиссалар анъанавий: “Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осори қиссау достони куҳан ва хўшачинони хирмони сухан андоқ айтибдурларким…” сўзлари билан бошланиб, уларда “эрса”, “алқисса” каби сўзлар орқали эпизодлар бир-бири билан уланган, воқеадан воқеага ўтилганлиги кўрсатилган. Достонларнинг хулосавий бобларга эгалиги, қиссаларда эса хулосалар соддароқ ифодалангани, достонларда ҳар бир боб узун сарлавҳа – боб мазмунини ифодаловчи аннотацион изоҳи билан келса, қиссаларда сарлавҳалар қисқа, лўнда жумлаларда келиши, баъзиларида эса сарлавҳалар учрамаслиги билдирилган. Достонлар маснавий шаклда бўлса, баъзи қиссалар насрий, айримлари шеърий шаклда ифодаланганлиги айтилади. Достонларда бош қаҳрамон қаторида яна бир қанча асосий образлар тақдирини ижодкор алоҳида талқин этганлиги, қиссаларда эса бошқа персонажлар бош қаҳрамон тақдирига бўйсундирилган ҳолда талқин этилиши таъкидланади. Достонларда назм билан боғлиқ турли бадиий сўз санъати воситаларининг кенг қўлланилиши, қиссаларда эса сажъ санъати, мақол, маталлардан кенг фойдаланилганлигига диққат қаратилган[39].

Юқорида келтирилган атама билан боғлиқ фикр ва мулоҳазалар асосида қуйидаги умумий хулосага келинди: “Темурнома” халқ китоблари турининг қисса жанрига мансуб асарлар сирасига киради. Айни пайтда “Темурнома” боблари номланишидаги “достон” сўзи воқеа, баён маъноларида қўлланилган.

С.Юлдошеванинг достон ва қисса жанрларининг ўзига хос хусусиятлари ва муштарак жиҳатларини қиёслаб келтирган хулосалари тадқиқотимиз объекти бўлган “Темурнома” қиссасининг етакчи хусусиятлари, жанр белгилари ва бадиий-тасвирий воситаларини

[39] Юлдошева С. Бадиий-биографик қиссалар поэтикаси (“Қиссаи Иброҳим Адҳам”, “Қиссаи Сайид Насимий”, “Қиссаи Машраб” асарлари асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. –Самарқанд, 2012. – Б. 23-24.

аниқлаштиришимизда аҳамият касб этади.

1.1.2. Ўзбек халқ китоблари тадқиқига оид илмий ишларда уларнинг мукаммал таснифи амалга оширилмаган. Айрим тадқиқотлардагина бу борадаги маълум қарашлар мавжуд[40]. Жумладан, “Ўзбек адабиёти тарихи” китобида халқ китоблари жанр хусусиятларига кўра *ишқий-романик, новеллистик (ишқий-саргузашт) ва хаёлий-фантастик* турларига ажратилиб, уларни мавзу жиҳатдан қатъий чегаралаш қийинлиги таъкидланади. Бунга сабаб сифатида кўпгина халқ китобларида тарихий, романик, қаҳрамонлик, фантастик эпизод ва лавҳалар, шулар билан боғлиқ бўлган мотивлар қоришиқ ҳолда келиши кўрсатилади[41].

Р.Жуманиёзов фольклоршунос олим Б.Саримсоқовнинг халқ достонлари таснифига[42] асосланган ҳолда халқ китобларини шартли равишда уч гуруҳга ажратади: 1) қаҳрамонлик; 2) ишқий-романик; 3) тарихий[43]. Тадқиқотчи “Қиссаи Алпомиш”, “Юсуфбек ва Аҳмадбек”, “Алибек ва Болибек”, “Қиссаи Жамшид”, “Қиссаи Рустам” сингари достонларни қаҳрамонлик халқ китоблари сирасида санайди. Ишқий-романик гуруҳига эса “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Тоҳир ва Зуҳра”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Асил ва Карам”, “Баҳром ва Гуландом” каби халқ китобларини; тарихий халқ китобларига эса “Тулумбой” ва “Шайбонийхон” достонларини киритади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, “Халқ китоблари” термин сифатида адабиётшунослигимизда қўлланилгунча бу типдаги асарлар халқ орасида қисса номи билан машҳур бўлган. Шу нуқтаи назардан, адабиётшунослигимизда халқ қиссаларига оид таснифларни ҳам “халқ китоблари” таснифига нисбатан қўллаш мумкин.

Қиссаларни тадқиқ қилган адабиётшунос Қ.Тоҳиров уларни жанр жиҳатидан **ишқий-саргузашт** (“Юсуф ва Зулайҳо”, “Лайли ва Мажнун”,

---

[40] Ўзбек адабиёти тарихи (3-том). –Тошкент: Фан, 1978; Алишер Навоий ижодини ўрганиш масалалари. – Самарқанд: СамДУ, 1981; Жуманиёзов Р. Халқ китоби – Ҳақ китоби. –Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 1993; Юлдошева С. Бадиий-биографик қиссалар поэтикаси. Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 2012.

[41] Ўзбек адабиёти тарихи. (3-том) –Тошкент: Фан, 1978. – Б. 159.

[42] Саримсоқов Б. Халқ достонлари таснифи ва оралиқ шакллар масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1981. № 3, – Б.37-47.

[43] Жуманиёзов Р. Халқ китоби – Ҳақ китоби. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 1993. – Б.44.

“Фарҳод ва Ширин”, “Вомиқ ва Узро”, “Гулу Наврўз”, “Қиссаи Шаҳзода Сановбар”, “Саидбек ва Лабшакар”, “Ҳурлиқо ва Ҳамро”, “Диловар ва Гуласрор”, “Ғариб ва Шоҳсанам”, “Маҳмуд ва Нигор”) қиссалар, **тарихий қиссалар, бадиий-биографик** (Саид Насимий ҳақидаги Асирий, Шамс Осий, Оқмуҳаммад кабилар томонидан ёзилган қиссаларни, шунингдек, “Қиссаи девона Машраб”, Саидий ҳақидаги “Қўшша бутоғим”, Ғойибий ҳақидаги “Мулла Ғойиб”, Махтумқули ҳақидаги “Қиссаи Махтумқули”, шоир Авазмуҳаммад Баҳрий ҳақидаги “Дарвеш Баҳрий”, Толибий ҳақидаги “Толибий ва Соҳибкамол”, Алишер Навоий ҳақидаги турли ривоятлар, “Навоий ва Гули” ҳамда “Султон Ҳусайн Бойқаро” достонини) қиссалар, **қаҳрамонлик, ватанпарварлик** мавзусидаги (“Давлат-ёр”, “Юсуф ва Аҳмад”, “Алибек ва Болибек”, “Қиссаи Гўрўғли Султон”, “Тулумбий”, “Қиссаси Амир Темур”) қиссалар, **диний-дидактик** (“Иброҳим Адҳам”, “Бобо Равшан”,“Саид Ваққос”, “Қаҳрамони Қотил”, “Муҳаммад Ҳанифа ва Зуфунун”, “Қиссаи Умар бо Бевазан”, “Қиссаи Ҳасан ва Ҳусан”) қиссаларга бўлиш мумкин деб, ҳар бир гуруҳга кирувчи қиссаларни номма-ном қайд этади[44].

Бадиий-биографик қиссалар поэтикасини тадқиқ қилган олима С.Юлдошева достон ва қиссалар мавзу кўлами бир-бирига ўхшашлигини таъкидлаб[45], уларни **тарихий шахслар ҳақидаги** (халқ қаҳрамонлари, арбоблар, дин пешволари, пайғамбар ва авлиёлар, дин ва тасаввуф йўлида хизмат қилган шахслар), **ишқий-саргузашт**, **мўъжизавий қаҳрамонлик**, **панднома** руҳидаги асарлар сифатида гуруҳларга ажратади.

Тадқиқотчиларнинг юқорида келтирилган таснифларини ўзаро қиёслаб, уларни қуйидаги тартибда кўрсатиш мумкин:

№	Ўзбек адабиёти тарихи (3-том)	Р.Жуманиёзов	Қ.Тоҳиров	С.Юлдошева
1.		қаҳрамонлик	қаҳрамонлик, ватанпарварлик	мўъжизавий қаҳрамонлик

[44] Алишер Навоий ижодини ўрганиш масалалари. – Самарқанд: СамДУ, 1981. – Б. 75.
[45] Юлдошева С. Бадиий-биографик қиссалар поэтикаси. Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 2012.

2.	ишқий-романик новеллистик (ишқий-саргузашт)	ишқий-романик	ишқий-саргузашт	ишқий-саргузашт
3.		тарихий	тарихий қиссалар, бадиий-биографик	тарихий шахслар ҳақида
4.			диний-дидактик	панднома руҳидаги
5.	хаёлий-фантастик			

Гувоҳи бўлганимиздек, жадвалнинг икки устунида (*Ўзбек адабиёти тарихи учинчи том, Р.Жуманиёзов таснифи*) диний-дидактик қиссаларга ўрин берилмаган. Қ.Тоҳиров ва С.Юлдошева таснифида эса алоҳида гуруҳ сифатида ажратилган.

Мавжуд таснифлар орасида Қ.Тоҳиров таснифи нисбатан мукаммаллиги билан ажралиб туради. Биз эса юқоридаги тадқиқотларга асосланган ҳолда халқ китобларини қуйидагича таснифлашга қарор қилдик:

1. Ишқий-саргузашт қиссалар.
2. Тарихий, бадиий-биографик қиссалар.
3. Қаҳрамонлик ва жангнома қиссалар:
   а) эпик қаҳрамонлар ҳақидаги жангномалар;
   б) тарихий шахслар ҳақидаги жангномалар.
4. Диний-панднома қиссалар.

Юқоридаги тасниф асосида “Темурнома” қиссасини мавзу жиҳатидан *қаҳрамонлик ва жангнома* гуруҳининг *тарихий шахслар ҳақидаги жангномалар* турига мансуб, десак тўғри бўлади.

1.2. “Темурнома”нинг жанр хусусиятлари

Жангнома асарлар ҳақида сўз юритишдан аввал, бу борада олиб борилган тадқиқотлар хусусида тўхталиб ўтишимиз лозим. Ўзбек халқ достонлари таснифида “жангнома” типидаги асарларга алоҳида ўрин ажратилган. В.Жирмунский ҳамда Ҳ.Зарифовлар таснифида халқ

достонлари:

а) *ботирлик эпоси*;

б) *жангномалар*;

в) *тарихий мазмундаги достонлар*;

г) *романик достонлар*;

д) *келиб чиқиши адабий достонлар*;

е) *янги достонлар* каби турларга ажратганлигини кўрамиз[46].

М.Саидов таснифида халқ достонлари:

1) *қаҳрамонлик;*

2) соф муҳаббатни куйловчи;

3) романик;

4) жангнома;

5) тарихий турларга ажратилган[47].

Академик Тўра Мирзаев эса достонларни:

1) *қаҳрамонлик достонлари;*

2) *жангнома-достонлар;*

3) тарихий достонлар;

4) романик достонлар;

5) *китобий достонлар*[48]га бўлиб тасниф этган.

Б.Саримсоқов эса эпос намуналарини:

а) *қаҳрамонлик;*

б) романик;

в) тарихий достонларга бўлиб[49], *жангнома* асарларни қаҳрамонлик достонлари гуруҳида кўрсатади.

Юқорида кузатилган таснифларнинг деярли барчасида халқ достонларининг жангнома тури алоҳида ажратилган. Лекин “Темурнома” халқ китоби туркумидаги қисса бўлганлиги сабабли бу таснифга алоқаси йўқ.

[46] Жирмунский В. М., Зарифов Х.Т. Узбекский народний героический эпос. – М., 1947. – С. 59-60.
[47] Саидов М. Ўзбек халқ достончилигида бадиий маҳорат масалалари. – Тошкент, 1969. – Б. 32.
[48] Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг репертуари. –Тошкент: Ёзувчи, 1979. – Б. 78.
[49] Саримсоқов Б. Халқ достонлари таснифи ва оралиқ шакллар масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1981. 3-сон. – Б. 38.

Шундай бўлса-да, халқ достонлари ва халқ китобларидаги жангномаларнинг маълум бир умумий жиҳатлари мавжуд. Улар бежизга жангнома деб юритилмаган. Биз халқ китобларидаги жангномаларга хос асосий белгилар ҳақида сўз юритишдан аввал халқ достонларидаги жангномалар ҳақидаги мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларига тўхталишни лозим топдик.

Академик Тўра Мирзаев: *“Жангу жадаллар, тарихий ёки афсонавий урушлар ва бундай жанг эпизодларида қўшин ва якка шахсларнинг жасоратларини тасвирловчи достонлар тури жангнома-достонлар деб юритилади”*[50], – деб жангнома достонларга таъриф беради. Шунингдек, жангнома достонларнинг қаҳрамонлик достонлари таъсирида шаклланганини таъкидлаб, “қаҳрамонлик достонларида бош қаҳрамон фаолияти яккама-якка олишувларда, баҳодирлик шартларини бажаришда намоён бўлса, жангномаларда турли-туман характердаги уруш эпизодларида”[51] намоён бўлиши билан фарқланишини айтиб ўтади.

Б.Саримсоқов жангнома асарлар хусусида фикр билдирар экан, мавжуд таърифлардан фарқли равишда, “бу хилдаги достонлар ўзларида, бир томондан, қаҳрамонлик достонларига, иккинчи томондан, романик эпосга хос хусусиятларни мужассамлаштиргани ва бу ҳиссада иккинчи томоннинг улуши етакчилик қилишини назарда тутиб, уларни романик эпоснинг бир хили сифатида олиб қараш лозим”[52]лигини таъкидлайди.

“Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари” китобида жангнома асарларнинг вужудга келишида ҳукмрон табақа ислом динини ҳарбий куч билан ёйган шахсларни халқ орасида тарғиб қилиш мақсадида жангнома формасидан фойдаланганлиги, натижада “Жангномаи Абу Муслим”, “Жангномаи Саййид Баттоли Розий”, “Жангномаи Амир Ҳамза” каби... ...шахсларнинг номи билан боғлиқ жангномалар юзага келганлиги айтиб

[50] Ўзбек халқ ижодиёти бўйича тадқиқотлар. 7-китоб. Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 17.
[51] Ўзбек халқ ижодиёти бўйича тадқиқотлар. 7-китоб. Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 17.
[52] Саримсоқов Б. Халқ достонлари таснифи ва оралиқ шакллар масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1981. № 3. – Б. 38.

ўтилади[53]. Шунингдек, жангнома типидаги асарларга Ўрта Осиёда кенг тарқалган Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари ҳамда “Жангномаи Жамшид”, “Қаҳрамони Қотил” ва “Ҳўшанг” каби асарлар киритилган. Ўзбек бахшилари репертуарида эса бу типдаги достонларнинг ниҳоятда камлиги, мавжудларида “душманга қарши курашда мардлик ва жасорат кўрсатиш, она ер бутунлиги учун кураш, эл-элатлар бирлиги, ватанпарварлик ва дўстлик каби олижаноб ғоялар куйланган”[54]лиги ҳақида фикр юритилади.

“Халқ китоблари” туркумидаги жангнома қиссалар ўзбек халқ достонларидаги жангнома достонларга кўп жиҳатдан уйғун келишини таъкидлаш лозим.

“Халқ китоблари” типидаги жангнома асарлар кам тадқиқ қилинган[55]. Ватанпарварлик туйғулари ва она юрт соғинчи билан йўғрилган “Юсуфбек ва Аҳмадбек” жангномасини тадқиқ қилган олим Р.Жуманиёзов “ўзбек халқ китобларининг жангнома достон кўринишидаги турлари ва уларни илмий-тарихий-адабий йўсинда назардан ўтказиш шу пайтгача тадқиқот мавзуси бўлмаганлиги”[56]ни таъкидлаб ўтади, лекин тадқиқотчи достоннинг жангнома сифатидаги хусусиятларини таҳлил этмаган. Бу достон хусусида В.М.Жирмунский, Х.Т.Зарифовлар “Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси” китобининг “Юсуф ва Аҳмад” жангнома қиссаси” номли қисмида тўхталиб ўтган[57].

Демак, ўзбек фольклоршунослигида халқ китобларининг жангнома турига доир тадқиқотлар озчиликни ташкил этади. Мавжуд тадқиқотларда ҳам бевосита асар таҳлилига урғу қаратилганлигини кузатишимиз мумкин. Халқ китоблари ва ўзбек бахшилари репертуарида жангномаларнинг камлигига уруғ, қабила ёки халқнинг мустақиллиги учун олиб борилган жангларни тасвирловчи қадимги жангномалар замонлар ўтиши билан турли

[53] Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.17.
[54] Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.17.
[55] Жуманиёзов Р. Донг қозонган достон. – Тошкент: А.Қодирий халқ мероси нашриёти, 1993.
[56] Жуманиёзов Р. Донг қозонган достон. – Тошкент: А.Қодирий халқ мероси нашриёти, 1993. – Б.3.
[57] Жирмунский В. М., Зарифов Х.Т. Узбекский народний героический эпос. – М., 1947. – С. 112-121.

сабабларга кўра эпик репертуардан тушиб қолганлиги[58] сабаб қилиб кўрсатилади.

Халқ китобларига мансуб жангнома типидаги асарлари мавзу кўлами, образлар тизими, бадиий тасвир воситалари, қаҳрамон эволюцияси, макон ва замон муносабатлари жиҳатидан қуйидагича хусусиятларга эга эканлигини кўришимиз мумкин:

1. “Халқ китоблари”даги жангнома қиссаларда тасвирланаётган воқелик ва қаҳрамонларнинг тарихий асоси мавжуд бўлади (Абу Муслим, Амир Темур каби тарихий шахслар).

2. Жангнома қиссаларда реал тарихий шахс образи халқ томонидан идеал образга айлантирилади.

3. Жангномада қаҳрамон жангларда енгилмас ҳисобланади. Унга қийин вазиятларда ҳомий-эранлар ёрдамга келади.

4. Жангнома асарларда қаҳрамон ҳаёти эволюцион тарзда тасвирланади.

5. Асардаги воқеликлар жангга бўйсундирилади, яъни бунда қаҳрамон умрининг катта қисми жанг майдонларида кечади. Қаҳрамон ҳаёти билан боғлиқ бошқа муносабатлар ҳам мана шу планда тасвирланади.

6. “Соҳибқиронлик” тизими жангнома достонларнинг мумтоз намуналари учун бош мезонлардан бири саналади.

7. Жангнома қисса бўлгани сабабли асардаги асосий воқеалар баёни ва қаҳрамонлар тасвири насрда берилиб, жанг саҳналари сажъда ифодаланади.

8. Жангнома қиссалар анъанавий бошлама, асосий қисм ва якунламалардан ташкил топади.

9. Воқеалар анъанавий бирикма иборалар, тасвирий воситалар, қолип сўз ва бирикмалар воситасида ягона услубга эга бўлади.

Юқоридаги хусусиятларнинг айримлари халқ жангнома достонларига ҳам хосдир. Бундан эса халқ достонлари ва халқ китобларига мансуб

[58] Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 17.

жангномалар ўхшаш ва фарқли эканлиги англашилади. Бу жиҳатларга қуйидаги қиёслаш орқали амин бўламиз:

Халқ достонларидаги жангномалар	**Халқ китобларидаги жангномалар**	**Ўхшаш, фарқли**
Жангу жадаллар, тарихий ёки афсонавий урушлар ва бундай жанг эпизодларида қўшин ва якка шахсларнинг жасоратлари тасвирланади.	Жангу жадаллар, тарихий урушлар ва бундай жанг эпизодларида қўшин ва якка шахсларнинг жасоратлари тасвирланади.	ўхшаш
Жангномаларда душманга қарши курашда мардлик ва жасорат кўрсатиш, она ер дахлсизлиги учун кураш, эл-элатлар бирлиги, ватанпарварлик ва дўстлик каби олижаноб ғоялар куйланади.	Жангномаларда душманга қарши курашда мардлик ва жасорат кўрсатиш, она ер дахлсизлиги учун кураш, эл-элатлар бирлиги, ватанпарварлик ва дўстлик каби олижаноб ғоялар куйланади.	ўхшаш
Жангномада тасвирланаётган воқелик ва қаҳрамонларнинг тарихий асоси мавжуд бўлмайди.	Жангномада тасвирланаётган воқелик ва қаҳрамонларнинг тарихий асоси мавжуд бўлади.	фарқли
Жангнома достонларда бош қаҳрамон халқ бадиий тафаккури маҳсули ҳисобланади.	Жангнома қиссаларда реал тарихий шахс образи халқ томонидан идеал бадиий образга айлантирилади.	фарқли
Жангномада қаҳрамон енгилмас ҳисобланади. Унга қийин вазиятларда ҳомий-эранлар ёрдамга келади.	Жангномада қаҳрамон енгилмас ҳисобланади. Унга қийин вазиятларда ҳомий-эранлар ёрдамга келади.	ўхшаш
Жангнома достонларда қаҳрамон ҳаёти эволюцион тарзда тасвирланади.	Жангнома халқ китобларида қаҳрамон ҳаёти эволюцион тарзда тасвирланади.	ўхшаш
Асардаги воқеликлар жангга бўйсундирилади. Бунда қаҳрамон умрининг катта қисми жанг майдонларида кечади.	Асардаги воқеликлар жангга бўйсундирилади. Бунда қаҳрамон умрининг катта қисми жанг майдонларида кечади.	ўхшаш
Жангнома достонларда воқелик, асосан, назмда берилади.	Жангнома қиссаларда воқелик, асосан, насрда берилади.	фарқли

Юқорида келтирилган халқ китобларининг жангнома типидаги асарлар хусусиятига мувофиқ, “Темурнома” қиссасига халқ тарихида катта ўрин

тутган, миллат ва элат фахрига айланган сиймо – соҳибқирон Амир Темур қаҳрамон сифатида танланганига гувоҳ бўламиз. Асарда унинг жангу жадалларга бой бўлган ҳаёти ва фаолияти юқори пафосда куйланган.

Тарихда из қолдирган аждодларимиз ҳақида кўплаб афсона ва ривоятлар мавжудлиги сир эмас. Буюк бобокалонимиз Амир Темур шахси ва халқимиз тарихидаги ўрнини нафақат тарихий манбалар, тарихий асарлар, балки фольклор намуналари асосида ҳам ўрганиш мумкин. Халқ ўзининг қаҳрамонларини улуғлаб, улар ҳақида қўшиқлар, афсоналар, достон, қиссалар ижод қилган. Амир Темур ҳаётлик вақтидаёқ у ҳақидаги турли афсоналар, ривоятлар кенг тарқалган эди. Бу хил афсона, ривоят ва нақлларда халқ ўз қаҳрамонини таърифлаб, улуғлаган. Амир Темур замонасига яқин яшаган машҳур тарихчи Ибн Арабшоҳ ҳам Амир Темур ҳаётлик чоғидаёқ у билан боғлиқ турли афсона ва ривоятлар яратилганлигини таъкидлаб ўтади. Соҳибқирон вафотидан сўнг эса у халқ тасаввурида тарихий шахсдан эпик қаҳрамонга айланган. Бундай халқ оғзаки ижоди намуналари асосида халқ китоблари вужудга келди. Амир Темур ҳақидаги халқ ичида оғиздан оғизга ўтиб юрган афсона ва ривоятлар жамланиб, маълум тизимга солинган, авлоддан авлодга, тиллардан тилларга ўтган. Мана шундай халқ китобларидан бири бу Мулло Салоҳиддин ибн мулло Алоиддин хожа эшон (Салоҳиддин Тошкандий) китобат қилган “Темурнома” қиссасидир[59]. Мазкур асар собиқ шўро даврида қатағонга учраган маънавий қадриятлар қаторида бўлган. Фақат мустақиллик арафасидагина кенг китобхон оммасига маълум бўлди. Поён Равшанов томонидан нашрга тайёрланган “Темурнома”нинг сўзбошисида қисса катта машаққатлар эвазига топилгани таъкидланган. Чунки асар шўро тазйиқидан шу хилда яширин сақланиб, омон қолган эди. Бу ҳолат асарнинг маълум муддат тадқиқотчилар назаридан четда қолишига сабаб бўлган эди.

Қиссаларни тасниф қилган олим Қ.Тоҳиров “Темурнома” қиссасини илк бора **қаҳрамонлик, ватанпарварлик** мавзусидаги (“Давлат-ёр”, “Юсуф

[59] Темурнома: Амир Темур жангномаси. – Тошкент. Чўлпон нашриёти, 1990.

ва Аҳмад”, “Алибек ва Болибек”, “Қиссаи Гўрўғли Султон”, “Тулумбий”, “Қиссаси Амир Темур”) қиссалар сифатида санаб ўтган[60], холос. Шунингдек, “Темурнома” қиссасини табдил этиб, нашр эттиришда жонбозлик кўрсатган олим Поён Равшановнинг қисса табиати хусусидаги фикрлари бу борадаги илк тадқиқот ҳисобланади. Олим асар муаллифи, унинг ижод йўли ва услуби, қиссанинг вужудга келиши, унга асос бўлган тарихий ва бадиий манбалар, қиссанинг тузилиши ва бадиий қиммати, асардаги тарихий ва бадиий ҳақиқат масалалари хусусида фикр юритган[61]. П.Равшанов асар ҳақида, “Темурнома” мазмунига кўра жангнома асар. Бироқ Салоҳиддин Хожа таъкидлаганидек, “бу ўзга жанг китобларидек эмас, чунки мунда ақлга далолат қиладиган ҳикмат сўзлари кўбдур”[62], – дея ўз қарашларини далиллайди. Азиз Қаюмов туркий ва форсийда ёзилган “Темурнома”ларни тадқиқ этар экан, “...Амир Темур тўғрисидаги қиссалар халқ китоблари тарзида ёзилган. Улар кенг ўқувчилар ёки тингловчилар оммасига мўлжалланган. Бу қиссаларда Амир Темур образи идеаллаштириб тасвирланади”[63], – дея хулоса чиқаради.

Адабиётшунослик ва фольклоршуносликда “Темурнома” юзасидан олиб борилган тадқиқотлар саноқли. Улар қаторида П.Равшановнинг асар сўзбошисига ёзилган умумий характердаги тавсифи, шунингдек, академик А.Қаюмовнинг асарнинг тошбосма ва қўлёзма нусхаларини қиёсий ўрганган рисоласи ҳамда О.Дадабоевнинг “Ғарб ва Шарқ адабий контекстида Амир Темур шахси талқини” номли диссертация ишининг “Ғарб ва Шарқ адабиётида Амир Темур образи: эпик анъана ва тарихийлик тамойили”[64] бобида Кристофер Марлонинг “Буюк Темур” ва Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурнома” асарлари қиёсий таҳлили натижасида билдирилган фикрларни келтириб ўтиш мумкин.

[60] Алишер Навоий ижодини ўрганиш масалалари. – Самарқанд: СамДУ, 1981. –Б. 75.
[61] “Темурнома”. –Б. 5-30.
[62] “Темурнома”. –Б. 30.
[63] Қаюмов А. Амир Темур қиссалари. –Тошкент: “Ёзувчи” нашриёти, 1996. –Б. 32.
[64] Дадабоев О. Ғарб ва Шарқ адабий контекстида Амир Темур шахси талқини. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Тошкент: 2019. –Б. 11-14.

Халқ китобларининг жангнома типидаги асарлар хусусида юқорида келтирилган фикрларга таяниб, “Темурнома”нинг жангнома сифатидаги хусусиятларини қуйидагича кўрсатишимиз мумкин:

1. “Темурнома”да тасвирланаётган воқелик ва қаҳрамонларнинг тарихий асоси мавжуд бўлиб, унда бош қаҳрамон сифатида буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур асос қилиб олинган.

2. Қиссада Амир Темур образи идеаллаштирилган бўлиб, бу халқ эпик тафаккури маҳсули ҳисобланади.

3. Асарда Амир Темур умри жангларда ўтганлиги тасвирланади. Шундай бўлса-да, у бирон жангда енгилмаганлиги, баъзан эса ҳомий-эранлар кўмагида қийин вазиятдан чиққанлиги тасвирланади.

4. “Темурнома”да қаҳрамон ҳаёти, унинг туғилиш сабабларидан то умрининг охиригача, эволюцион тарзда берилган.

5. Асардаги воқеалар баёнида жанг тасвири етакчи ўрин эгаллайди. Бунда қаҳрамон умрининг катта қисми жанг майдонларида кечади. Қаҳрамон ҳаёти билан боғлиқ бошқа муносабатлар ҳам мана шу планда акс эттирилади;

6. “Темурнома” асари учун “соҳибқиронлик тизими” бош мезон саналади. Хусусан, унда қаҳрамоннинг туғилиши Амир Темурдан аввал ўтган Соҳибқиронлар томонидан башорат қилиниши, қаҳрамонни она батнидалигидаёқ йўқ қилишга бўлган уринишларнинг амалга ошмаслиги, боланинг бегона юртда, ғайритабиий ҳолатда туғилиши, ёшлигидаги телбаликлари, турли шартларни бажариши, пир ва эранларнинг доимий ҳомийлигида улғайиб, дунёнинг тўрт томони, ер ости ва осмон билан алоқа ўрнатиб, “Соҳибқирон” бўлиши ҳақидаги дунёқараш асос сифатида туради.

7. “Темурнома”да асосий воқеалар баёни ва қаҳрамонлар тасвири насрда берилиб, уларда жанг саҳналари сажъда ифодаланади.

8. Асардаги воқеалар *“Ровийлар андоғ ривоят қилурларким”*, “*Ровий айтурким”*, “*Алқисса”, “Аммо Ровий дерким”* каби анъанавий бирикма иборалар билан бошланиб, тасвирий воситалар, қолип сўзлар воситасида ягона услубни ташкил этади.

1.3. “Темурнома”нинг композицион қурилиши

“Темурнома” достони ***“Амир Темур Кўрагон жангномаси”*** сарлавҳаси остида қисқа анъанавий ҳамд ва наътдан бошланган[65]. Ҳамд ва наът бор йўғи ўн етти қатор насрий ифодадан ташкил топади. Сўнгра Одам ато ва пайғамбарлар, Мовароуннаҳрда ҳукм сурган сулолалар тилга олинади ва “Чингизхон вилояти Хуросонни забт этиб, аксар вилоятни қатли ом айлади. Чингизхондин тўққуз ўғул бўлди, бирини оти Тулойхондур, анинг ўғли Ҳулогухондур, анинг ўғли Ғазон Маҳмудхондур, исломга мушарраф бўлуб, подшоҳи ислом эрди. Маккага ва Мадинаи мунаввара ҳайрати кўб воқеъ бўлмиш. Фирот денгизидин бир ариғ чиқориб, отини Наҳри Мавсум қўйди”[66] жумласи билан бир ярим саҳифалик бошлама тугалланиб, *“Эмди келдук достони Амир Соҳибқиронға, яъни Амир Темур Кўрагон Искандари Сонийға”* сарлавҳа остидаги жангнома учун умумий кириш вазифасини ўтовчи ихчам дебочага ўрин ажратилади. Дебочада муаллиф Амир Темурнинг аждодлари шажарасига, ота-онаси, туғилиши, тахтга ўтириши, дунёни фатҳ этиши, вафоти ва салтанатининг тақдирини, “туркий тилда кўшиш” қилинган “Темурнома” достони муаллифи яшаган вақтига қадар (1908 йилгача – *И.С.*) ўтган давр воқеалари қисқача баён этилади. Дебочада муаллифнинг кўнглига, ўқувчига, оёғчи ва дўмбирачи ҳамда қаламга алоҳида хитоби мавжуд. Бу хитоблар кимга мўлжалланганлиги насрий кўринишда бўлса, мурожаатлар шеърий шаклда бўлиб, турли ҳажмда келган.

Бу ҳолатлар жангномани қисман бўлса-да ёзма адабий асар сифатида баҳолаш кераклигини уқтиради, аммо қиссанинг баён усули, услуби жангномалар – халқ китоблари руҳига уйғун равишда келади. Шу ўринда мазкур дебочадаги Шайх Сайфиддин ҳикояси жангнома композициясида муҳим ўрин тутишини алоҳида қайд этиш лозим. Чунки “Темурнома”да келтирилишича, Амир Темурнинг туғилишида айнан Шайх Сайфиддин

[65] “Темурнома”. – Б. 32.
[66] “Темурнома”. – Б. 35.

образи асосий ҳомий сифатида намоён бўлади ва жангнома воқеалари баёни акс этган мотивлар талқинида бу шайх образи етакчи ўрин эгаллайди. Дебочадан кейин жангнома композиция махсус сарлавҳалар билан таъминланиб, достон деб аталган 46 боб[67] ва айрим боблар таркибидаги фасллардан ташкил топган. Жумладан, жангномадаги 36 боб (достон)да киритма фасл мавжуд эмас, аммо 10 та боб (достон) киритма фасллардан (13 та) иборат. Ҳар бир боб (достон)да қаҳрамон ҳаётининг маълум бир даври, маълум бир тарихий ҳодиса алоҳида баён қилиниб, ўзига хос кириш ва якунга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Масалан, жангномадаги илк достон "*Аввалғи достон. Ҳазрат Амир Темур Соҳибқиронни оналаридин туғулмоқлиқлари баёни"* деб номланиб, унда Амир Темур ота-онасининг илк учрашишидан то Соҳибқироннинг она батнида олти ойлик давригача бўлган воқеалар тасвири берилган. Хусусан, Тарағай Баҳодирнинг туш кўриши, ғаройиб қаландарнинг Бухорога келиб, уни ҳужрага қамаб қўйишганида ғойиб бўлиши, унинг ўрнида Тегина моҳнинг пайдо бўлиши, шайхнинг бу руҳи Қудс эканлигини айтиб, Тегина моҳдан Соҳибқирон туғилишини башорат қилиши тасвирланади. Сўнгра Тегина моҳга Тарағайдан бошқа талабгорларнинг чиқиши, Тарағайнинг қўйилган шартларни эранлар ёрдамида бажариши ҳикоя қилинади. Боб (достон) Тарағай Баҳодирнинг Тегина моҳнинг вужудидаги олти ойлик ҳомиласи билан биринчи хотини Йўқун хонимга ташлаб кетиши тафсилоти билан якун топади. Боб ичидаги: *"Эмди Амир Темур Соҳибқиронни онадин туғулмоқи воқеасини эшитунг"* фаслида эса Йўқун хонимнинг туш кўриши ва туш таъбири юзасидан рашк туфайли Тегина бегимни ўлдиришга қасд қилиши ҳамда ёлланган Мойдин қулдан қочиб Тегина бегимнинг қудуққа қулаган вақти ғайб эранларининг уни сақлаб қолиши, Амир Темурнинг маълум ва машҳур вақтда туғилиш воқеаси акс этади.

"Темурнома" достони ўз номи билан Амир Темур ҳаёти ва тарихи ҳақидаги жангнома қисса ҳисобланади. Жангномани ташкил этувчи 46 боб

[67] Муаллиф бобларни достон деб атаган.

(достон)нинг 32 боби (достон)да ҳамда айрим боблардаги 12 фаслдан 9 тасида бевосита Амир Темур бош қаҳрамон сифатида фаолият олиб борса, қолган боб ва фаслларда билвосита унинг иштироки сезилади. “Амир Темур Кўрагон жангномаси” деб номланган мазкур асарда Амир Темур образи достон структурасининг ўқ илдизини ташкил этишини таъкидлаш лозим. Масалан, “*Бу достонда Амир Темур Соҳибқирон Бағдод шарифға мутаважжиҳ бўлуб, фатҳ айлаб, Шом шарифғача борғонларини баёни”*[68] деб номланган бобдаги воқеликни Амир Темур образи ҳаракатлантиради. Жумладан, Амир Темур Самарқандда бўлган пайтида Мозандарон ва Ҳиндистон подшоҳларидан элчи келиб, Шом вилоятидан Яъзид авлодидан бўлган Муовияйи соний уларга ҳужум қилмоқчилигини айтишади. Амир Темур Боғдодга ҳужум қилиб, унинг шоҳи Султон Аҳмад билан яккама-якка жанг қилади. Узоқ ва муросасиз давом этган жангда икки томоннинг кучи тенг келади ва пир кўмагида Амир Темур ғолиб бўлади. Амир Темур Султон Аҳмадни яна ўз мансабида қолдириб, Шомга юриш қилади. У ернинг шоҳи Муовияйи сонийни ҳам мағлуб этгач, пайғамбаримиз қабрларини зиёрат қилиб, уйга қайтади[69]. Демак, жангнома боб (достон)ларининг кўпчилиги (достон ҳажмининг 68 %)да Амир Темурнинг ўзи бош қаҳрамон сифатида тасвирланган.

“Темурнома”да Амир Темурнинг фарзандлари, набиралари ва унинг ишонган саркарда ҳамда ҳамкорлари тасвирининг баъзи боб ва фаслларда етакчи планга чиққанлигини кўрамиз. Аммо бу ўринларда ҳам Соҳибқирон ҳаёт йўли асарнинг умумий линиясидан ташқарида тасвирланмайди. Масалан, *“Бу достонда Мироншоҳ тўра ибн Амир Темур Тўхтамишҳонға уқубат ила итоб қилғони, ани англаб Соҳибқирон Тўраға қаҳр қилиб, Мироншоҳ қочиб Эрон жонибиға борғонини баёни”*[70] деб номланган боб (достон)да Амир Темур образи бевосита иштирок этмайди. Бу бобда Мироншоҳ тўра Самарқандда Тўхтамиш билан бирга (Тўхтамишни Амир

[68] “Темурнома”. – Б. 269.
[69] Қаранг: “Темурнома”. – Б. 269-273.
[70] «Темурнома”. – Б. 169.

Темур меҳмон қилаётган бўлади) овга чиқади. Овдаги келишмовчилик сабаб тўра Тўхтамишнинг оёғига тош боғлаб дарёга ташлайди. Дарёдан уни Фақир Абу Лайс қутқариб, Амир Темурга олиб келади. Амир Темур келгач, ундан қўрққан Мироншоҳ қочиб кетади ва саргардонликда юриб, муҳтожликдан мардикорлик қилиш учун Ту шаҳри бозорига чиқади. Бир чол уни боғида ишлатиш учун олиб келади. Боғ тўрида бир иморат эшигига қулфлар осилган бўлиб, у ҳақида "кимнинг ўғли келиб қулфни очса, унинг отаси етти иқлимни олади", деган башорат бўлади. Шунингдек, у ерда бир қилич бўлиб, уни ҳеч ким қинидан суғуролмаган бўлади. Мироншоҳ уни суғуриб, эшик олдидаги дарахтни чопади, дарахт тагидан калитларни олиб, эшикларни очади. У ерда Умриё алайҳиссаломнинг майити бўлиб, тўра уни зиёрат қилади ва мунажжим билан хайрлашиб, у ердан кетади. Кейинги достонда ҳам тўранинг сафари давом этади. Демак, жангномадаги айрим (асар ҳажмининг 32 %) бобларда Амир Темур бош қаҳрамон сифатида тасвирланмаса-да, воқеаларнинг туб томири у билан бевосита боғланади. Соҳибқирон қудрати, унинг танланганлиги, ёндош образлар саргузаштларидаги сир-синоатларнинг сабаблари Амир Темур образига боғлаб талқин этилади ва асар сюжети силсиласига бориб тақалади.

Жангномадаги ҳар бир боб (достон) яхлит композицияни ташкил қилиб, улар тузилиши жиҳатидан мавзу, кириш, муаммо, ечим ва хулосалардан иборат. Масалан, *"Бу достонда Дўнбой баҳодур Амир Темур қўлида ўлгони. Ани синглиси ахториб келгонини баёни"*[71] – деб номланган достон олти саҳифадан иборат бўлиб, унда Дўнбой баҳодур[72] чангалида бир туяни кўтаришга қодир бўлган ов қуши билан Бухоро атрофида ов қилиб юради. Бу қуш Бухоро аҳлига кўп зарар етказади (муаммо). Шайх Ҳасан Амир Темурни отга миндириб, балони даф қилиш учун шаҳар ташқарисига юборади. Амир Темур Дўнбой баҳодирни излаб, беҳол ҳолатида топади ва унга ёрдам беради. Дўнбой ўзига келгач, ўзаро жанг қилишади. Олишувда

[71] «Темурнома". – Б. 82.
[72] Асарда бу образ Урганч ҳокими Ҳусайн сўфининг ўғли сифатида тасвирланган.

Дўнбой ғирромлик эвазига қўли баланд келганда, Амир Темур эранлардан нажот сўрайди. Шу пайт ғойибдан бир қўл келиб, Дўнбойни ерга қулатади. Ушбу мотив боб ечимини ташкил этади. Ўлжой Туркон (Дўнбойнинг синглиси) акасининг хунини олиш учун Бухорога келади. У Амир Темур билан жанг қилиб, мағлуб бўлгач, “Сизга ўзимни бахшида қилдим”, – дейди. Бароқхон Амир Темурни иззат билан Шаҳрисабзга, отаси ёнига юборади. Тарағай Баҳодир ва Амир Темур совға-саломлар билан Бароқхон ҳузурига бориб, катта тўй қилишади. Бароқхон хурсандчиликдан тахтни вақтинча Тарағайга топширади. Мазкур боб (достон) сингари жангномадаги барча боб (достон)лар мустақил сюжетга эга. Айни пайтда Соҳибқирон образи бобларнинг яхлит асар сифатида шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Жангномадаги маълум бир воқеа-ҳодисаларнинг турли макон ва замонда тасвирланиши, уларда бир неча қаҳрамоннинг босқичма-босқич иштироки айрим боб (достон)ларнинг ички фаслларга бўлинишига сабаб бўлган. Жумладан, жангномадаги: *“Бу достонда Мирзо Шоҳруҳ тўра ибн Амир Темур Дашти Қипчоқға бориб, Тўхтамишхонни орқасидин қувлаб, Тўхтамишхонни қатл қилғонини баёни”* деб номланган боб (достон) *“Эмди сўзни Мирзо Шоҳруҳ тўра била Тўхтамишхондин эшитмак керак”*, *“Эмди сўзни Амир Соҳибқирондин эшитмак керак”* ҳамда *“Эмди сўзни Мирзо Шоҳруҳ тўрадин эшитмак керак”* фаслларидан иборат. Бу фаслларда биринчи планга Тўхтамиш образи бевосита бирлаштирувчи сифатида чиқсада, умумий достон тизимида олинса, Амир Темур образи яхлитлаштирувчи бўлиб қолаверади. Айни фасл номланишида яққол кўзга ташланувчи: “*Эмди сўзни... эшитмак керак*”, деб келувчи боғловчи формула анъанавий халқ достонлари баёнларига уйғунлиги билан ҳам аҳамиятли. Масалан, “Юсуф билан Аҳмад” достонидаги “...энди сўзни Гуласалдан эшитмак даркор”[73], “...энди гапни Урганч элидан эшитмак керак”[74] тарзидаги баён, шунингдек, “Қиронхон” достонидаги “... эндиги гапларни подшоҳлик баргоҳидан

[73] Ўзбек халқ оғзаки ижоди ёдгорликлари. Иккинчи жилд: Юсуф билан Аҳмад. – Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти, 2015. – Б. 96.
[74] “Юсуф билан Аҳмад”. – Б. 116.

эшитинг”[75], “...эндиги гапни беимон кампирдан эшитинг”[76] каби барқарор ифода формулалари “Темурнома”даги баён формуласи билан бирлашиб турибди. Бу эса “Темурнома”нинг стилистик жиҳатдан манбалари фольклор эканлигини кўрсатувчи муҳим воситалардан биридир.

1.4. “Темурнома”нинг баён шакллари

1.4.1. Қиссадаги насрнинг ўрни ва кўринишлари. “Темурнома”да воқеалар тасвири, баён этилиш тартиби наср ва назмда ботартиб ўрин олган. Унда қаҳрамонлар ҳаёти, ички кечинмалари, жанг ва табиат тасвирлари, асосан, насрий усулда берилиб, муаллифнинг воқеликка муносабати, достонда акс этган воқеалар асосида туғилган фалсафий хулосалари, ҳаёт ҳақиқатлари ҳақидаги ҳукми, қаҳрамонларнинг ҳолатдан келиб чиқиб яратганга, улуғ пир ва эранларга ҳамда ошиқ-маъшуқаларнинг мурожаатлари шеърий шаклда ифодаланади.

“Темурнома”даги аксар насрий қисмлар халқ китобларининг анъанавий структурасига уйғун равишда қолип жумлалар билан бошланади. Фольклоршунос Б.Саримсоқов халқ китобларидаги бундай қолип жумлалар: “Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор андоқ ривоят қилурларким” каби кўринишга эга бўлади”[77], – деб кўрсатиб ўтган. Биз машҳур халқ китобларида бу хил шакл вариантларининг қуйидаги кўринишларини учратишимиз мумкин: *“Ровиёни дафтар ва ноқилони ҳикояти мўътабар шундоқ ҳикоят беribдурларки*”[78], *“Ровий айтибдурки”*[79], *“Алқисса, бу тариқа бирла...”*[80], *“Алқисса, ровий айтибдурки, ...”*[81], “*Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор ва*

[75] Ўзбек халқ оғзаки ижоди ёдгорликлари. Иккинчи жилд: Қиронхон. – Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти, 2015. – Б. 142.
[76] Қиронхон. – Б. 165.
[77] Ўзбек адабиёти тарихи (3-том). – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 157.
[78] “Абу Муслим жангномаси”. – Б. 8.
[79] “Абу Муслим жангномаси”. – Б. 10.
[80] “Абу Муслим жангномаси”. – Б. 30.
[81] “Абу Муслим жангномаси”. – Б. 212.

муҳаддисони достон ва бўстон андоғ ривоят қилурларким”[82]*, “Алқисса андин сўнг...”*[83].

“Темурнома”да анъанавий қолип бошламаларнинг қуйидаги шакллари кенг қўлланилади:

*1) “**Ровийлар андоғ ривоят қилурларким**, ҳазрат Саййид Ота раҳматуллоҳ алайҳанинг муборак исмлари Саййид Аҳмад эрди...”*[84]*;*

2) “***Ровий айтурким**, Бароқхон била Мирзо Жаҳонгир тўра иккови беодоблиқидин икки ойға етмайин ҳалок бўлдилар*”[85];

*3) “**Алқисса**, тўрт ойгача йўл кезиб, чўл кезиб кун юруб, тун юруб, неча тоғдин ва неча роғдин ўтуб, Хитой шаҳрини қалъасиға еттилар”*[86]*;*

*4) “**Аммо ровий дерким**, бир кун Амир Соҳибқирон Искандари соний шон ва шавкат била тахт узра ўлтуруб эрдилар”*[87]*;*

5) ***“Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким**, Амир Соҳибқирон форс мамлакатларини барчасини мусаххара қилмоқ учун умаро ва беклар бирла Кенгаш қилуб, уч йилғача тахти ҳар қаерда бўлуб, қарор топмади”*[88].

Шунингдек, асарда бир достондан иккинчисига *“**Эмди сўзни** Кошғарни саҳросидаги қалмоқлардин **эшитмак керак**”*[89] ёки *“**Бу, мунда турсун, эмди сўзни** Тўхтамишхон подшоҳдин **эшитмак керак**”*[90] жумлалари билан ўтилади. Бу эса халқ оғзаки ижодидаги достон жанрининг ўзига хосликлардан бири саналади. Хусусан, Ислом шоир куйлаган “Зулфизар билан Авазхон” достонида *“Энди бир сўзни Авазхондан сўранг”*[91]*, “Энди бир сўзни Нуралидан эшитинг”*[92] каби

[82] Иброҳи Адҳам қиссаси; Амири Ахтам қиссаси; Бобо равшан қиссаси. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 8.
[83] Иброҳи Адҳам қиссаси; Амири Ахтам қиссаси; Бобо равшан қиссаси. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 172.
[84] “Темурнома”, – Б. 86.
[85] “Темурнома”, – Б. 157.
[86] “Темурнома”, – Б. 214.
[87] “Темурнома”, – Б. 269.
[88] “Темурнома”, – Б. 206.
[89] “Темурнома”, – Б. 211.
[90] “Темурнома”, – Б. 205.
[91] Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик: Ҳасанхон. Чамбил қамали. Зулфизар билан Авазхон. –Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти, 1976. – Б. 237.
[92] Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик: Ҳасанхон. Чамбил қамали. Зулфизар билан Авазхон. –Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти, 1976. – Б. 370.

жумлалар достондаги воқеалар ҳаракати алмашинувида кўприк вазифасини ўтайди.

“Алқисса” киритма сўзи “Темурнома”да алоҳида ўринга эга бўлиб, у нафақат боб(достон)лар бошланмаларида, балки боб ичида, маълум воқеаларнинг ўрин алмашинуви ёки воқелик баёнида муаллифнинг таъкидни кучайтириш, алоҳида сўз ҳамда фикрни таъкидлаш мақсадида ҳам қўлланилишини кузатишимиз мумкин. Достоннинг *“Бу достонда Мирзо Жаҳонгир Тўра ибн Амир Темур Балх юртиға бориб, Бароқхон номеҳрибон тоғасини қўлида шаҳодат топгани. Амир Темур Соҳибқирон бориб, Бароқхонни ўлдуруб, андин кейин Ҳиндистонни мусаххара қилғонини баёни”*[93] боб(достон)и ўн саҳифадан иборат бўлиб, ўнта воқеа кетма-кетликда мазкур боб (достон) сюжетини ташкил этган. Улардан еттитаси “алқисса” киритма сўзи билан, иккитаси “андин кейин” ва биттаси “ровий айтурким” кириш сўз ва жумлалари билан бошланган. “Алқисса” киритма сўзи қуйидагича қўлланилган:

1. *“**Алқисса**, ўшул йилларда Самарқанд ичра хўжа Абдуллани қизи илми нужумга кўб маҳорат пайдо қилиб, ҳар кишини кўнглидаги сиррини айтур эрди”*[94] – бунда боб(достон) мавзусида келтирилган воқеалар рўй берган вақтга нисбат берилиб, Абдулла қизининг асар сюжетини ҳаракатлантирувчи асосий восита эканлигига урғу берилган.

2. *“**Алқисса**, неча кун ўтгандин кейин Бароқхон бениҳоят аскар ва қўшун йиғиб, Развин шаҳри узра Султон Масъудга ёв қилиб юборди”*[95] – бунда воқеалар ривожида қаҳрамон билан боғлиқ конфликт бошланаётганлиги таъкидланади.

3. *“**Алқисса**, Маҳмуда айдиким, хон бирла Мирзо икковлари мани назримдин устунлар, қайси бирини ёқтурсам, они куёвлиқини хоҳлаюрман”*[96]

[93] «Темурнома”. – Б. 154.
[94] «Темурнома”. – Б. 154.
[95] «Темурнома”. – Б. 155.
[96] “Темурнома”. – Б. 157.

– бунда ёр танлови жараёнида рақиблар – Бароқхон ва Мирзо Жаҳонгир ўртасидаги конфликтнинг кучайишига урғу берилган.

4. *“**Алқисса**, ўшул кун ичра тўрт ўғлини бир-бир ўлдуруб, элтуб берди”*[97] – бунда Ҳиндунинг ўз аъмолига содиқлиги, бунинг учун фарзандларини ҳам қурбон қилганлиги таъкидланади.

5. *“**Алқисса,** хўжа Порсо Бухороға келиб, андин кейин Соҳибқирон қошлариға бориб, нури айнларини шаҳид ўғлонини бир-бир баён қилди”*[98] – асар бош қаҳрамони Соҳибқироннинг яқинидан жудо бўлиш саҳнаси тасвири бўрттириб кўрсатилган.

6. ***Алқисса,** кофирлардин ҳам нақора, карнай овози келди, соатидан кейин Кунакдахат деган паҳлавон уч филни бир-бириға қўшуб боғлаб, устиға темурдин ҳужра қилиб, ул хужра ичра ул кофири бадбахт мусулмонлар тарафға қараб келаверди”*[99] – бунда Соҳибқироннинг душманлари таърифига урғу берилиб, у орқали Амир Темур жасорати ёритилган.

7. *“**Алқисса**, Камол хоним ўз юртиға қайтти”*[100] – Соҳибқирон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган малика – Камол хонимнинг оғир вазиятларда Амир Темурга ёрдам бериши кўрсатилади. Демак, “алқисса” кириш сўзи маълум воқеаларнинг ўрин алмашинуви ёки воқелик баёнида муаллиф таъкидини кучайтириш билан бирга воқеалар кечган вақтни алоҳида кўрсатишга хизмат қилади.

Халқ достонлари, хусусан, халқ китобларининг насрий ва шеърий қисмлари ўзининг оҳангдорлиги, ўйноқилиги ва ритмик изчиллиги билан ёзма адабиётдан фарқланади. Зеро, туркий халқлар достонлари шакл жиҳатидан ҳам ўзгачаликка эга, яъни туркий халқлар достонларга хос шакл – наср ва назмнинг навбатлашиб келишидир. Шеърий парчалар ўзларининг изчил ритми орқали кучли мусиқий товланишга эга бўлсалар, достонлар

[97] “Темурнома”. – Б. 158.
[98] “Темурнома”. – Б. 158.
[99] “Темурнома”. – Б. 160.
[100] “Темурнома”. – Б. 162.

насри ҳам сажъ санъати воситасида ритмик изчилликка эришади ва озми-кўпми оҳангдошлик касб этади. Достонлардаги насрий ва назмий парчаларнинг аҳамияти – эпик баёнда тутган ўрни ва бадиийлик даражаси жиҳатидан бир хил аҳамият касб этади[101].

Халқ достонлари ва мумтоз адабиётда қўлланилувчи сажъ санъатини махсус тадқиқ қилган Б.Саримсоқов ўзбек адабиётида сажънинг мукаммал қўлланилишини Навоий ижоди билан боғлайди. Бунинг сабабини:

“а) буюк мутаффаккирнинг туркий халқларнинг, умуман, Шарқ халқларининг оғзаки ижоди традициялари билан яхши таниш бўлиши;

б) араб, форс-тожик ёзма насри услубини атрофлича билиши”[102] билан изоҳлайди. Шунингдек, сажъ элементлариниг қадимий ёзма манбаларда барқарорлиги туркий халқлар фольклорида унинг илдизлари ниҳоятда қадимийлигини кўрсатишини[103] таъкидлаб ўтади. Биз буни “Темурнома” мисолида кўриб чиқамиз.

Халқ китобларида, хусусан, “Темурнома”да халқ достонларидан фарқли равишда жангноманинг умумий ҳажмидаги насрий қисм назмий қисмдан ўн баробар кўп бўлса-да, достон насри сажъ санъати воситасида ритмик изчилликка эришгани ва бу шакл ўзига хос оҳангдошлик касб этиб, ўқувчи томонидан завқ билан ўқилишига асос бўлган.

Б.Саримсоқов ўз тадқиқотида ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётида сажънинг уч турини алоҳида ажратиб кўрсатади:

1. Тўлиқ сажъ (сажъи мутавозий).

2. Қофияли сажъ (сажъи мутарраф).

3. Вазндош сажъ (сажъи мутавозин)[104].

Шунингдек, олим халқ достонларида сажънинг ўн бир типик ва уч типик бўлмаган қўлланилиш доираси асосий ўринни ўз ичига олишини, шу жиҳатдан олиб қараганда XX асрда яратилган ўзбек халқ достонларида

[101] Қаралсин: Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 64.
[102] Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 39.
[103] Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 39.
[104] Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 18-19.

сажънинг қўлланилиш доираси анъанавий достонлардаги сажънинг қўлланилишидан фарқланиши, янги достонларда сажъ фақат зачин, ҳолат, ҳаракат ва ўрин-жой тасвиридагина қўлланилганлигини таъкидлаб ўтади[105]. Биз ҳам мана шу таснифга асосланган ҳолда “Темурнома”даги воқелик ва тасвирлардаги сажъларни қуйидаги гуруҳларга ажратдик:

1. Ҳаракат тасвиридаги сажъ.

2. Маъшуқа тасвиридаги сажъ.

3. Эр киши тасвиридаги сажъ.

1. Ҳаракат тасвиридаги сажъ. “Темурнома”да ҳаракат тасвирида қўлланувчи сажъларни моҳиятига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин:

а) жанг ҳаракатлари тасвиридаги сажълар;

б) қаҳрамонлар мулоқоти ва хатти-ҳаракатлари тасвиридаги сажълар.

1.1. Жанг ҳаракатлари тасвиридаги сажъ: “Темурнома”да ҳам жанг саҳналари тасвирига кенг ўрин ажратилган. Жанг тафсилотлари, асосан, насрий шаклда ифодаланиб, уларда ҳам сажъдан унумли фойдаланганлиги муаллифнинг бадиий маҳоратини намоён этади. Жанг тасвирларида, асосан, ўтган замон феълининг сажъланиши учрайди. Масалан, *“Тана фолизидин калла хандалаги узу**луб**, жасад фалаги чўзу**луб** қиру сойда **ётаверди**. Қонлар жилға-жилға бўлуб **оқаверди**. Ул кунда барчаларини **ақли шошиб**, қирғинлари **ҳаддин ошиб**, қизил **денгиз тошиб**, ҳинду бадбахтларни боши қора тарбуз**дек юмалануб**, жасадлари даванг қабак**дек ёрилиб**, қўл-оёғлари таррак**дек тириллаб,** бодринг**дек дириллаб**, аъзолари **узв бўлуб**, бўлак-бўлак **жузв бўлуб**, ҳар ерда ўйнаб ётур эрди”*[106]. Бу тасвирларда сажъланган сўзларнинг кўпчилиги жарангли, портловчи ундошлардан ташкил топган. Хусусан, ***кириб**, **кийуб**, **чиқиб**, **кўруб**, **қилиб**, **келиб*** сўзларидаги портловчи ундошлар талаффузи ўқувчи тасаввурида жанг саҳнасида кечаётган жараённи тўлиқ намоён қилади. Жангноманинг насрий қисмидаги воқеалар баёнида бундай сажъланган ифодалар асар пафосини белгилаб беради. Бунга

[105] «Темурнома”. – Б. 84.
[106] “Темурнома”. – Б. 161.

қуйидаги тасвирларни ҳам мисол тариқасида кўрсатиш мумкин: *“Андоғ қирғин бўлдиким, қонлар ҳар жилғада ариғ-ариғ бўл**уб** оқиб кета берди. Жасадлари ханнотлар қофидек т**ўб**-т**ўб** бўл**уб** ётур эрди. Калла ҳандалаки узул**уб**, тан фалаки чўзил**иб**, андин аксари қоч**иб**, бир ғорга ёшиндилар. Ғор ичра сомон солиб тутун била ҳалок қилдилар”*[107]. Бизга маълумки, халқ достонларидаги шеърий шаклда ифодаланган жанг тасвирлари, асосан, етти бўғинли мисралардан иборат бўлади. Юқоридаги мисолда келтирилган “*Калла ҳандалаки узул**уб**, тан фалаки чўзил**иб**, андин аксари қоч**иб**, бир ғорга ёшиндилар*” тасвирида ҳам сажъланган бўлаклар етти бўғиндан иборат. Бу эса “Темурнома”да жанг саҳналарининг халқ жангнома достонлари таъсирида яратилганлигидан далолат беради.

1.2. Қаҳрамонлар мулоқоти ва хатти-ҳаракатлари тасвиридаги сажъ: “Темурнома”да қаҳрамон ҳаракати ёки маълум воқелик динамикаси хатти-ҳаракатлар тасвирларда сажъ санъатидан унумли фойдаланилган. Матнда сажъ ҳосил қилувчи сўз ёки сўз бирикмалари шунчаки безак вазифасида келмайди. Аксинча, тасвирни ишонарли ифодалашга, ҳолат динамикасини кўрсатишга ва қаҳрамонлар характерини аниқроқ очишга хизмат қилади. Масалан, “*Алқисса, Соҳибқирон **асвил кайвонлиғин, жулус айвонлиғин** бир-бир Иноқға айтуб, огоҳ қилди. Яна Хонимчани Оқтемур олиб **кетганин**, кўнглин қайғуда **бўлганин** баён айлади. Иноқ Қиморий айди: Эй тўрам афандим, кўнглингни ғунча киби қон ила олуда **қилмағил**, бағрингни доғ **айламағил**, эмди, ажаб эмас, умиding гуллари **очилғай**, душман қонлари **сочилғай**”*[108]. Бундай тасвирларда кўп ҳолларда юқоридаги каби тўлиқ ва қисман сажълардан унумли фойдаланилган. Бу сажъли бирикмалар ҳаракат тасвирининг ихчам, қулай ва тинловчига тез етадиган шаклда ифодаланишига ҳам хизмат қилади.

[107] “Темурнома”. – Б. 131.
[108] “Темурнома”. – Б. 103.

Ҳаракат тасвирида қўлланилган сажъланган сўзларнинг аксар қисми ўтган замон феълида ифодаланган. Бунда бўлиб ўтган маълум бир жангдан сўнг рўй берган ҳаракатлар тасвирланади. Масалан, *“Ровий айтурким, қирқ кунгача тўрт минг мулло шаҳодат шарбатини **ичтилар**, руҳ тўтиси тан қафасидин учмоқ шакаристониға **учтилар**. Ҳар* **ерда** *мактаб ва* **мадраса** *ва* **масжидларни** *хароб қилди, толиби илм бўлса ҳар тарафга **қочтилар**. Кофирлар куфр ғавғосини Бухороға **сочтилар**, сўфилар ҳар масжидларда овозини чиқориб азон айтолмадилар*”[109]. Шунингдек, жангномадаги айрим воқеалар натижасида юз берган ҳаракатлар ҳам тасвирланади. Хусусан, “*Хожа, филҳол, чўрини тўрага никоҳ қилуб берди. Андин кейин тўра ул чўрини тилсимотларини **очти**, маржонларини **сочти**”*[110] мисолида ҳам бунга амин бўламиз.

2. **Маъшуқа тасвиридаги сажъ:** “Темурнома”да маликаларнинг ташқи қиёфаси, ҳусну малоҳати тасвирида ҳам сажъдан унумли фойдаланилган. Масалан, “*Аммо ул қиз гўзалликда анинг назири йўқ эрди, оти Сокина **бону**, кўзлари **жоду**, **кирпиклари** ҳунрез, **қошлари** қилич каби тез, **юзи** мисли қуёш, **лаблари** ақиқға ўхшаш ва тишлари дурга ўхшаш эрди. **Қошлари ҳилол, бўйлари ниҳол**, **кўзлари** чўлфондек эрди*”[111]. Бу тасвирда сифатловчи сўзлар сажъланиб келмоқда. Ёр тасвирида анъанавийлик устувор бўлиб, уларнинг стилистик нуқтаи назардан халқ достонларидаги ёр тасвирига уйғун тарзда келиши эътиборга молик. Жумладан, Эргаш Жуманбулбул ўғли томонидан куйланган “Равшан” достонида Зулхумор образи тасвирида келувчи сажъли матн фикримизни исбот қилади: “*Зулхуморнинг **камоли**, ойдай **жамоли**, оқ юзида **холи**, янги тўлган ойдай икки қоши ҳилоли, ясанган ҳурдай, тишлари дурдай, кўзлари юлдуздай, қошлари қундуздай, лаблари қирмиздай, оғизлари ўймоқдай, лаблари қаймоқдай, икки юзи ойдай, тарлон-қарчиғай – учадиган қушдай мухрланган қоғоздай ялт-юлт этиб ўтирарди”*. Икки тасвирни

[109] “Темурнома”. – Б. 106.
[110] “Темурнома”. – Б. 213.
[111] “Темурнома”. – Б. 154.

қиёслайдиган бўлсак, қуйидаги сифатланмишларнинг деярли бир хиллигига гувоҳ бўламиз:

Сокина бону тасвиридаги сифатланмишлар: кўз, киприк, қош, юз, лаб, тиш, қош, бўй, кўз.

Зулхумор тасвиридаги сифатланмишлар: жамоли, юз ва холи, қоши, тиш, кўз, қош, лаб, оғиз, юз.

Бу эса халқ китоблари, хусусан, "Темурнома"нинг ҳам халқ достонлари анъаналарининг давоми сифатида келаётганлигини кўрсатади. Асарнинг бошқа бир ўрнида келувчи ёр тасвиридаги сажъланган ифодалар фикримизга янада аниқлик киритади. *"Кўрдиким, бир* келин**чак**, юзи ойд**ек**, кирпиги ўқ, қоши ёйд**ек**, гўзал**лиқ** *гулшанида* ёл**ғуз**, **ишқ** гулханида анга нечалар жигар**сўз** эрди*"*[112] ёки *"Тўра анга назар қилсаким, **Севаркўздур**. Кўрган кишилар анга **жонсўздур**, кўзлари **мисоли кийик** жавлон қилур, бўйи **ниҳоли буюк** ва ларзондур, юзи **қуёшқа**, баданлари **кумушқа** ўхшар эрди. Тиши **дурдек**, ўзи **ҳурдек** эрди. Лаб **очиб,** тилидин шакар **сочиб**, тўрадин сўрди: "сени гуноҳинг нимадур?"*[113]. Бу каби мисоллар нафақат "Темурнома", балки аксарият халқ китобларининг халқ достонлари анъаналари асосида ижод қилинганлигини исботлаб беради ва халқ китоблари тасвирий воситалари, услуби, барқарор стилистик қолипларининг ҳам оғзаки ижод намуналари замиридан ўсиб чиқиб, шаклланганлигини кўрасатади.

3. Эр киши тасвиридаги сажъ. Достонда қаҳрамонлар портрети, сифати, уларга хос хусусиятларни тавсифланаётганда қўлланилувчи ўхшатиш, эпитет ва бошқа тасвирий воситалар ўзаро насрий қофияланган шаклларда келади. Масалан, *"Анда хожам Соҳибқиронга назар қилуб, кўрдиларким, **баҳодурликда арслондек, талаб жангида қофлондек** эрди"*[114]. Шунингдек, "Темурнома"да тасвирланган шаҳзода ва йигитлар таърифида кўпроқ уларнинг ташқи кўриниши тасвири сажъланган

[112] "Темурнома". – Б. 166.
[113] "Темурнома". – Б. 253.
[114] "Темурнома". – Б. 110.

ифодаларда берилади. Жумладан, “*Қиз Мирзони кўрдиким, гўзаллиқда юзи* ***раънодек****, бўйлари сарв ё* ***санубардек****, они қад қоматини кўруб, устидин гуллар соча бошлади*”[115]. Ёки “*Ногоҳ, кўрсалар, бир йигитчаи нозанинким, қошлари* ***мисоли ҳилол****,* ***тобон,*** *бўйлари* ***мисоли ниҳоли ларзон****, кўзлари* ***чўлфондек****, лаблари ақиқ* ***маржондек****, тишлари дур, баданлари кумуш каби барқ урар эрди. Остида* ***бўз*** *оти, қора* ***кўз****, бошида тож,* ***бўйнида*** *ридои Қуръон, ҳамойил қилич* ***белинда****, тасбеҳ* ***қўлида****, табассум бирла оғзини* ***очиб****, гўё оғзидин шакар* ***сочиб****, тўраға турк тилида сўзладиким, мен сизларға Қайсардин элчи бўлуб келдим, мубориз эмасманким, жангу жадалға келғон*”[116] каби тасвирлар фикримизни тасдиқлайди. Демак, халқ китобларида ҳам халқ достонларининг насрий қисмидаги каби матнда сажъдан унумли фойдаланилади.

1.4.2. Қиссадаги назмий парчаларнинг ўрни ва семантик кўлами

Темурнома”нинг асосий қисми насрдан ташкил топган бўлса-да, асар тузилишида назмий қисмларнинг ҳам ўз ўрни мавжуд. Асарда назмнинг умумий ҳажми 1328 мисрани ташкил этади ва улар 146 та шеър шаклида келтирилган. Жанр нуқтаи назаридан қаралса, мавжуд шеърий парчаларни қуйидаги тарзда таснифлаш мумкин:

№	Жанр номи	Достондаги сони
1.	байт	27
2.	тўртлик	27
3.	қитъа	6
4.	маснавий	48
5.	рубоий	21
6.	ғазал	16
7.	тарих	1

“Амир Темур жангномаси”нинг яратилишида халқ оғзаки ижоди, хусусан, халқ достонлари ва ёзма адабиёт анъаналарининг муҳим ўрин тутишини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат жангномадан ўрин олган шеърий шаклларнинг жанр таркиби таҳлили мисолида ҳам намоён бўлади. Жадвалда

[115] “Темурнома”. – Б. 157.
[116] “Темурнома”. – Б. 296.

акс этган жанрлардан: байт, тўртлик бевосита фольклорга, қитъа, рубоий, ғазал, тарих эса ёзма адабиётга тегишли жанрлар ҳисобланса, маснавий ҳар икки ижод оралиғида пайдо бўлган жанр намунаси саналади. Халқ достонлари орасида “Кунтуғмиш” достони каби ёзма адабиёт анъаналарини ўзига пайванд этган асарларнинг мавжудлиги, ёзма адабиёт ва фольклорнинг доимий равишда бири иккинчисига илҳом манбаи бўлиб келганини, халқ достонлари, хусусан, “Темурнома” каби жангнома китобларнинг пайдо бўлиб, оммалашувида ўзига хос ижод лабораторияси вазифасини ўтаганлигидан далолат беради. Достонни нашрга тайёрлаган олим П.Равшанов асардаги шеърий парчаларга муносабат билдириб, “...асарда берилган 1030 мисра (1328 мисрани ташкил қилади – И.С.) шеърнинг асосий қисми Салоҳиддин Тошкандий қаламига мансубга ўхшайди. Бундай дейишга маълум асослар бор. Муаллиф кимдан шеър келтирмоқчи бўлса, албатта, шоир номини тилга олади. Масалан, Камол Хўжандий, Шайх Саъдий, Саййид Аҳмад, Имом Ҳофизиддин Бухорий, Хўжа Абдулла Хотифий, Шарофиддин Яздий, Хожа Исматулло Бухорий шеърлари турли муносабатлар билан келтирилган. Амир Темур, унинг ўғиллари Мирзо Шоҳруҳ, Мироншоҳ, Шоҳ Шужоъ, Шайх ул аълам ва бошқа тарихий шахсларнинг номидан келтирилган шеърлар, шубҳасиз, Салоҳиддин Тошкандийнинг ўз ижоди”[117]га мансублигини таъкидлаб ўтади. Дарҳақиқат, достоннинг кўп ўринларида келган шеърлар муаллиф қаламига мансублиги услуб жиҳатдан ҳам сезилади. Аммо биз халқ ижодига яқин деб кўрсатган намуналарнинг ҳам муаллифи Салоҳиддин Тошкандийнинг ўзи бўлиши мумкин деб қаралса-да, уларнинг халқ ижоди анъаналарига жуда яқин эканлиги аниқ кўриниб туради ва стилистик жиҳатдан фольклор намунаси деб баҳолашга имкон беради.

“Темурнома”дан ўрин олган шеърий парчаларни асардаги функционал вазифасига кўра қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ:

[117] “Темурнома”. – Б. 18.

1. Жанг саҳналари тасвири. Бундай тасвирларда жангдаги ҳолат умумий планда акс эттирилади. Масалан:

“Урушлар бўлди ул кун ҳаддидин ошиб,

Урарди бир-бирин янчиб, талошиб.

Бузарди бир-бирини сафларини,

Лағв айлаб неча ажуфларини.

Урарди бир-бирин дунболасиға,

Кетар эрди «она» деб холасига.

Қилиб бир-бирларини пора-пора,

Йиқилиб калладин неча минора”[118].

2. Насрда келтирилган маълум фикр ва қарашларни хулосалаш.

Бу гуруҳга мансуб шеърлар халқ достонларининг назмий қисмига монанд тарзда насрда берилган воқелик тасвирини мустаҳкам, мухтасар баён этади. Уларда фалсафий хулосалар чиқарилмайди. Масалан,

“Амир Темур кўзин очиб кўрса, кўксида бир аждар-илон турур. Филҳол илонни калласин ғарча тишлаб ташлади. Бу мамнуъат жумласидин биридур. Бу ишни киши қилмабдур.

Б а й т :

Тиши бирла тишлаб, илонни кўруб,

Узуб ташлади бошини суғуруб.

Отаси кўруб ўғлини ишларин,

Қилиб меҳр анга бошидин ўргулуб”[119]

3. Маълум бир воқеликни фалсафий хулосалаш. Бу типдаги шеърларда достон сюжетидаги маълум воқелик асосида ҳаёт ҳақидаги фалсафий хулосалар чиқарилади. Жумладан, асарда Шайх ул аъламни ранжитган, ўзининг адолатсизлиги билан ўз бошига етган Қазағон билан боғлиқ воқеалар насрий шаклда баён қилиниб, сўнгида қуйидагича хулоса чиқарилади:

[118] “Темурнома”. – Б. 315.
[119] “Темурнома”. – Б. 55.

“Кишиға берсаким, ноҳақ иззойи,

Топар бул қилғондин бад жазойи.

Биров ноҳақ бировға қаҳр этарму -

Анга қаҳр айлағай қодир худойи”[120].

“Темурнома”да бу хилдаги ҳаёт ҳақиқатлари, асосан, маълум рутбага эришган шайхлар, пирлар тилидан айтилганлигига гувоҳ бўламиз. Баъзи ўринларда эса муаллиф тилидан ҳам бундай хулосалар берилади:

“*Вақтики келиб фалак бериб иззатини,*

Ўттиз йил адл узра кўруб давлатини.

Тушолди они умри кечиб, келди қазо

Соқиким анга берди ажал шарбатини”[121].

4. Келтирилаётган тасвирни баён этиш. Бунда муаллиф маълум воқелик ёки тасвирни шеър орқали баён этади. Асарда жатта кофирлари Бухоро мусулмонларига тазйиқ ўтказиб, масжидларда намоз ўқилишига йўл қўймаганда бир киши Хўжа Саъдиддин Абу Бакр хўжаи Жўйборийнинг улуғ бобоси олдига келиб, аҳволни қуйидагича баён этади:

“*Бу назмин деб ул мард шўридакор,*

Ким эй шайх ул ислом олий табор.

Баъибрат назар қил бу масжидлара,

Бўлубдур харобот чу бўзакора.

Худо деб қилайлук биз анга уруш,

Шариат десак лозим эрмас туруш.

Мусулмонлара ким на ишдур бу кун,

Шаҳид айласак ўзни ислом учун.

Бу дин йўлида жон нисор айлалук,

Бақосиз жаҳондин гузор айлалук”[122].

5. Маълум қаҳрамонлар ва уларнинг кечинмалари тасвири. Бу типдаги шеърларда қаҳрамон ички кечинмалари ва яратганга, пир ва

[120] “Темурнома”. – Б. 46-47.
[121] “Темурнома”. – Б. 78.
[122] “Темурнома”. – Б. 140-141.

эранларга мурожаатлари ифодаланади. Биз буни бир неча гуруҳга ажратсак, мақсадга мувофиқ бўлади:

1) маъшуқанинг ошиққа етишиш учун қилган илтижолари. Бунда келтирилган шеър, асосан, ғазал жанрида берилади. Асарда Тўқтемурхон қизи Туман оғанинг Амир Темур ишқида айтган мурожаати қуйидагича берилади:

“*Йўл бошла, манга, разҳбор, ул хонима еткур,*

Ман чўри анга, ул мани султонима еткур.

Оқғон бу кўзимдин, ёшима раҳм гар этсанг,

Афсурда кўруб бу мани жонима еткур...”[123]

2) қаҳрамоннинг қийин вазиятларда пирига мурожаати ҳам шеърий шаклда ифодаланади: “*Амирни ҳоли зиқлиққа қолиб, хожам Баҳовуддинни кўнглуға олиб, илтижода бўлдилар. Бу байтни айдилар:*

Назм:

Қўлум олинг, ё пирим, менда қувват қолмади,

Йўлға солинг, ё пирим, менда ғайрат қолмади.

Соҳибқирон пирларни йўқлаб, анда дедилар:

Назар айланг, ё пирим менда ҳиммат қолмади”[124].

3) достонда тавсифланаётган қаҳрамон таърифи бошқа образ тилидан шеърий тарзда ҳам тасвирланади. Масалан, “*Дерларким, Хожа Хасан Ансорий қанча ғазални Қилич Арслон шаънига дебдурлар. Мазмуни будур.*

Назм:

Ҳизабр ким, оти Қилич Арслон,

Ани кўрган эл дер чу шери жаён.

Қўлини узатса кўк узра агар,

Кавокиб тўкулур эди саросар.

Кишиға агар зарра аччиғ этар,

[123] “Темурнома”. – Б. 148.
[124] “Темурнома”. – Б. 190.

Нафсида олиб, аждаҳодек ютар...”[125]

4) қаҳрамонлар айрим ўринларда ўзини шеърий усулда таништиради, таърифлайди:

“*Отим Маҳмуда бинти шоҳ Масъуд,*

Бобом оти яна Султон Маҳмуд.

Ота-боболарим ислом шоҳи,

Бошида афсарий заррин кулоҳи...”[126]

6. Достондаги маълум воқелик ва қаҳрамонлар тавсифини келтиришда бошқа ижодкорлар шеърларига мурожаат этиш. Асарда Қайсар Ангурияни қамал қилганида мавжуд вазият Сўфи Оллоёр шеъри орқали изоҳланади: *“*Шул жиҳатдин ҳазрат Сўфи Оллоёрдин табаррук сўз борким.

Б а й т :

Ўшал хунборики ҳарб олотин осор,

Агар босар йўруса ёвуни босар”[127].

Демак, “Темурнома”да воқеалар ва қаҳрамонлар тасвири, қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, уларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида вужудга келадиган бадиий воқеликни ёритишда шеърий ифодаларнинг аҳамияти катта.

1.4.3. “Темурнома”да қўлланилган айрим тасвирий воситалар

“Темурнома”да Соҳибқироннинг ҳаёт йўли, амалга оширган ишлари, жанг майдонидаги мардликлари, ишқ саҳналари, табиат тасвирлари шунчаки баён қилинмай, юксак бадиий маҳорат билан тасвирланган. Биз буни қуйида кўриб ўтамиз.

1.4.3.1. Жанг саҳналари тасвиридаги бадиий воситалар

“Темурнома” жангнома қисса сифатида жанг саҳналари, қаҳрамоннинг жангдаги ҳаракатлари, жанг оқибатлари муболағали тасвирларга бойлиги билан ажралиб туради. Муаллиф асардаги жанг

[125] “Темурнома”. – Б. 188.
[126] “Темурнома”. – Б. 156.
[127] “Темурнома”. – Б. 319.

эпизодларини яратишда бир неча хил тасвирий воситалардан фойдаланганини кузатамиз. Хусусан, аксар жангларнинг сўнги, тугаш саҳналаридаги қаҳрамонларнинг ҳолати ва ҳаракати ўхшатишлар билан тасвирланган. Масалан, “*Бул тарафдин турк, ўзбаклар, ул тарафдин ҳинду бадраклар ул қорасаклар бирла андоғ уруш қилдиларким, иккала тарафда ўлуклар ханнот кофидек туб-туб бўлуб қолаверди. Қазо дўкончилари бу юкларни адам аробасиға солаверди. Тана фолизидин калла хандалаги узу**луб**, жасад фалаги чўзу**луб** қиру сойда ётаверди. Қонлар жилға-жилға бўлуб оқаверди. Ул кунда барчаларини **ақли шошиб**, қирғинлари **ҳаддин ошиб**, қизил **денгиз тошиб**, ҳинду бадбахтларни боши қора тарбуз**дек юмалануб**, жасадлари даванг қабак**дек ёрилиб**, қўл-оёғлари таррак**дек тириллаб,** бодринг**дек дириллаб**, аъзолари **узв бўлуб**, бўлак-бўлак **жузв бўлуб**, ҳар ерда ўйнаб ётур эрди”*[128]. Бу саҳна сюжети таҳлилида тасвирни икки қисмга ажратсак, мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Рақибларнинг олишув саҳнаси. Бунда рақиблар тўқнашуви ифодаланади. Бу саҳна юқоридаги тасвирда *“Бул тарафдин турк, ўзбаклар, ул тарафдин ҳинду бадраклар ул қорасаклар бирла андоғ уруш қилдиларким...*” жумласи билан баён этилади.

2. Жанг оқибатлари тасвири саҳнаси. Бу саҳна, ўз навбатида, уч босқичдан иборат бўлади:

1) жангда ҳалок бўлганларнинг борар манзили тасвири – *“Қазо дўкончилари бу юкларни адам аробасиға солаверди”;*

2) руҳи тарк этган жасад ҳолати тасвири – *“ҳинду бадбахтларни боши қора тарбуздек юмалануб, жасадлари даванг қабакдек ёрилиб, қўл-оёғлари тарракдек тириллаб, бодрингдек дириллаб, аъзолари узв бўлуб, бўлак-бўлак жузв бўлуб, ҳар ерда ўйнаб ётур эрди”;*

3) тўқнашув оқибатини акс эттирувчи умумий тасвир – *“...иккала тарафда ўлуклар ханнот кофидек туб-туб бўлуб қолаверди... Тана*

[128] “Темурнома”. – Б. 161.

фолизидин калла хандалаги узулуб, жасад фалаги чўзулуб қиру сойда ётаверди. Қонлар жилға-жилға бўлуб оқаверди. Ул кунда барчаларини ақли шошиб, қирғинлари ҳаддин ошиб, қизил денгиз тошиб...”

Юқоридаги тасвирдаги бадиий образларни эса қуйидагича таснифласак мақсадга мувофиқ бўлади:

Тушунча		**Асардаги ўхшатишлар**
I. Ўлим билан боғлиқ тасвирлар		
1.	Ажал	*Қазо дўкончилари*
2.	Руҳнинг жисмни тарк этиши	*Адам аробасиға солиш*
II. Руҳнинг жисмни тарк этиш пайтидаги инсон аъзолари ҳолати тасвири		
1.	Инсон танаси	*Тана фолизи*
2.	Бош	*Қора тарбуз*
		Хандалак
3.	Жасад (инсон оёғидан бўйнигача бўлган аъзолари – И.С.)	*Фалаги (палак – И.С.)*
4.	Жисмнинг парчаланиши	*Даванг қабакдек ёрилиш*
5.	Қўл-оёқлар ҳолати	*Тарракдек тириллаб, бодрингдек дириллаши*
III. Жанг тугагач, унинг оқибатлари тасвири		
1.	Жонсиз жасадларнинг майдондаги ҳолати	*Ханнот кофидек туб-туб бўлуб қолиши*
2.	Жанг майдонидаги қон	*Қизил денгиз*

Асарнинг жанг саҳналарида бундай тасвирлардан кенг фойдаланилган бўлиб, баъзи ўхшатишларда фарқли тасвирий воситаларни кўришимиз мумкин. Лекин кўп ўринларда тасвир бир хилликни ташкил этади. Масалан, “*Мирзони аскари андоғ қирилдиким, қонлар жилға-жилға бўлуб оқаверди,* ***ажал деҳқони*** *жасад* ***фалакиндин калда ҳандалакини*** *узуб, фалокат* ***аравосиға*** *ортаверди. Бошлар* ***сой тошларидек*** *бўлуб, жасадлар* ***ханнот қофидек*** *тўда-тўда тўфлануб қолаверди. Қазо вагончиси адам релиға бу юкларни солаверди”*[129]**.** Бу тасвирда қуйидагича ўхшатишларни кўришимиз мумкин:

[129] “Темурнома”. – Б. 198.

Тушунча		Асардаги ўхшатишлар
I.Ўлим билан боғлиқ тасвирлар		
1.	Ажал	***Деҳқон***
		Қазо вагончиси
2.	Руҳнинг жисмни тарк этиши	*Жасад **фалакиндин калда ҳандалакини** узуб*
		*Фалокат **аравоси***
		Адам релиға
II. Руҳнинг жисмни тарк этиш пайтидаги инсон аъзолари ҳолати тасвири		
1.	Инсон танаси	*Тана фолизи*
2.	Бош	***Сой тошлари***
		Хандалак
3.	Жасад (инсон оёғидан бўйнигача бўлган аъзолари – И.С.)	*Фалаги (палак – И.С.)*
III.Жанг тугагач, унинг оқибатлари тасвири		
1.	Жонсиз жасадларнинг майдондаги ҳолати	*Ханнот **қофидек** тўда-тўда тўфлануб қолаверди*

Бу ўхшатишлар жангноманинг жанр талабларидан келиб чиққан бўлиб, асар бадииятини акс эттиради.

“Темурнома”да вақт табиат ҳодисалари билан ифодаланган. Муаллиф баъзи ўринларда вақтга ўзи изоҳ бериб кетади. Масалан, “*Элчи кучук бирла кириб, қабри шарифдин Тегина Бегим моҳни ўғли бирла олиб чиқти. Анда қуёш амири офоқ сандуқина беркинди. **Мухолиф юлдузлари кўк сафҳасида жилва қила бошлади, яъни кун кеч бўлуб қоронгу бўлди***”[130]. Баъзи ўринларда эса муаллиф бу ҳодисага изоҳ бермайди. Жумладан, *“Алқисса, уч кун қуёш товусини Мағриб денгизини наҳангги ютти, кундуз шунқорини тун қарғаси қувлаб, беркитти. Андин иккала подшоҳ икки сари бўлунуб ўринларида қарор олдилар”*[131]. Бу тасвирларда, асосан, ўхшатиш ва қаршилантириш санъати қўлланилган. Юқоридаги мисолда ҳам “кун қуёш товуси” билан “Ғарб денгиз наҳанги”и (олов ва сув қаршилиги – И.С.), “кундуз шунқори” билан “тун қарғаси” (оқ ва қора – И.С.) бир-бирига қарши қўйилиб, табиат ҳодисалари мавжудотларга ўхшатилган. Бундай тасвирлар асарнинг бошқа ўринларида ҳам такрорланади. Масалан, “*Ул куни кеч*

[130] “Темурнома”. – Б. 53.
[131] “Темурнома”. – Б. 147.

бўлуб, қуёш Юнусин шафақ денгизин балиғи ютти. Кундуз шунқорин тун қарғалари қувлаб беркитти”[132].

Баъзи ўринларда вақт инсон фаолияти билан боғлиқ рутбаларга ҳам қиёсланади. Масалан, “*Ҳар қайси баҳодур арслон каби бўлуб, бошлуқлари Соҳибқирон, Мирзо Жаҳонгир бирла хонга арз қилуб, маълум қилдилар, маслаҳат бирла ўлтуруб, ул куни кеч бўлғоч,* ***тун амири*** *боши узра қора чодир солди,* ***юлдуз аскари*** *кўк майдонини олди”*[133]. Бунда тун (оқшом) амирга қиёс қилиниб, тун бағридаги юлдузлар аскарларга менгзалмоқда. Шунингдек, муаллиф бундай турдаги баъзи тасвирларда ҳусни таълил санъатидан ҳам маҳорат билан фойдаланганига гувоҳ бўламиз. Масалан, “*Ўшул кеч* ***қуёш куёви*** *юзи шафақ қизариб ғойиб бўлганидин* ***тун келини*** *ғам ва андуҳда бўлуб, боши узра қора чодрани солганидин кейин, Иноқ расми айёрлиқда ўзин тузатиб, Амир Темур иккови кеча била хандак ёқасиға келдилар”*[134]. Бунда муаллиф томонидан куёви ғойиб бўлганидан ғам-андуҳда қолган келиннинг бошига қора чодрани солганлиги сабабли тун бўлганли кўрсатилмоқда. Бунда эркак ва аёл бир-бирига зид қўйилмоқда.

Юқоридаги тасвирларда кун ўз ўрнини тунга бўшатиб берганлиги, оқшом вақти ҳақидаги тасвирлар кузатилади. Асарнинг бошқа ўринларида туннинг тонг билан алмашиш вақти ҳам кўрсатилади. Масалан, *“Алқисса, тонгласи куффор зулумоти беркунуб, қуёш сайёди кўк майдониға чиқуб, олам мўъмин кўнглидек зиё топуб эрди”*[135]. Демак, асар воқеалар баёнида календарь вақтининг икки пайти: қуёшнинг ботиши – тун ва қуёшнинг чиқиши – тонг бадиий воситалар орқали тасвирланган.

Асарда муболаға санъатидан ҳам кенг фойдаланилган. Жумладан, *“Иноқ ҳозир бўлуб, ўзини ҳаким суратида қилуб, ман жарроҳлиқни яхши билурман деди. Муни ҳам ўрдаға бирла олиб келдилар. Иноқ*

[132] “Темурнома”. – Б. 264.
[133] “Темурнома”. – Б. 148.
[134] “Темурнома”. – Б. 103.
[135] “Темурнома”. – Б. 91.

Қозағонға секин айди: Эй амир бегим, ман тилим била тўхтаб қолған қонларни ялаб олурман, сиз сабр қилуб, сира оҳ-воҳ деманг, андак тоқат қилурсиз. Қозағон қабул қилди. Анда кал Иноқ ***калласини ёрилган еридин андоғ сўруб торттиким, мағзи миясиғача қолмади.*** *Қозағон кофир андоғ тинчиб ухладиким, лаъин хон томуғ сариға бориб асло келмади"*[136]. Бундай тасвирлар халқ китобларининг яратилишида халқ достонларининг катта таъсири бўлганлигидан далолат бўлади.

Диссертациянинг биринчи боби юзасидан қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. "Темурнома"да тасвирланган воқелик ва қаҳрамонларнинг тарихий асоси мавжуд бўлиб, унда бош қаҳрамон сифатида буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур асос қилиб олинган;

2. "Темурнома" халқ китобларининг қисса жанрига мансуб асарлар сирасига киради;

3. Жангнома анъанавий ҳамд ва наът, асарга умумий кириш вазифасини ўтовчи дебоча ва достон деб аталган боблар (муаллиф уларни достон деб атаган – И.С.)дан иборат бўлиб, ҳар бир достон яхлит композицияни ташкил қилади. Улар тузилиши жиҳатидан мавзу, кириш, муаммо, ечим ва хулосалардан иборат;

4. Асарнинг 32 та боби (достон) ва айрим боблар таркибидаги 9 та фаслида Амир Темур образи бош қаҳрамон сифатида тасвирланади. Қолган 14 боб (достон) ва 3 та фаслда эса Амир Темур образи асосий планда тасвирланмаса-да, ёндош образлар (Амир Темурнинг фарзандлари, набиралари ва унинг ишонган одамлари)нинг асардаги ҳаракати орқали Соҳибқирон ҳаёт йўли акс эттирилади;

5. Жангномадаги маълум бир воқеа-ҳодисаларнинг турли макон ва замонда тасвирланиши ва уларда бир неча қаҳрамоннинг босқичма-босқич иштироки айрим бобларнинг ички фаслларга ажратилишига сабаб бўлган 46

[136] "Темурнома". – Б. 108.

та бобдан 36 таси алоҳида боб *(достон)*ларни ташкил қилса, 10 та боб *(достон)* киритма фасллардан *(13 та)* иборат;

6. Асарда Амир Темур шахси халқ эпик тафаккури маҳсули сифатида идеаллаштирилган образ сифатида тасвирланиб, унда қаҳрамон ҳаёти унинг туғилиш сабабларидан то умрининг охиригача бўлган воқеалар ривожи эволюцион тарзда тасвирланган;

7. Асардаги воқеалар баёнида жанг тасвири етакчи ўрин эгаллайди, яъни қаҳрамон умрининг катта қисми жанг майдонларида кечади. Турли-туман беллашувларда Амир Темур ўз кучи ёки ғайб эранлари, пирлар мадади билан ғолибу музаффар сифатида талқин этилади. Қаҳрамон ҳаёти билан боғлиқ бошқа муносабатлар ҳам мана шу планда акс эттирилади;

8. “Темурнома”да асосий воқеалар баёни ва қаҳрамонлар тасвири насрда берилиб, жанг саҳналари сажъда ифодаланади. Шунингдек, асардаги воқеалар ва қаҳрамонлар тасвири, қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, уларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида вужудга келган бадиий воқеликни ёритишда шеърий ифодалар муҳим аҳамият касб этади;

9. Асардаги воқеалар “Ровийлар андоғ ривоят қилурларким”, “Ровий айтурким”, “Алқисса”, “Аммо Ровий дерким” каби анъанавий бирикма иборалар билан бошланиб, тасвирий воситалар қолип сўзлар воситасида ягона услубни ташкил этади.

II БОБ. “ТЕМУРНОМА” СЮЖЕТИ ВА ОБРАЗЛАР ТИЗИМИ

2.1. Қисса сюжетининг тузилиши, эпик анъаналар талқини

“Темурнома” Амир Темур ҳаёти, фаолиятига бағишланган асар бўлиб, унинг бош қаҳрамони Соҳибқирондир. Бутун асар сюжети ана шу қаҳрамон атрофига қурилган. Асарни ташкил этувчи қирқ олти боб (достон)нинг ўттиз иккитасида бевосита Соҳибқирон иштирок этиши, ўн икки боб (достон) эса билвосита Амир Темур билан боғланишини дастлабки бобнинг асар композицияси таҳлил этилган қисмида айтиб ўтган эдик. Ушбу боблар яхлит “Темурнома” сюжетини ташкил этиш баробарида, асарнинг бош сюжети маълум ички сюжетлардан таркиб топишини кузатамиз.

2.1.1. Амир Темур фаолияти билан боғлиқ сюжет линияси. Юқорида таъкидлаганимиздек, асарда Амир Темур образи бош қаҳрамон бўлгани боис, у билан боғлиқ сюжетлар етакчилик қилади. Хусусан, Амир Темурнинг болалиги, уни йўқ қилишга бўлган уринишлар, тарбия топиши ва ёшликда кўрсатган ғайритабиий ишлари қиссанинг *“Достон: Етти ҳаким етти иқлимдин элчи бўлиб келур Амир Темур Соҳибқирон қатли учун. Анинг баёнида”*[137] боб (достон)ида тасвирланади. Хусусан, мазкур бобда Амир Темурни Амир Чоку тарбия қилганлиги, Соҳибқирон олти ойлик пайтиёқ “*иқболин қуёши рабъул маскунға таъсир қилиб, ҳар гўшада овозаси ва ҳар шаҳрда ҳангомаи беадада бўлгани”*[138] ва бундан етти иқлим ҳукмдорлари (1. Рум 2. Боғдод 3. Шоҳ Шужоъ 4. Ҳиндистон 5. Фаранг 6. Хитой 7. Тотору ўрис) турли воситалар орқали хабар топиши, Амир Темурни ўлдириш учун ўз элчиларини Бухорога юбориши эртакнамо тасвирланади. Бухорога келган элчилар юртдаги барча янги туғилган чақалоқларни кўздан кечириб, уни қидиради. Тегина бегим тушига Шайх ул аълам кириб, уни ўз мозори томон чорлайди. Бегим у ерда яширинади, элчилар болани ўлдириш учун келганида ғойибдан бир қўл келиб, душманларни ўлдиради. Чин элчиси ит билан

[137] “Темурнома”. – Б. 49-56.
[138] “Темурнома”. – Б. 49.

даҳмага кириб, она ва болани у ердан олиб чиқади. Болани ўлдирмоқчи бўлганида Баёнқулихон тушига Шайх кириб, қутқаришни буюради ва хон Тегина бегим билан Амир Темурни қўйиб юборади. Амир Чоку Соҳибқиронни ўз ўғлидек яхши кўради ва тарбия беради. Шу тариқа мазкур бобда Амир Темурнинг 12 ёшлик пайти тасвирланади. Ва муаллиф томонидан Амир Темурнинг болалигида кўрсатган қуйидаги ғайритабиий сирлари баён қилинади:

1. Бир қўли билан тўла аробани кўтариши.
2. Аждар бошини тиши билан юлиб олиши.
3. Қирқ киши тортадиган қовғани ўзи тортиши.
4. Қўтур уйуз бўлиб, етти йилгача ўзини қашимаганлиги.

Шу тариқа мазкур боб(достон) якунланади. Амир Темурнинг гўдаклигидан то ўн икки ёшигача бошидан кечирган воқеалар ва унинг хусусиятлари мазкур бобда тасвирланган бўлиб, бу сюжетлар соҳибқиронлик хоссасини намоён қилган. Хусусан, душманларнинг бўлажак Соҳибқирон туғилганлигидан хабар топиб, уни жисман йўқ қилишга бўлган ҳаракатлари, қаҳрамоннинг ёшликдаги телбаликлари ва доимий равишда ҳомийлар ҳимоясида бўлиши тасвирлари мазкур сюжет асосини ташкил қилади.

Амир Темурнинг ғайб эранлари томонидан Соҳибқирон сифатида танланиши воқеалари халқ достонлари сюжетига монанд тасвирланган. Бу сюжет асарнинг “*Бу достонда рижол ул ғойибни Амир Темурга кўб-кўб илтифот қилғонларин баёни”* боб (достон)ининг “*Эмди келдук бу мақолаға: аҳволи Соҳибқиронға”*[139] фаслида тасвирланган. Хусусан, Амир Темур 12 ёшга етганда шайх Ҳасан Кулолга қўл бериб, мурид бўлади. Шайх уни бир булоқ ёнига олиб келади ва қаршиларида бир гумбазни кўришади. Шайх Амир Темурни қолдириб, ўзи гумбазга киради. Шу пайт яна икки йигит бирин-кетин устозлари билан келади. Улар бир бирининг тилини тушунмайди. Шу пайт гумбаздан яшил кийимлик сўфи чиқиб, оғзидан сув олиб, уларнинг оғзига қуйганда, уччовлари бир-бирларининг тилини тушуна

[139] “Темурнома”. – Б. 56-60.

бошлашади. Улар сўфидан бу жой ҳақида сўраганида, у бу ер ғайб эранлари жойи эканлигини, ер юзидаги подшоҳлар тақдири шу ерда белгиланишини айтади. Сўфи уларни гумбаз ичига олиб киради. У ерда Қутб бошчилигида эранлар бўлиб, уч номзодни синовдан ўтказишади. Аввало, уларга ўз жойларингни топиб ўтиринглар деганда, икки йигит тўрга чиқиб ўтиради, Амир Темур эса бу ер ўтириш жойи эмас, хизмат қилиш жойидир, деб тик туради. Эранлар унинг ақлига таҳсин ўқийди. Сўнгра бир маст-аласт, қўлида шароб тутган йигитни олиб келади. Қутб йигитларга бу менинг ўғлим, неча марта тавба бердим, қабул қилмади, бунга қандай ҳукм бериш керак, деган масалани қўяди. Биринчи ва иккинчи номзодлар бунга ҳукмни ўзингиз чиқарасиз ёки яна тавба бериш керак, зора бу ишлардан тийилса, дейди. Амир Темур эса мастни бир уриб ўлдиради ва йигитларнинг бу Қутбнинг ўғли эди, нега ўлдирдинг, деган таънасига бу гуноҳкор, зеро, тавбасини тутмади, деб жавоб беради. Қутб кейинги шарт сифатида хонақоҳ томидаги давлат нақорасини чалишни айтади. Нақора Соҳибқиронни танлаб бериши керак бўлади. Йигитлар ноғора (борабан)ни чалганида ундан паст овоз чиқади. Амир Темур чалганида эса “Давлат, давлат Амир Темурий”, деган садо чиқади. Шу пайт бир тарафдан боғ кўринади, у ердан икки ғулом чиқиб, баробан чалгувчини талаб қилиб, ичкарига олиб кетишади. Амир Темурни бир қасрга келтиради. Етти дарвоза қулфларини очиб, ичкарига кирганда, мармар тошдан қилинган эркаклар танаси атрофига одам каллалари терилган курсини кўради. Уй ўртасида бир қизил парда бўлиб, ғулом Амир Темурга подшоҳлик даъвоси шу парда устида ўтказилишини айтади. Амир Темур парда устига ўтирганда, ўзини хонақоҳда, Қутб олдида кўради. Қутб уни етти иқлимга амирлик муборак бўлсин, деб табриклайди ва қаср ичида кўрган тасвирларни изоҳлаб беради. Унга кўп насиҳатлар қилиб, Шайх Кулолга топширади. Шайх Амир Темурга “оёқингни мени оёқим устига қўй”, деб буюради ва Амир Темур шайх айтгандай қилади. Кўзини очганда ўзларини Шаҳрисабзда, шайх хонақоҳларида кўради. Тарағай Баҳодир ўғлининг у ерда эканини эшитиб, уйига олиб кетади. Шу билан мазкур “танланиш” сюжети

тугайди. Мазкур боб сюжети ҳам Амир Темур образи асосига қурилган бўлиб, халқ эртаклари ва достонларида тасвирланадиган ғайб эранлари макони ва синов мотивлари асосига қурилган.

“Темурнома”да Амир Темурнинг саркардалик маҳорати ва тадбиркорлиги тасвирлари бош сюжет линиясида бериб ўтилади. Бу асарнинг *“Бу достонда Қарши ва Термиз фатҳ ўлуб, Тўқтемурхон Қаршиға келуб қўл ва қўшунлари амирдин шикаст топгонини баёни”*[140] боб (достон)ида тасвирланади. Амир Темур Мовароуннаҳрни бирлаштириш учун ҳаракат бошлаган пайтда, Қаршида Тўқтемурхоннинг ўғли Қоратемурхон ҳоким бўлади. Жатта зулмидан чарчаган халқ ҳам Амир Темур тарафида бўлади. Соҳибқирон қирқ йигити билан Қарши қалъасини олиш учун келаётганида, йўлда узумларни кажаваларга юклаб, Қаршига олиб кетаётган баққолларни кўради. Амир Темур тадбир қилиб, йигитларига кажаваларга тушишини айтади. Баққоллар ҳар бир отга иккита кажавани ортиб, йигирмата отни етаклаб шаҳарга киради. Ток баргларини кажава оғзига солган баққоллар сўраганларга кажавада узум бор, деб жавоб беришади. Қарши ҳокими Қоратемурхон дарвозадан кирганни менинг олдимга олиб кел, деб буюргани учун давозабонлар баққолларни хон ўрдасига олиб боради. Хон ёнидаги кекса киши кажаваларда одам борлигини айтса ҳам, ҳеч ким эътибор бермайди. Баққоллар билан Қоратемур савдоси келишмайди, узумни олиб келсин, деганда, Амир Темур ва Иноқ ўтирган кажавани олиб келади ва шу пайт ўртада жанг бошланади. Халқнинг кўмагида икки минглик жатталар устидан ғалаба қозонади.

Мазкур сюжет ҳам “Алибобо ва қирқ қароқчи” эртагидаги қароқчиларнинг қаҳрамон уйига кириши, “Маликаи айёр” достонида Авазнинг малика ҳузурига ясама шер ичида бориши сюжетларига ўхшаш. Бу эса “Темурнома” қиссасининг халқ достонлари ва эртак сюжетлари асосида шакллантирилганидан далолат беради.

[140] “Темурнома”. – Б. 137-140.

Асар структурасида Амир Темурнинг ғоявий рақиби Носир Хисрав билан боғлиқ сюжет мавжуд бўлиб, бу воқеалар асарнинг *“Бу достонда Мукно Расуллиқ даъвосин қилмоқин баёни”*[141], *“Бу достонда Амир Соҳибқироннинг Бурҳониддин соҳиб ҳидоятга келмоқи, ул кишини муноқашаларини баёни”*[142] боб (достон)ларида талқин қилинган. Хусусан, бу бобларда Носир Хисравнинг Бадахшонда туғилганлиги, жуда зеҳнли бўлиб, бир неча йил Бухорода таълим олганлиги айтилади. У Амир Тегин Салутнинг уйига келиб, унга мен билан йўлдош бўлсанг, Муҳаммад динини йўқ қиламан, деб айтганида амир уни қойийди ва шундан сўнг Носир Хисрав қирқ йил кўринмай кетади. Қирқ йилдан сўнг Шаҳрисабз яқинидаги Талли деган жойда пайдо бўлади. Носир Хисрав узоқ йиллар сеҳр-жоду билан шуғулланиб, ҳар қандай касални, ҳатто туғма кўрларнинг кўзини очадиган даражага етган бўлади. Бу сифатларидан лол қолган оломон оқ кийим кийиб, унга эътиқод қила бошлашади. Бир куни Носир ғорга кириб уч кундан сўнг чиқади ва *“мани бу эрта расул, яъни ялавоч қилдилар”*[143], деб ҳаммани пайғамбар эканлигига ишонтиришга уринади. Одамларнинг “пайғамбар бўлсанг, мўъжиза кўрсат”, деган талабига бир чинорни кўрсатиб, бу чинор ёғочи узра Жаброил менга хабар келтиради, деб ҳаммани чинор олдига олиб келади. Чинордан “Носир пайғамбар бўлди”, – деган овоз келади. Буни кўрган оломон Носир Хисравга иймон келтиради. Носир Хисрав ўзига эргашганларга бир-биридан мол-дунёсини, ҳатто хотинларини ҳам қизғанмасликни буюради. Бундай чиркин ишлардан хабар топган ислом уламолари уни “кофир” деб эълон қилишади. Носир ўз сафдошларига “Фидойи Носир” деб ном қўяди ва ўша йили уни “кофир” деб эълон қилган Бухоро ва Самарқанддаги тўрт минг муллонинг бошини олади. Ҳолат шу даражага етадики, Тарағай Баҳодир ва Амир Темурни ҳам чақириб, ўз динига ўтишга мажбурлайди. Тарағай Баҳодир бир оз фурсат сўрайди. Амир Темур Носир Хисрав билан баҳслашиб, унинг эътиқоди нотўғрилигини исботловчи

[141] “Темурнома”. – Б. 60-66.
[142] “Темурнома”. – Б. 66-72.
[143] “Темурнома”. – Б. 61.

уламо қидириб, Самарқандга боради ва Бурҳониддин соҳибни олиб келади. Баҳсда Бурҳониддин соҳиб ғалаба қозонади. Амир Темур ваҳий сирини *(Мукнонинг чинор тагига кириб, у ердан овоз бериши – И.С.)* ҳам очади. Малоҳидаларнинг ҳаммаси ўлдирилади, фақат бир хотин қочиб қутулади ва кейинги малоҳидалар унинг авлоди ҳисобланади. Шу тариқа Носир Хисрав билан боғлиқ сюжет тугалланади. Бу воқеалар рўй берган вақтда Амир Темур ўн тўрт ёшда бўлиб, унинг ботирлиги, зеҳн-заковатига мазкур сюжетда урғу берилган.

Демак, “Темурнома”да Амир Темур фаолияти билан боғлиқ сюжет линияси асарнинг асосини ташкил қилиб, улар халқ тасаввуридаги соҳибқиронлик тизими хоссаларини кўрсатишга хизмат қилади.

2.1.1. Бош сюжет таркибидаги мустақил сюжет кўринишлари. “Темурнома”да Амир Темур фаолияти асос қилиб олинган сюжетлар билан бирга Соҳибқирон образи бевосита иштирок этмаган мустақил сюжет линиялари ҳам мавжуд. Масалан, асарнинг *“Аввалғи достон. Ҳазрат Амир Темур Соҳибқиронни оналаридин туғулмоқлиқлари баёни”*[144] *ва* “*Достон: Етти ҳаким етти иқлимдин элчи бўлиб келур Амир Темур Соҳибқирон қатли учун. Анинг баёнида”* боб (достон)ининг *“Эмди сўзни Турағай баҳодирдан эшитмак керак”*[145] боб (достон)ларида “кундошлар” ҳақидаги анъанавий сюжетнинг ўзига хос талқинини кўришимиз мумкин. Бу сюжет баёни қуйидагича: Йўқун хоним Тарағай Баҳодирнинг катта хотини ҳисобланиб, у фарзанд кўрмаган. Тарағай Баҳодир Бухорога бориб, турли машаққатлар билан Тегина бегимга етишади ва уни уйига олиб келади. Орадан маълум вақт ўтгач, Тегина бегим ҳомиладор бўлади, фарзанд туғилишини кутаётган Тарағай Баҳодирга эса хондан мактуб келади. Хон амри билан Тарағай Баҳодир қўшин тўплаб, Тегина бегимни катта хотини Йўқун хонимга омонат қолдириб кетади. Бир кечаси Йўқун хоним туш кўради. Тушидаги тасвир асарда қуйидагича баён этилган: *“Тегина бегим моҳ этакидин, қуёш тулуъ*

[144] “Темурнома”. – Б. 43-49.
[145] “Темурнома”. – Б. 54-56.

қилиб, машриқдан Мағрибға боруб тамом оламни олди. Андин Ҳиндистон сариға майл қилди”[146]. Йўқун хоним кундоши Тегина бегимга давлат кулиб боққанини англаб етади ва ўз фикрини асослаш учун тушини таъбир қилдиргани қули Мойдунни Самарқандлик машҳур туш таъбирчиси Сабулак ота ҳузурига юборади. Сабулак ота Йўқун хоним тушини*“Тарихнинг етти юз ўтуз бешида бир ўғили соҳибқирон вужудға келадур. Гумон қилурман, тулуъи Кавкабинин вақтиға қарағонда яқиндурким, ул ўғил онадин ер юзиға туғулур соҳибқирон бўлуб, етти иқлимни олғай, анинг авлоди саккиз юз йил салтанат сурғай”*[147], – дея таъбир қилади. Буни эшитган Йўқун хоним кундошлик туфайли рашкдан Тегина бегимни йўқ қилиш ҳаракатини бошлайди. У Тегина бегимнинг отаси Садр аш-шариат номидан бегимга сохта мактуб ёздириб, унинг Бухорога келишини айтади. Тегина бегим мактубни олиб, Йўқун хонимдан рухсат сўрайди. Йўқун хоним қули Мойдунга йўлда Тегина бегимни ўлдиришни айтиб, унга икки канизи ва қулини ҳамроҳ қилиб юборади. Анча йўл юргач, бир қудуқ олдида нафас ростлаш учун тўхташади ва Мойдун қиличини чиқариб икки канизни ўлдиради. Тегина бегимни ўлдирмоқчи бўлганида, бегим қудуққа тушиб кетади, шу пайт кўкдан тушган чақмоқ Мойдуннинг танасини иккига бўлиб ташлайди. Шу атрофда юрган чўпон қудуқдан Тегина бегимни чиқариб олади. Бегимнинг ҳусни унинг ақлини олиб, нафс измига тушганида Амир Чоку келиб қолади ва чўпонни ўлдиради. Тегина бегимни ўз уйига олиб бориб, унга синглисидай меҳрибонлик қилади. Тарағай Баҳодир урушдан қайтиб келганида Тегина бегимни тополмайди. Қанча қидирса ҳам, уринишлари бесамар кетади. Бу пайтда Тегина бегим Амир Чоку хонадонида яшаб, табиблик сир-синоатларини ўрганади, тушларни таъбир қилиб, халқ орасида машҳур бўлади. Орадан ўн икки йил вақт ўтади. Тарағай Баҳодир тушида ўғли тириклигини кўради. Ўша пайт Йўқун ҳоним Тегина бегим қарғишига учраб, телба бўлиб қолган эди. Тарағай Баҳодир Тегина бегим

[146] “Темурнома”. – Б. 47.
[147] “Темурнома”. – Б. 48.

таърифини эшитиб, унга Йўқун хонимни даволатиш ва тушини таъбир қилдириш учун Амир Чоку хонадонига келади. Тегина бегим уларни таниб, хонасида парда ортида Йўқун хоним ва Тарағай Баҳодир билан учрашади. Тарағай Баҳодир тушини эшитиб, сизнинг ўғлингиз бор, у ҳозир ўн икки ёшда, деб айтганда, Тарағай Баҳодир бунга ишонмайди. Тегина бегим эса Йўқун хоним бор сирни айтса, мен уни даволайман, деб шарт қўяди. Йўқун хоним ноилож бор сирни айтади. Тарағай Баҳодир ҳақиқатни билиб, Йўқун хонимни ўлдирмоқчи бўлганида Тегина бегим ўзини танитади. Йўқун хонимга дуо ўқиб, тузатади.

Мазкур воқеалар тавсифи, қаҳрамоннинг ҳомила топиб, туғилиб, вояга етгунгача бўлган воқеаларни халқ эртаклари ва бир қатор достонлар асосида мавжуд бўлган “кундошлар” ҳақидаги анъанавий сюжетнинг ўзига хос талқини сифатида баҳолаш ўринли. Бунда бўлажак қаҳрамон ота-онасининг никоҳ қуриши ва кундошнинг карoматда айтилган ўғил туғилишини билиб, унга қарши курашиши, уларни ўлдирмоққа бел боғлаши-ю, она-боланинг ҳомий руҳлар кўмагида омон қолиб, туғилиши ва улғайиши, ниҳоят отасини топиши, душманлик қилган катта кундошнинг дардга чалиниши ва унинг ўзи ёмонлик қилган кундоши, яъни боланинг онаси томонидан даволаниб, ҳаётга қайтиши анъанавий “кундошлар” сюжетига уйғун ҳолда тасвирланган. “Қиронхон”[148], “Ҳасан ва Зуҳра”[149] ва бошқа кўплаб эртаклар асосида айнан ушбу сюжет турибди. Шу билан бирга, айни сюжет “Темурнома”нинг аввалги боблари асосини ҳам ташкил этади.

“Темурнома”да мустақил сюжетлардан бири Султон Муҳаммад тўра билан боғлиқ воқеалар асосига тузилган. Бу воқелик эртаклардаги сафар мотиви асосида шакллантирилган. Султон Муҳаммад тўранинг дунёга келиш воқеаси жангноманинг *“Бу достонда Носир Хисравни ўғли Мансур исмлик Қошғар ичра пайғамбарлик даъвосини қилуб, Мирзо Жаҳонгир ибн Амир*

[148] Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. Учинчи жилд. Қиронхон. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМУ, 2015.
[149] Ўзбек халқ эртаклари. 2 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: 1960. – Б. 342-350.

Темур онинг бирла жанг қилғонини баёни”[150] бобида тасвирланади. Хусусан, Жаҳонгир Мирзо сеҳр-жоду билан ўзини пайғамбар дея эълон қилган Носир Хисравнинг ўғли Мансурни жангда енгади ва асир олади. Лекин уни ўлдиришга бўлган барча ҳаракатлари бесамар кетади. Мансурнинг қизи Қойлиқ Жаҳонгир Мирзога ошиқ бўлиб, Мирзо унга уйланса, отасини маҳв этиш сирини айтишини билдиради. Мирзо бунга рози бўлиб, Мансурни Қойлиқ кўрсатмаси асосида ўлдиради. Жаҳонгир Мирзо Қойлиққа уйланади ва у билан бирга бўлади. Қойлиқнинг оғзидан жуда ёмон ҳид келгани боис, уни сандиққа солиб, дарёга оқизиб юборади. Султон Муҳаммад тўранинг илк сафари она батнидалигидаёқ сандиқ ичида бошланади. Бу сюжет асарнинг *“Бу достонда Мирзо Султон Муҳаммад тўра ибн Мирзо Жаҳонгир тўра ибн Амир Темурнинг хуружи, аввал хитойнинг юртиға бориб, андин кейин Яъжуж-Маъжуж саддини ва Дажжолни, ажойиб-ғаройибларни кўруб келғонини баёни”*[151] боб (достон)ида давом эттирилади. Хусусан, унда сандиқ ичидаги Қойлиқни денгиздан Пир Қалмоқ қутқариб олади. Маълум вақт ўтгач, Қойлиқ бир ўғил туғади. Пир Қалмоқ унинг насл-насабини билиб, Кўбканбек дея исм қўяди ва Амир Темур келса, унга бу болани олиб бораман, ундан иззат топаман, деб тарбиялай бошлайди. Қойлиқ эса ўғлига Султон Муҳаммад исмини қўяди. Мана шу ўринда соҳибқиронлик тизими элементлари намоён бўлади. Бунда туғилажак қаҳрамоннинг икки исмли бўлиши ва ўз юртида эмас бошқа юртда туғилиши, ўзга бир инсондан тарбият топиши воқеаси фикримизни асослайди. Бу эса Султон Муҳаммад билан боғлиқ сюжетнинг “Темурнома”да алоҳида аҳамият касб этишини англатади.

Султон Муҳаммад ўн беш ёшга етганда Пир Қалмоқ билан қалмоқларнинг Маккасига боради. У ерда Ҳинду қалмоқнинг пири шайх Лўлу ва Чингизхон қабри борлиги айтилган. Бу иморат темирдан бўлиб, ичида кўплаб буд ва санамлар бўлади. Султон Муҳаммад қалмоқлар каъбаси

[150] “Темурнома”. – Б. 151-154.
[151] “Темурнома”. – Б. 211-221.

шайхидан бинода бир кеча тунаш учун рухсат сўрайди. Кечаси нажосатлар билан бино ичидаги бутларни булғаб ташлайди. Бундан хабар топган қалмоқлар тўрани ўдиришга қасд қилишади. Икки ўртада қизғин жанг бошланади ва охири тўрани боғлаб, Пир Қалмоқ илтимосларига қарамасдан қудуққа ташлашади. Шу орада бир қабила карвони юртига қайтаётиб, қудуқдан сув олишга қовға ташлайди, тўра қовғада чиқади. Қабила бошчиси Муҳаммад Ҳабиб тўра насл-насабини билиб, Амир Темур андишаси учун ўзига ҳамроҳ қилиб олиб кетади. Тўрани қабилабошининг бир чўриси яхши кўриб қолиб, чодирига келади ва бирга бўлишни таклиф қилади. Тўра ҳар қанча рад қилса ҳам чўри кетмагач, бир уриб унинг тишини синдиради. Чўри қабилабошига тўранинг унга ташланганини айтиб, туҳмат қилади. Қабилабоши одамларига тўрага чодир бермасдан, кечаси уриб ҳайдаб юборишни буюради. Шу мақсадда келган хизматкор ухлаб ётган тўра бошига Ҳумоюн соя солиб турганини кўради ва барча қабила аъзолари ҳам бунга гувоҳ бўлади. Қабила боши воқеа тафсилотини билиб, чўрини тўрага никоҳлаб беради. Йўлда кетаётганда қалмоқ қўшинлари қабилани талайди. Тўра уларга қалмоқ тилини билишини, улардан ўзини шоҳининг олдига олиб боришларини сўрайди. Тўра хоннинг касаллигини сезиб, унинг устидан кулиш учун табибман, деб ит гўштини ейишни буюради. Хон мазкур тадбирни қилиб, сиҳат топади ва тўрани эъзозлаб, совға саломлар билан кузатиб қўяди. Тўра қабила билан Хитой жанубига йўл олади. Хитойда уларни яхши кутиб олишади. У ерда мусулмонлар қишлоғи ҳам бўлиб, уларнинг бошлиғи асли ҳисорлик Мавлоно Абдулғаффор эди. Хитой ҳоқони қирқ кундан кейин уларни қабул қилади. Зиёфат чоғи бир телбасифат кекса киши келади. Ҳоқон ундан зорланиб, сўз сўрайди. Лекин кекса киши индамай чиқиб кетади. Тўра бу ҳолатга ҳайрон бўлиб, унинг ким эканлигини Мавлоно Абдулғаффордан сўраганда, у айтмайди. Минг қасам ичиб, сирни ҳеч кимга айтмаслигини бўйнига қўйиб, охири бу кекса киши ҳоқоннинг отаси эканлиги, катта ўғлининг тарихий манбаларда Искандар Зулқарнайннинг садд боғлаганлигини билиб қолиши ва қаршиликларга

қарамасдан бир йилга муҳлат олиб кетганича, ўн икки йил бўлса-да, қайтмаганлигини билиб олади. Кекса киши шул сабаб ҳоқонликни ўғлига топширган бўлади. Султон Муҳаммад ҳам Искандар қурдирган деворни кўришни истайди ва ҳар қанча қаршиликларга қарамасдан йўлга чиқади. Чин хоқонининг зукко вазири унга йўл-йўриқ кўрсатиб, шаҳардан чиққанидан кейин тоғ этагидаги ғорга кириб, ҳиндудан маслаҳат сўрашини айтади. Тўра билан келган қабиладан ўн киши унга ҳамроҳликда шаҳардан чиқиб, вазир айтган ғордаги ҳинду ҳузурига боради. Ғор ичида ҳинду бир оёғидан шифтга осиғлиқ турарди. У меҳмонларга ўтиришни ишора қилиб, ўзи жим тураверади. Уч кундан кейин тилга кириб, тўрага Яъжуж-Маъжужга боргунча вайрона қилинган етти шаҳардан ўтгач, саккизинчи шаҳарда сарносир пири борлигини, унга мактубни берса, кўмаклашишини тайинлайди. Тўра ҳамроҳлари билан вайрон қилинган етти шаҳардан ўтади. Саккизинчи шаҳар ҳам вайрон қилинган бўлиб, шаҳар четида тутун чиқаётган жойдан оёғидан шифтга осилган сарносирни топади. У бир чуқур нафас олиб, бордон каби шишиб, қирқ кун туради. Кейин ўз ҳолига қайтиб, уч юз ёшга киргани, шаҳарларнинг вайрон бўлиш сабабини айтади. Тўрани фикридан қайтармоқчи бўлади, аммо тўра қайтмайди. Сўнгра сарносир уларга йўл-йўриқ кўрсатиб, тўрага етти энлик хат беради. Йўлда қийинчиликларга дуч келса, мана шу жумлалар унга фойда бўлишини айтади. Тўра ва унинг ҳамроҳлари шу тариқа сафарни давом эттиришади ва йўл-йўлакай қуйидаги тўсиқларга дуч келади:

1. Одам ёввойилар.
2. Кўб чибинлар.
3. Ерни тўлиқ олмос қоплагани ва ундан ўтиш муаммоси.
4. Қашқир ва бўрилар.
5. Қоплонлар.
6. Арслонлар.
7. Филлар ва эгри шоҳли карклар.

8. Ит суратли, бошида қарқарга ўхшаш ёлғиз шохи бор, қуйруғида косаси бор махлуқлар.

9. Ҳайбатлик нимарса.

Бу тўсиқлардан сарносир берган хатдаги кўрсатмалар асосида ўтишади. Анча йўл юргач, жапон (япон) шаҳарига дуч келишади. У ернинг одамлари ва аҳолисининг турмуш тарзи ҳақида маълумот берилади. Мамлакат подшоҳи улардан ўз юртидан бошқа жойлар ҳам борлиги ҳақида эшитиб, ҳайрон бўлади. Тўрани кўп яшаш қарғиши теккан, юз йигирма ёшли қари киши олдига олиб боришади. У тўрага жапон халқининг Яъжуж-Маъжуж бу шаҳарларни вайрон қилганда Искандар қўшинлари билан келиб, уларнинг кўпини ўлдириб, қолганини бу ердан олти ойлик ергача қувиб бориши ва ўша ердан девор қурдиргани, деворнинг ҳар жойига улкан дарвозалар қўйиб, уларга катта-катта қўнғироқ ўрнатганини айтади. Одамлари ва қулларидан бир қанчасини мана шу қўнғироқни чалиб туришга қолдирганини, бу қўнғироқ чалинганида Яъжуж-Маъжуж Искандар тирик, деб девордан ўтмаслигини айтади. Ва япон халқининг Искандар қоровуллари авлоди эканлигини алоҳида таъкидлайди. Ҳозиргача жапонлардан тўрт юз киши ҳар куни қўнғироқни чалишини айтиб ўтади. Султон Муҳаммад тўра ҳам тўрт юз киши билан деворни томоша қилиш учун боради. Девор устига чиқиб, Яъжуж-Маъужларни томоша қилади ва уларнинг уч жамоаси:

1) Яъжуж-Маъжуж (бўйлари узун, устидаги кийимлари кийгиз ва гилам);
2) Яъжужи аҳв (бўйлари ўн икки газ, ўзи одамга ўхшаш);
3) Яъжуж Муқаммаъ (соқоли ҳам етти қарич, ўзи ҳам етти қарич, қулоғи узун, ётганида бирини тагига тўшак, бирини ёпинчиқ қилиб ухлайдиганлар) борлигини кўради.

Тўра улар билан суҳбат қилиб, аждодлари ҳақида сўрайди. Шунингдек, уларнинг Дажжол алайҳ ал лаиндин кейин инсонларга ҳуруж қилишини билиб олади. Шу билан тўранинг сафардан муроди ҳосил бўлади ва жапон подшоҳи билан хайрлашиб, уйга қайтади. Қайтишда йўлдан адашиб, бир ғордаги занжирланган якка кўзли Дажжолни кўради. Султон Муҳаммад у

ердан чиқиб, Чин хоқони ҳузурига боради. Сўнгра Самарқандга қайтади. Амир Темур уни яхши кутиб олади ва асар давомида у Соҳибқироннинг суюкли набираси сифатида тасвирланади.

Бу сюжет “Темурнома”нинг бош сюжетидан мустақил ҳолда шаклланган бўлиб, воқеаларнинг айрим ўрнидагина Амир Темур номи келтирилади. Мазкур сюжет асосини халқ оғзаки ижодидаги қаҳрамоннинг сандиқда сувга оқизилиши, сеҳрли қудуқ, Ҳумоюн қуши каби анъанавий мотив ва образлар ташкил қилади. Юқоридаги баёндан англашилгани каби, Султон Муҳаммад тўра воқеалар ривожида она батнидалигидаёқ сандиқда оқади, Юсуф а.с. каби туҳматга учраб қудуққа ташланади, Амир Темур каби унинг бошига Ҳумоюн соя солади, йўлда учраган турли синовлардан эранлар кўмагида ўтади ва ернинг кун чиқиш томони – шарқни кўриб, олам ва одам, инсоният ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақидаги маълумотларни идрок этади ва маълум даражада комилликка етишади. Бу сюжет аксар халқ эртаклари ва достонларидаги каби қаҳрамоннинг ўзлигини топиш учун қилган сафарига уйғун тарзда шакллантирилган. Хусусан, “Гўрўғли” туркумидаги Гўрўғли, Аваз, Ғасан, Равшанхон каби образлар қилган сафарлар мағзида ҳам, асосан, ушбу мақсад турибди. “Султон Муҳаммад воқеаси”нинг баён услуби, композицион қурилиши, ғайритабиий воқеалар, образлар тафсилоти, ғаройиб саргузашт тасвири айнан эртакона кўриниши ва шакли билан ҳам ажралиб туради.

“Темурнома”да халқ ичида афсонага айланган шахс ва жойлар билан боғлиқ сюжетлар ҳам киритилган. Хусусан, асарнинг *“Бу достонда Мирзо Халил тўра қалмоқ бирла жанг қилиб, кўб мусулмонлар шаҳид бўлғони, Амир Темур Соҳибқирон қалмоқ келғонини эшитиб келиб, Шоҳизиндани устиға гумбаз қилғонини баёни”*[152] боб (достон)ида Шоҳи Зинда ҳақидаги эпизод Амир Темур ҳаёти билан боғлиқликда талқин қилинади. Жумладан, Амир Темурни Истанбулда вафот этди, деган миш-мишга ишонган қалмоқлар Самарқандга ҳужум қилиб, унинг бир қисмини – Шоҳизинданинг устилари

[152] “Темурнома”. – Б. 321-325.

ва Чўпон отанинг муборак қабрларини эгаллайди. Сўнгра Шоҳизиндадаги қудуқлар ичига кўб нажосатларини ташлашади. Қалмоқлар бир кечаси тўсатдан ғавғо қилишиб, у ердан қочиб кетишади. Халқ бориб қараса, минглаб илонлар қалмоқларни чақар, мусулмонларга тегинмас экан. Бир қалмоқдан сабабини сўраганда, нажосат ташлаган қудуқлардан илонлар чиққанлигини ва қалмоқларга ҳужум қилганини айтади. Ўша куни шаҳарда бironта қалмоқ қолмайди, ҳаммаси ўз юртига қочиб кетади. Шу пайт бир лак қушлар пайдо бўлиб, илонларни тумшуқлари билан олиб, қудуққа ташлашади. Соҳибқирон сафардан қайтгач, қудуқ воқеасини эшитади, лекин бу сирни ҳеч ким тушунтириб беролмайди. Соҳибқирон атрофга жарчи қўйдиради. Ўша пайтда кўплаб илмдан хабардор бўлган Ҳидо деган йигит Амир Темур ёнига келиб, “Тарихи Таборий”да Қусам Ибн Аббоснинг кофирлар билан жанг қилиб, мана шу ғорга кириб кетганлиги, унинг ҳамон тирик эканлиги ёзилганини айтади. Амир Темур унга қудуққа тушиб, бу сирнинг тагига етишини таклиф қилганида, у рози бўлмайди. Бу ерни зиёратгоҳ қиламиз, деганда ноилож рози бўлади. Ҳаммалари қудуқ ёқасига келиб, Ҳидонинг белига арқон боғлаб, қудуққа туширишади. Арқон етмиш қулоч тушганда Ҳидо қудуқ тубига етади. Ҳидо у ерда бир томонга йўл борлигини кўради ва ўша томонга юриб, ёруғликка чиқади. Рўпарасида очиқ эшикни кўради ва ичкарида боғи Эрам тасвирига монанд ерни кўради. Кейин боғ ичида яшил кийимлик икки киши боғланган арслонларга овқат бераётганини, ундан ўтиб эса ҳовуз тўла сут ва ёнидаги дарахтларга ўралиб олган минг-минг илонларни кўради. Йўлак охирида бир гумбаз бўлиб, у ердан Қуръон тиловати овози келади. Бир соатдан кейин у ерга оқ кийимлик юз-юз етмиш киши келади. Сўнгра гумбаз ичидан бир йигит шериги билан чиқади. Яшил кийим кийган етти киши, кейин пўш-пўшлаб қирқ киши ҳозир бўлади. Уларнинг ичида бир ёш йигитга алоҳида эътибор кўрсатилади. Ёш йигитни отдан тушириб, давра тўрига ўтқазишади. У йигит йиғилганлардан янгиликларни сўрайди ва Ҳидонинг хабарини эшитиб, уни ҳузурига олиб келишини буюради. Ҳидо унга Амир Темур ҳақида сўзлаб, бўлган воқеалар

ҳақида маълумот беради. У йигит ўзининг Қусам ибн Аббос эканлигини, Исо пайғамбарнинг пайдо бўлишигача ўлмаслигини, яшаш маъкони синоатларини Ҳидога билдиради. Сўнгра “бу ерда кўрганларингни бировга айтсанг, кўр бўласан”, деганида, Ҳидо йиғлай-йиғлай бу сирларни Амир Темурга айтишга мажбур эканлигини сўзлайди. Шунда Қусам ибн Аббос унга “маҳшарда ҳаммадан олдин Аллоҳ таолонинг жамолини кўришини” айтганди, Ҳидо йиғидан тўхтайди. Унга бир қутича беради ва ёнидаги мулозимига Ҳидони кузатиб қўйишни буюради. Уни қудуқдан тортиб олишади. Ҳидо Амир Темурга кўрган-кечирганларини айтишдан олдин, ундан катта ер талаб қилади. Соҳибқирон унга хоҳлаганча ер беришини айтади. Ҳидо ерни танлаб олгач, бўлган воқеаларни айтаётганда кўзидан ёш оқиб, кўр бўлиб қолади. Амир Темур қутини очиб кўрганида, ичидан қоғозга бир алиф, бир зол, бир жим ҳарфи битилганлигини кўришади. Атрофдагиларнинг бу жумбоқ ечимига доир қарашлари Амир Темурни қониқтирмайди. Кейин Амир Темур у қудуқ устига иморат қурдириб, зиёратгоҳ қилади. Негадир қудуқдан олиб чиқилган қутичадаги қоғозга битилган жумбоқ сирига асар қаҳрамонлари ечим топмайди. Шу ўринда муаллиф Салоҳиддин Тошкандий қоғоздаги қитъани тарих санъати асосида таҳлил қилиб, Амир Темур вафотидан 703 ёки 704 йил ўтиб *(2108-2109 йилларда – И.С.)* бир аломат зоҳир бўлса керак, деган хулосани чиқаради.

Асарда юқорида таҳлилга тортилган сюжетларга ўхшаш яна бир қанча воқеалар тизими мавжуд. Хусусан, Саййид ота, Баёнқулихон, Бароқхон, Носир Хисравнинг ўғли Муҳаммад, Мироншоҳ Мирзо, Тўхтамиш, Шоҳруҳ тўра, Зойиб шайх, Ҳаким Нисорий, Салосил каззоб, Бобо порадўз, Дўнбой баҳодир, Амир Қазағон, тарми эли, Ғазвин маликаси, Аждарҳо подшоси образлари билан боғлиқ айрим сюжетларда Амир Темур образи бевосита иштирок этмаса-да, улардаги барча воқелик Соҳибқирон характерини ёритишга бўйсундирилган.

2.2. “Темурнома”даги асосий образлар тавсифи ва эволюцияси

“Темурнома”да Амир Темур билан боғлиқ тарихий ҳақиқатлар халқ бадиий тафаккури ҳосиласи ўлароқ Соҳибқирон образи тимсолида фольклорий талқин қилинган. Хусусан, бу талқинлар Амир Темурнинг туғилиши, маълум вақт отасидан айро яшаши, ёшлигида “сир” кўрсатиб, телбаликлар қилиши, балоғатга етиб қаҳрамонликлар кўрсатиши, ернинг олти томони – Шимол, Жануб, Ғарб, Шарқ, осмон ва ер ости билан алоқа боғлаши, энг муҳими, унинг доимий равишда пир ва эранлар ҳомийлигида бўлиши тасвирларида акс этади. Биз бу мотивлар тавсифига ишнинг соҳибқиронлик тизими хоссалари таҳлил этилган кейинги бобида алоҳида тўхталамиз. Илмий ишнинг бу бобида “Темурнома”даги асосий образлар таҳлилига эътибор қаратамиз.

“Темурнома”да Соҳибқирон образи билан параллел равишда турли тарихий ва тўқима образларга мурожаат этилган. Асарда бир юз қирқ уч нафар образ иштирок этган. Бу образлар Амир Темур тимсоли атрофида бирлашиб, Соҳибқирон характерини ёритишда муҳим ўрин тутади. “Темурнома”да тасвирланган ана шундай образларни тарихийлик нуқтаи назардан **тарихий** ва **тўқима** образлар тарзида тасниф қилсак мақсадга мувофиқ бўлади.

2.2.1. Тарихий образлар ҳам, ўз навбатида, икки гуруҳга ажралади:

2.2.1.1. Амир Темур замондошлари образи: буларга Турағай (Тарағай) Баҳодир, Тегина бегим, Жаҳонгир Мирзо, Мирзо Умар тўра, Умаршайх Мирзо, Султон Муҳаммад тўра, Мироншоҳ Мирзо, Баёнқулихон, Садр аш шариат, Амир Қазағон, Амир Чоку, Елдирим Султон Боязид, Шоҳ шужоъ, Малик Раъно Баллуллоҳ, Мавлоно Бурҳониддин Соҳиб Ҳидоя, Мирзо Сайфиддин, Амир Муайяд орлот, Амир Боязид Жалойир, Амир Мусо Баҳодур, Хожа Камол Хўжандий, Шайх Шамс кулол, Амир Баён Сулдуз, Сарой Мулк хоним, Ҳусайн сўфи, Камол ой (Ўлжой Туркон), Амир Ҳожибек, Қиморий Иноқ, Тўхтамишхон, Ҳинд Хожа, Қамариддин, Шоҳ

Мансур, Жаён Чашм, Учқора, Тоғайбуға, Амир Мусо Жалойир, Амир Ўлжой, Аббос Баҳодур, Амир Ҳусайн, Туман оға, Мавлоно Саъдиддин, Муҳаммад Порсо, Маллухон, Ферузшоҳ, Амир Шоҳ Яҳё, Сангу бобо, Баҳодурхон, Ҳасан Жуворий, Муҳаммад Порсо, Амир Муъид, Султон Аҳмад, Шайх Озарий, Султон Шабли, Улуғбек Мирзо, Мирзо Халил тўра, Хожа Баҳо ул Ҳақ вад дин (Баҳовуддин) образларини мисол қилсак бўлади. Юқорида номлари келтирилган шахсларнинг Амир Темур билан бир даврда яшаганлиги тарихдан маълум. Лекин тарихий ва бадиий ҳақиқат нуқтаи назаридан асардаги бу образларни тарихий шахсларнинг прототипи деб ҳам бўлмайди.

Амир Темур замондошлари бўлган образларини ҳам, ўз навбатида, тарихда Соҳибқирон билан мулоқотда бўлган ёки бўлмаган шахсларга кўра, икки гуруҳга ажратилса, тасниф мукаммалроқ бўлади. Хусусан:

2.2.1.1.1. ***Амир Темур билан бевосита ёхуд билвосита мулоқотда бўлган тарихий шахслар образи***. Асарда Амир Темурга яқин ҳамроҳ сифатида тасвирланган образларни (ота-онаси, хотинлари, фарзандлари, саркарда ва пирларини) бу гуруҳга киритиш мумкин. Мазкур типдаги образларнинг аксари фольклорий талқин қилинган. Бунга асардаги Амир Темурнинг отаси Муҳаммад Тарағай образи тасвирида ҳам гувоҳ бўлишимиз мумкин.

“Темурнома”да Тарағай Баҳодир исми “Турағай баҳодир” тарзида номланган бўлиб, асарнинг *“Аввалғи достон. Ҳазрат Амир Темур Соҳибқиронни оналаридин туғулмоқлиқлари баёни”* боб (достон)ида унинг насл-насаби ва исми: “*Турағай баҳодур насли Қорачор Нўёндин эрди. Кунлардан бир кун Нўён хонадонидин чиқиб кетиб эрди. Аммо давлати зўр эрди. Одамлар ани иззат қилур эрдилар. Шаҳрисабзки, холо ул мавзиъяни тўрағайя дерлар”*[153] тарзида изоҳланади. Шунингдек, мазкур бобда Тарағай Баҳодир эранлар томонидан Соҳибқирон отаси сифатида танланган шахс эканлиги таъкидланади. Унинг дунёга келажак Соҳибқироннинг онаси –

[153] “Темурнома”. – Б. 43.

Тегина бегимга етишиш учун Бухорога бориши кераклиги туш мотиви орқали тасвир топган. Тарағай Баҳодирга чўпон кўрган туши воситасида хабар берилади. Бухорога борганида Соҳибқирон ҳомийси Шайх ул аълам (Шайх Сайфиддин) кутиб олади ва бўлажак Соҳибқироннинг онасига етишиши учун кўмаклашади. Бу тасвирларда тарихийлик принциплари бузилганлигини кўришимиз мумкин. Унда фольклорий талқинга хос бўлган қаҳрамон жисми ва руҳининг эранлар томонидан муқаддас сув (сут) билан покланиши, қаҳрамоннинг ёрга етишиш йўлидаги турли шартларни бажариши, синовларда душманлардан (Амир Қазаған ҳам Тегина моҳга талабгор бўлганида Тарағай Баҳодир у билан жанг қилиши – И.С.) устун келиб, ёрини ўз юртига олиб кетиши ва бу жараёнда ҳомийлар кўмаги каби элементлар йирик планда тасвирланади. Қаҳрамоннинг инсация жараёнини ҳам ўз ичига олган ушбу мотивлар тасвири айнан фольклор анъаналарига боғлиқ. Тегина бегим ҳомиласи олти ойлик бўлганида Тарағай Баҳодир Баёнқулихон чорлови билан қўшин тўплаб, жангга кетади. Тегина бегимни катта хотини Йўқун хонимга омонат қолдиради. Шу сабабли кундошлик важидан туғилажак қаҳрамоннинг отасидан маълум вақтгача айро яшаши ва Амир Темур ўн икки ёшига кирганида ота боланинг топишиши ҳам эпик тафаккур маҳсули сифатида талқин этилганини кўрсатади.

Шунингдек, Тарағай Баҳодир образи “Темурнома”нинг *“Эмди сўзни Турағай баҳодирдан эшитмак керак”*[154] фаслида Амир Темур ўн икки ёшга тўлганида Тарағай Баҳодирнинг уни топиши воқеалари, *“Бу достонда Амир Соҳибқироннинг Бурҳониддин соҳиб ҳидоятга келмоқи, ул кишини муноқашаларини баёни”*[155] бобида эса унинг Амир Темурнинг ғоявий рақиби Носир Хисрав билан бўлган жангида Соҳибқиронга кўмакчи бўлгани, *“Бу достонда Амир Соҳибқиронни Бухоро бормоқи Баёнқулихонни Сароймулк отлиқ қизини олмоқини баёни”*[156] бобида Тарағай Баҳодирнинг қаттиққўл ота сифатидаги қиёфаси, *“Бу достонда Бароқхон*

[154] “Темурнома”. – Б. 47-49.
[155] “Темурнома”. – Б. 66-72.
[156] “Темурнома”. – Б. 72-76.

тахт узра ўлтурғони, қоидаи подшоҳлиқ хирманин куйдирғони баёни”[157] бобида Тарағай Баҳодирнинг ўз фарзандини мушкул вазиятдан қутқариш учун қилган ҳаракатлари орқали унинг ота сифатидаги сиймоси, “*Бу достонда Дўнбой баҳодур Амир Темур қўлида ўлғони. Ани синглиси ахториб келғонини баёни”*[158] бобида Амир Темур билан Сарой Мулк хоним тўйини қилиш учун Тарағай Баҳодир Бухорога совға-саломлар билан келиши ва тўй тафсилотлари берилиб, Бароқхоннинг тахтни вақтинча бошқариш учун Тарағай Баҳодирга бериши билан унинг ҳукмронлик салоҳияти, *“Бу достонда Саййид ота шарофатидин қалмоқлар мусулмон бўлғони, Амир Турағай баҳодур Дашти Қипчоққа бориб, олам фонийдин интиқол қилғонини баёни”*[159] бобида Тарағай Баҳодирнинг ҳам камчиликлардан ҳоли бўлмаган оддий инсон сифатида маълум сабаблар туфайли Саййид отанинг кўзига олмос қўйдириши ва Саййид ота қарғиши туфайли бир кечада мухрак касалига учраб ҳалок бўлганлиги тасвирланади. Тарихий манбаларда Амир Тарағай (Тарағайбек) – Амир Темур Кўрагоннинг отаси бўлиб, Чиғатой улусининг нуфузли бекларидан, барлос уруғи оқсоқолларидан бўлганлиги, унинг аждодлари (Буркул-Илангир-Ийжил-Қарочор) Чингизхон ва Чиғатой саройига яқин бўлишгани, турли ҳарбий қисмларга саркардалик қилиб, Кеш вилоятини бошқарганлиги таъкидланади. Тарағайбек Чиғатой улуси хонлари томонидан Или дарёси бўйида ҳар йили чақириладиган қурултойда бошқа вилоятлар бошлиқлари қатори иштирок этса-да, ҳарбий ишга унчалик майли бўлмаганлиги боис бутун эътиборини мусулмончиликни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга қаратган, доим уламо-ю фузало, дарвешу қаландарлар ва солиҳлар суҳбатида бўлганлиги айтилади. Шунингдек, Шамсуддин Кулолни ўзига пир тутган Тарағайбек Бухоро фузалолари раҳнамоси – садр уш-шаръианинг қизи Тегина (Такина)га уйланган. 1360-1361 йилда дунёдан кўз

[157] “Темурнома”. – Б. 79-82.
[158] “Темурнома”. – Б. 82-86.
[159] “Темурнома”. – Б. 86-96

юмгач, Тарағайбекни отаси ва туғишганлари ёнига дафн этишгани таъкидлаб ўтилади[160].

Юқоридаги тафсилотлардан маълум бўладики, “Темурнома” Амир Темур ҳақидаги асар бўлганлиги боис унда Тарағай Баҳодир образининг Соҳибқирон отаси сифатидаги хусусиятлари талқин қилинган. Шунингдек, асарда тарихий ҳақиқатдан чекинган ҳолда Тарағай Баҳодирнинг фожиали ўлим топиши тасвирига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Негаки, уламо-ю фузалолар суҳбатини ҳарб ишларидан устун қўйган Тарағай Баҳодир тарихда бу шахс билан учрашмаган бўлса-да, асарда Саййид ота кўзига олмос қуйдириши асарнинг тўлақонли халқ оғзаки ижоди ҳосиласи эканлигини кўрсатади.

“Темурнома”да Амир Темур билан мулоқотда бўлган тарихий шахс образларидан яна бири Сарой Мулк хонимдир. Тарихий манбаларда Сарой Мулк хонимнинг 1341 йилда Чиғатой улуси ҳукмдори Қазонхон оиласида дунёга келгани, беш ёшида отаси тахтдан туширилиб, қатл қилингани таъкидланади. Шунингдек, 1355 йилда балоғатга етган Сарой Мулк хонимни амир Ҳусайн никоҳига олади. 1370 йили амир Ҳусайн Балхда қатл этилгач, Амир Темур унинг ҳарамидаги хотинлари, чунончи, Сарой Мулк хоним, Баён сулдузнинг қизи Улус оғо, Хизр Ясавурийнинг қизи Ислом оғо ҳамда Тағой Туркон Хотунни идда муддати ўтгач, ўз никоҳига олганлиги маълум. Амир Темур Сарой Мулк хонимга уйлангач, “Кўрагон” (куёв) унвонига мушарраф бўлганлиги ҳам қатор тарихий манбаларда қайд этилади[161].

“Темурнома”да эса Сарой Мулк хоним образи тарихий фактлардан кўра, халқ тасаввуридаги малика сифатида бадиий талқин қилинади. Хусусан, бу воқелик асарнинг “*Бу достонда Амир Соҳибқиронни Бухоро бормоқи Баёнқулихонни Сароймулк отлиқ қизини олмоқини баёни”*[162] боб (достон)ининг *“Эмди сўзни Баёнқулихон подшодин эшитмак керак”*

[160] Дадабоев Ҳ. Амир Темур даврдошлари (мўъжаз энциклопедия). – Тошкент: “Navoiy universiteti” нашриёти, 2018. – Б. 25.
[161] Дадабоев Ҳ. Амир Темур даврдошлари (мўъжаз энциклопедия). –Тошкент: “Navoiy universiteti” нашриёти, 2018. – Б. 153.
[162] “Темурнома”. – Б. 76-79.

фаслида баён этилган. Жумладан, Баёнқулихон тушида Шайх ул аъламни кўради. Шайх унга “қизларингни эрга бер”, дея буюради. Хоннинг тўққизта қизларидан энг кичиги Сарой Мулк хоним бўлади. Ундан бошқа саккизта қизини эрга беради, аммо Сарой Мулк хоним эрга тегишни хоҳламайди. Лекин Амир Темурга ишқи тушиб, отасидан унга эрга беришини сўрайди. Хон турли сабабларга кўра Тарағай Баҳодирдан ранжигани боис бу никоҳга қаршилик қилади. “Кунтуғмиш” достонидаги Холбеканинг шартига монанд Сарой Мулк хоним ҳам “мени ким шатранжда ютса, ўшанга тегаман”, деб шарт қўяди. Хоннинг қаршилигига қарамасдан Сарой Мулк хоним ғулом қиёфасида куёвликка номзодлар билан шатранж ўйнайди. Амир Темур ўзини танитмасдан маликага талабгор бўлиб келади ва шатранж ўйновчи “ғулом”нинг қиз эканлигини билиб, хон билан “агар мен ютсам, шу қулингизни менга берасиз”, дея шартлашади. Хон ҳам рози бўлади. Амир Темур “ғулом”ни ютса ҳам, хон сеп важидан унга қизини бермайди. Амир Темур туҳмат билан зиндонга ташланади. Халқ достонлари ва эртакларидаги каби зиндондан қаҳрамонни малика қутқаради. Иккиси бирга айш-ишрат суради. Сарой Мулк хонимнинг акаси Бароқхон бундан хабар топиб, орият учун синглисини чўлга олиб чиқиб, ўлдириб юборишни буюради. Амир Темурни етмиш еридан жароҳатлайди ва ўлди деб гумон қилиб, бир четга ташлаб кетади. Бу ўринда Сарой Мулк хонимнинг мардлиги, Амир Темурга муҳаббати тараннум этилган.

Асар давомида Сарой Мулк хоним образи билан боғлиқ воқеалар жангноманинг *“Бу достонда Бароқхон тахт узра ўлтурғони, қоидаи подшоҳлиқ хирманин куйдирғони баёни”*[163], *“Бу достонда қиморий Иноқ Амир Темур Соҳибқиронға йўлдош бўлғони. Амир Нақшбанд пирим хизматлариға борғонини баёни. Аммо аҳволи Соҳибқирон Искандари Соний нечанд кун машаққат зиндонида бўлуб, андин кам-кам фароғат мисри узра*

[163] “Темурнома”. – Б. 79-82.

султон бўлғони”[164] боб (достон)ларида тасвирланган. Хусусан, асарда Оқтемурхоннинг Сарой Мулк хонимни саройига олиб кетиши, Амир Темурнинг уни қутқаришда жасорат кўрсатиш воқеалари асносида Соҳибқироннинг мардлиги, орияти, ғурури ва жасурлигига урғу берилади. Шунингдек, асарда юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Сарой Мулк хонимнинг тарихдаги каби Амир Ҳусайннинг беваси эмас, Баёнқулихоннинг кенжа қизи – малика сифатида тасвирланиши халқнинг Соҳибқиронга бўлган муносабатини англатади, яъни халқ ўз қаҳрамонига бевани эмас, маликани муносиб кўради. Шунинг учун Амир Темурнинг “Кўрагон” унвони ҳам асарда тилга олинмайди. Демак, асардаги тарихий образлар халқнинг қаҳрамонга бўлган муносабати нуқтаи назардан идеаллаштирилади ва қаҳрамон характер хусусиятининг маълум жиҳатларини ёритишга йўналтирилади.

“Темурнома”да Амир Темургa яқин ҳамроҳ сифатида тасвирланган образлардан яна бири Қиморий Иноқ бўлиб, у Амир Темур билан Оқтемур Сарой Мулк хонимни олиб кетган пайтда танишади ва умрининг охиригача Соҳибқироннинг энг яқин мулозими сифатида талқин қилинади. Бу образнинг Соҳибқиронга эътимоди асарда қуйидагича пайдо бўлганлиги таъкидланади: Амир Темур жароҳатланиб, Сўфининг уйида даволанади. Орадан анча вақт ўтгач, Сўфи ва унинг ўғли Иноқ кал билан бирга қовун полизи ўтини юлиш учун чиқади. Пешин маҳал Амир Темур бошига кесаклардан ёстиқ қилиб ухлаб ётганида, бир қуш унинг бошига товусдек соя солиб турганини кўради. Иноқ отасига буни кўрсатади ва иккаласи Соҳибқирон иқболи баландлигига амин бўлиб, ўлгунча унга хизмат қилишини кўнглига тугади[165]. Қиморий Иноқ образи “Темурнома”нинг *“Бу достонда қиморий Иноқ Амир Темур Соҳибқиронға йўлдош бўлғони. Амир Нақшбанд пирим хизматлариға борғонини баёни. Аммо аҳволи Соҳибқирон Искандари Соний нечанд кун*

[164] “Темурнома”. – Б. 100-108.
[165] “Темурнома”. – Б. 101-102.

машаққат зиндонида бўлуб, андин кам-кам фароғат мисри узра султон бўлғони”[166] боб (достон)идан бошлаб, асар охиригача Амир Темур образи билан параллел равишда тасвирланади. Муаллиф асарда Қиморий Иноқ майитининг Амир Темур қабри пойига қўйилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади[167].

Тарихий солномаларда Қиморий иноқ ҳақида Темурбекнинг дўсти, маслакдоши, сафдоши, саркардаси сифатида 1370 йилда черик беги унвонига сазовор бўлганлиги, шунингдек, Озарбайжон юришида (1386) қатнашганлиги, Халхол вилояти ҳокими Маҳмуд Халхолий Мозандарон ҳукмдори Валибекни тутиб Қиморийга топширганлиги ва Қиморий Валибекнинг бошини танидан жудо қилиб, Соҳибқиронга юборганлиги ҳақида маълумотлар учрайди[168]. “Темурнома”да Қиморий иноқ Амир Темурни бир неча бор мушкул вазиятларда қутқарган, ҳаётини сақлаб қолган садоқатли сафдош сифатида талқин қилинади. Хусусан, асарнинг *“Бу достонда Амир Темур Соҳибқирон қайсарким Елдирим султон Боязид била жанг қилғонини баёни”* боб(достон)ининг *“Эмди сўзни Соҳибқирондин эшитмак керак”* ва *“Эмди сўзни Амир Соҳибқиронни воқеасидан эшитмак керак”*[169] фаслларида Қиморий Иноқ образи тасвири биринчи планга чиқади. Жумладан, асарда Амир Темур кечқурун Ҳалаж денгизи соҳилида сайр қилиб юрганда, оти ҳуркиб сувга тушиб кетади. Амир Темурнинг йўқлигидан қўшин саросимага тушади. Иноққа Амир Темур соғ-саломат эканлигини Нақшбанд аён қилади ва қўшинга “Амир Темур чиллага кирдилар”, деб гап тарқатишади. Мана шу ўринда бутун бошли Амир Темур қўшини, яқинлари, саркардалари орасидан Нақшбаднинг Амир Темур соғ-саломат эканлигини Иноққа етказиши ҳам бу образнинг аҳамиятини кўрсатади. Амир Темур дарёдан чиқиб, ҳориб ётганда Қайсарнинг уч нафар аскари уни топиб олади ва боғлаб, Қайсар олдига олиб кетади. Қайсар асирнинг Амир Темур эканлигини билмайди ва ундан гап

[166] “Темурнома”. – Б. 100-108.
[167] “Темурнома”. – Б. 101.
[168] Дадабоев Ҳ. Амир Темур даврдошлари (мўъжаз энциклопедия). –Тошкент: “Navoiy universiteti» нашриёти, 2018. – Б. 257-258.
[169] “Темурнома”. – Б. 313-321.

олиш мақсадида ҳўкизнинг терисига солиб қийнайди. Иноқтоз бу воқеалардан хабардор бўлиб, ёрдамга келмоқчи бўлганда, Муҳаммад тўра юбормайди. Иноқни лавозимидан четлатади. Иноқ ўғлига ўзини арманларга қул сифатида сотишни буюради ва арманларнинг хизматини қилиб, уларнинг ҳурматини қозонади. Арманлар ва турклар ўртасига нифоқ солиб, талатўпда Амир Темурни қутқаради. Бу воқеликда Амир Темур сабрли, бўш-баёв қилиб тасвирланган бўлиб, “Алпомиш” достонидаги Қоражоннинг алпга кўмакчи вазифасини бажаргани каби, Иноқ ҳам Соҳибқиронга кўмакчи образ сифатида гавдалантирилади. Бу ҳолат Амир Темур Бухорода асирга тушиб қолганида ҳам Иноқ етмиш кишининг бошини кесиб уни қутқаришида намоён бўлган[170]. Демак, асарда Амир Темур билан замондош бўлган образлар талқини тарихий ҳақиқатга мос келмаслигини кузатамиз. Бу эса “Темурнома”ни халқ тасаввуридаги Соҳибқирон тимсоли талқинига бағишланган асар сифатида баҳолашга, ёндош тарихий образларнинг ҳам эпик талқин олганлигига асос бўлади.

2.2.1.1.2. Амир Темур билан замондош бўлса-да, ўзаро алоқада бўлмаган, лекин асарда ҳамкор сифатида тасвирланган образлар. “Темурнома”да Амир Темур билан замондош бўлса-да, лекин у билан ҳаётда учрашмаган айрим тарихий шахслар образи ҳам мавжуд. Халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган, халқ эътиқоди ва миллат эртаси учун курашган бундай тарихий шахслар образининг тасвирланишини этноснинг ўз идеалидаги Соҳибқиронга ўзига яқин бўлган шахсларни ҳамроҳ қилганлиги билан асослаш мумкин.

“Темурнома”да пирлар образи талқинига кенг ўрин ажратилган бўлиб, Соҳибқирон туғилгунича ва ҳаётлик даврида пирлар ҳомийлигида бўлганлиги тасвирланган. Хусусан, Амир Темур туғилгунича унинг отаси ва онасига Шайх ул аълам пирлик вазифасини бажаради. Шунингдек, Соҳибқирон олти ойлик пайтида уни жисман йўқ қилишга уринган душманлардан ҳам айнан Шайх ул аълам ҳимоя қилади. Амир Темур

[170] “Темурнома”. – Б. 104.

балоғатга етгач, то умрининг охиригача эса Хожа Баҳо ул Ҳақ вад дин (Баҳовуддин) ҳомий сифатида тасвирланади. Тарихда Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад бинни Муҳаммад Баҳоуддин ан-Нақшбандал-Бухорий (кўпроқ Баҳоуддин ёки Хўжа Баҳоуддин, Балогардон, Хўжаи Бузруг, Шоҳи Нақшбанд номлари билан машҳур, 1318–1389 йиларда яшаган) – машҳур валий, нақшбандия тариқатининг асосчиси[171] ҳисобланади. “Темурнома”да Баҳоуддин Нақшбанд Амир Темурнинг асосий пири сифатида тасвирланган бўлса-да, тарихий манбаларда бу икки шахснинг учрашганлиги тўғрисида маълумот йўқ. Шунингдек, Амир Темур балоғатга етганда (1448 йилларда) Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд эндигина 30 ёшни қаршилаган, унинг тариқати халқ орасида оммалашмаган эди. “Темурнома”да Амир Темур ва Хўжа Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзаро муносабатлари баёни тасвирига катта ўрин ажратилганлиги, унинг Соҳибқиронга асосий пир сифатида тасвирланиши кейинги даврларда халқ тасаввури ва эътиқодида нақшбандия тариқатининг нечоғлик аҳамиятли эканини кўрсатади. Асардаги Амир Темур образи халқнинг эпик тафаккури маҳсули сифатида қаралар экан, Баҳоуддин Нақшбанд образини ҳам пирларнинг умумлашма типик вакили сифатида талқин қилсак тўғри бўлади. “Темурнома”нинг *“Бу достонда Саййид ота шарофатидин қалмоқлар мусулмон бўлғони, Амир Турағай баҳодур Дашти Қипчоққа бориб, олам фонийдин интиқол қилғонини баёни”*[172], *“Бу достонда қиморий Иноқ Амир Темур Соҳибқиронға йўлдош бўлғони. Амир Нақшбанд пирим хизматлариға борғонини баёни. Аммо аҳволи Соҳибқирон Искандари Соний нечанд кун машаққат зиндонида бўлуб, андин кам-кам фароғат мисри узра султон бўлғони”*[173], *“Бу достонда Амир Темур Соҳибқирон Тўқтемурхон билан мулоқот бўлғонини баёни”*[174], *“Бу достонда Амир Соҳибқирон Балх ва*

[171] uz.m.wikipedia.org
[172] “Темурнома”. – Б. 86-96.
[173] “Темурнома”. – Б. 100-108.
[174] “Темурнома”. – Б. 108-111.

Қандаҳор сариға борғони, Бароқхонни ахториб юрғонини баёни”[175], *“Бу достонда Мирзо Шоҳруҳ тўра ибн Амир Темур Дашти Қипчоқға бориб, Тўхтамишхонни орқасидин қувлаб, Тўхтамишхонни қатл қилғонини баёни”*[176], *“Бу достонда Амир Темур Соҳибқирон қайсарким Елдирим султон Боязид била жанг қилғонини баёни”*[177] боб (достон)ларида Нақшбанд образи билан боғлиқ тасвирлар учрайди. Уларда Нақшбанд образи ҳомий эран тимсолида тасвирланган бўлиб, қаҳрамон қийин вазиятга тушиб қолганида унинг чорлови билан ғойибона пайдо бўлади ва Соҳибқиронни қутқаради. Хусусан, “Темурнома”да Соҳибқироннинг Қандаҳор ҳокими шоҳ Мансур билан жанги сўнгидаги воқеалар тасвири бунга мисол бўлади: ***“****Шоҳ Мансур лашкари ичида туриб эрди, бир тоғ тарафдин сойға сел кела берди. Тоғни бир лўндаси йиқилуб, аскар узра тушти. Амир Темурға зарар қилмади, ё пирим Нақшбанд, деб бир чеккасидин чиқти. Ғойибдин бир қўл ҳозир бўлуб, Амирни тоғни юқорисиға чиқориб қўйди”*[178]. Асарнинг яна бир ўрнида Амир Темур ва унинг икки ҳамроҳи жатта элига жосуслик учун кетаётган пайтида йўлда тўхтаб, дам олишади. Мана шу пайт улар ухлаётганда йигирма нафар қипчоқ қоровуллари уларни ушлаб, қўлларини боғлашади ва бир қортга беради. Амир Темурнинг бир ҳамроҳида лаъл бўлиб, уни ютиб юборади. Қорт Амир Темурнинг ҳамроҳини ўлдириб, қорнидан лаълни олиб, *“Лаълни сувға ювуб, андин сўнг Амирни ўлдурмоқға келди. Соҳибқирон ё ҳазрат Баҳовуддин, деб бир зўр урди, арқон узулуб, бўлак-бўлак бўлди”*[179]. Шундан сўнг Соҳибқирон пиридан куч олиб, қортни ўлдиради ва асирликдан қутилади.

Демак, юқоридаги таҳлиллар шуни англатадики, тарихда Амир Темур ва Баҳоуддин Нақшбанд учрашмаган бўлса-да, “Темурнома” асари китобат қилингунига қадар Амир Темур ҳақида кенг тарқалган афсона ва ривоятлар оғиздан оғизга ўтиб юрган бир даврда халқ

[175] “Темурнома”. – Б. 111-113.
[176] “Темурнома”. – Б. 221-228.
[177] “Темурнома”. – Б. 313-321.
[178] “Темурнома”. – Б. 127.
[179] “Темурнома”. – Б. 131.

орасида нақшбандия тариқати кенг тарқалган эди. Шу сабабли “Темурнома”да Баҳоуддин Нақшбанд образи типиклаштирилган ҳомий сифатида талқин қилинади.

2.2.1.2. Амир Темурга замондош бўлмаган, аммо тарихда яшаб ўтган тарихий шахслар образлари. “Темурнома”да бу типдаги кўплаб образлар учрайди. Уларнинг умумий хусусияти Амир Темур яшаган даврдан ё олдин, ёхуд кейин яшаб ўтган машҳур тарихий шахслар (чунки асарда бу тарихий шахслар образи фақатгина номлари билангина ўхшаш – И.С.) эканлигида. Чунончи, асарда Шайх ул аълам (Шайх Сайфиддин), Дилшод Хотун, Бароқхон, Саййид ота (Саййид Аҳмад), Тўқтемурхон, Санжарбек, Ғиёсиддин, Қилич Арслон, Султон Валад, Ҳаким Низорий, Малҳам порадўз, Носир Хисрав образларини мазкур гуруҳга киритишимиз мумкин.

Хусусан, “Темурнома”да бу гуруҳга мансуб Бароқхон образи тасвирига кенг ўрин ажратилган бўлиб, асарда у Баёнқулихоннинг ёлғиз ўғли, Сарой Мулк хонимнинг акаси сифатида тасвирланади. Лекин Шайбонийлар сулоласидан бўлган Бароқхон тарихда Абулхайрхоннинг невараси, Тошкент ҳокими Суюнчхожанинг кичик ўғли бўлиб, отаси вафотидан сўнг Тошкент ҳокими (1525-1551) сўнгра Мовароуннаҳр хони (1551-1556) бўлганлиги, ёшлигида Восифийдан шеърият, мусиқа, ашула, вазн ва назмдан таълим олганлиги маълум[180]. “Темурнома”нинг *“Бу достонда Бароқхон тахт узра ўлтурғони, қоидаи подшоҳлиқ хирманин куйдирғони баёни”*[181]*, “Бу достонда Дўнбой баҳодур Амир Темур қўлида ўлғони. Ани синглиси ахториб келғонини баёни”*[182]*, “Бу достонда қипчоқ сипоҳи Мовароуннаҳр шаҳарларини олғони, Амир Темур Соҳибқирон неча кунлар машаққат тортғонини баёни”*[183] боб (достон)ларида бевосита Бароқхон образи билан боғлиқ тасвирлар берилади. Бу бобларда Бароқхон синглиси Сарой Мулк хоним ва Амир Темур муносабатларига кескин қарши бўлиши, унинг Амир Темурни ўлдиришга аҳд

[180] http://e-tarix.uz/shaxslar/hukumdorlar/355-hukmdorlar.html)
[181] “Темурнома”. – Б. 79-82.
[182] “Темурнома”. – Б. 82-86.
[183] “Темурнома”. – Б. 96-100.

қилгани, Тарағай Баҳодир зуғуми билан Амир Темурни топиб, Сарой Мулк хоним билан Соҳибқирон тўйини қилиши, Моваройуннаҳрга Тўқтемурхоннинг бостириб келаётганлигини эшитгач эса тахтни ташлаб қочиб кетганлиги баён қилинади. Бу тасвирлар замирида Бароқхон образининг тарихий прототипи Амир Ҳусайн эканлиги англашилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, асарда тасвирланган Сарой Мулк хоним образининг тарихдаги прототипи Ўлжой Туркон хонимдир. Чунки маълум сабаблар билан Бароқхон томонидан Амир Темур халқига солиқ солинганида омманинг аҳволи оғирлигидан Соҳибқирон ўз маблағлари, етмаганига Сарой Мулк хонимнинг тилла тақинчоқларини ҳам бож сифатида бергани таъкидланади. Тарихда ҳам Амир Ҳусайн халқнинг иқтисодий ночор аҳволига қарамасдан бож талаб қилганида Соҳибқирон ўз мол мулки ва Ўлжой Туркон хотуннинг тақинчоқларини халқ номидан бож тариқасида Амир Ҳусайнга берганлиги маълум. Шунингдек, асарда Бароқхон юртга ёв бостириб келаётганда тахтни ташлаб қочиб кетганида, Амир Темур ёвга ёлғиз ўзи қарши чиқади. Тарихда бўлиб ўтган машҳур “Лой жанги”даги ҳодисалар мана шу тарзда бадиий талқин қилинганлигини кўришимиз мумкин.

Асарда Бароқхоннинг жатталар келганини кўриб, Хуросонга қараб қочиши, бир неча йил сарсон-саргардон бўлиб юриши ва Тўқтемурхон тахтни эгаллаб жабр-зулм ҳаддан ошгач, Соҳибқиронга пири Нақшбанд *“бориб Бароқхонни топиб келтургил, мулкни жаттадан олиб, анга бергил, буларни вақти ҳануз узоқдур”*[184], – дея амр қилиши билан Амир Темурнинг сафари бошланади. Бу сафар саргузаштлари асарнинг *“Бу достонда Амир Соҳибқирон Балх ва Қандаҳор сариға борғони, Бароқхонни ахториб юрғонини баёни”, “Бу достонда Амир Темур Соҳибқирон Балх шаҳриға бориб, амир Чоку била мулоқот бўлғонини баёни”, “Бу достонда Бароқхонинг шоҳ Мансур қўлида асир бўлғонини баёни”, “Бу достонда Амир Темур Соҳибқирон Сеҳистонға борғони, атроддин эл амирни кўрмакға келғонини*

[184] “Темурнома”. – Б. 111.

баёни”[185] бобларида талқин қилинган. Унда Бароқхонни қидириб йўлга чиққан Соҳибқирон турли қийинчиликлар, синовлар, душманлар билан тўқнашувлар, ҳомий-эранлар маконидаги сир-синоатларни бошидан кечириб, алал оқибат ҳамроҳлари билан Бароқхонни топади ва уни Бухорога олиб келиб тахтга ўтқазади. Шундан сўнг асарда Бароқҳон қўғирчоқ хон сифатида тасвирланади. Жаҳонгир Мирзони бир аёл важидан қатл қилдирган Бароқхон бу иши билан ўз умрига ҳам хотима ясайди. Бу асарнинг “*Бу достонда Мирзо Жаҳонгир Тўра ибн Амир Темур Балх юртиға бориб, Бароқхон номеҳрибон тоғасини қўлида шаҳодат топгани. Амир Темур Соҳибқирон бориб, Бароқхонни ўлдуруб, андин кейин Ҳиндистонни мусаххара қилғонини баёни”*[186] бобида талқин қилинган.

Амир Темур Соҳибқирон даражасига етиши учун маълум синовлардан ўтиши лозим эди. Асарда Бароқхон образи орқали Амир Темур сафарга чиқарилади ва бу давр мобайнида турли қийинчилик ва синовлар асосида соҳибқиронлик сифатлари шакллантирилади. Демак, тарихда мўғуллар истибдодидан азият чеккан халқ ўз ичидан чиққан халоскор – Соҳибқиронни улуғлайди, душманларни эса у қайси даврда яшашидан қатъи назар қоралайди. Бароқхон образи ҳам асарда мана шундай талқин қилинган.

“Темурнома”да адолат тимсоли бўлган кўплаб образлар мавжуд. Шулардан бири Малҳам порадўздир. Мазкур образ билан боғлиқ воқеалар талқини “Темурнома”нинг “*Бу достонда Амир Соҳибқиронни Бухоро бормоқи Баёнқулихонни Сароймулк отлиқ қизини олмоқини баёни”*[187] боб (достон)ида келтирилган. Бу достонда Амир Темурга отасининг йигирмата қўй бериб, бозорга юбориши воқеаси (бу ҳақда кўплаб ёзма ва оғзаки ижодда ҳикоялар мажуд), бу воқеадан жаҳли чиққан Тарағай Баҳодирдан аразлаган Амир Темурнинг Шайх Кулол қабрига бориб, у ерда тунаши, тушида унга шайх Бухорога боришни айтиши тасвирланади. Бухорода Амир Темур ёнидаги лаълини Бароқхоннинг маҳрамига олдириб қўяди ва ундан қайтариб

[185] “Темурнома”. – Б. 111-130.
[186] “Темурнома”. – Б. 154-164.
[187] “Темурнома”. – Б. 72-76.

олиш учун Додхоҳ Амир Ёдгоршоҳ, Амир Баён Сулдуз, Бухоро қозиси Имом Саъдларга қилган мурожаатлари бесамар кетади. Амир аҳволини кўрган бир қаландар бу муаммони фақат Бобо порадўз ҳал қилишини айтади. Асарда Бобо порадўз образи қуйидагича тасвирланган: *“Соҳибқирон эрта номоздин кейин минор тагига борди. Анда бир дўкон ичра бир оқсоқол киши эски нимарсаларни тикиб ўлтирар, кийимлари тамом эски турур Амир Темур тамом ҳайрон бўлди. Хотириға келдиким, бу киши мани фарёдимға қандай етғай?!”*[188]. Амир Темур порадўзга бошидан кечирганларини сўзлаб берганда, у мазкур воқеа иштирокчиларини бирин-кетин чақириб, сўроқ қилади. Муаммо ечими Бароқхонга тақалганда у ҳам келиб, порадўзга бош эгиб узр сўрайди. Шу тариқа Амир Темурга лаъл нархини икки ҳисса қилиб қайтаради. Асарда Бобо порадўзнинг хон ишончига кириши қуйидагича тасвирланган: кечаси кўчада бегона аёлни кўрган бир бек уни зўрлаш учун уйига олиб кириб кетади. Бу ҳолат устидан чиққан порадўзнинг бекка кучи етмайди. Ярим кеча бўлишига қарамай минорага чиқиб, азон айта бошлайди. Халқ хайрон бўлади, Баёнқулихон ҳам бемаҳал айтилган азон сабабини билиш учун одам юборади. Улар зўравонни ушлашади. Баёнқулихон бўлиб ўтган воқеадан хабар топгач, порадўзга эътиқод қилади. Ва доимо унга ҳақиқатни айтишини таъкидлайди. Тарихий манбаларда бу образ прототипи Ҳазрат Бобойи Порадўз бўлиб, унинг зоҳид, олим, шайх бўлганлиги, у ҳақида “*Туҳфат аз Зоририн*” каби асарларда маълумотлар келтирилганлиги маълум. Бобойи Порадўз 842 йилда туғилиб, 925 йилда вафот этган. Унинг мақбараси Бухоро шаҳрининг Саллахона дарвозаси ташқарисида бўлганлиги тадқиқотларда келтирилган[189]. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бу шахс Амир Темурдан қарийб тўрт аср аввал яшаб ўтган бўлса-да, “Темурнома”да адолат ҳимоячиси сифатида талқин этилади. Асарда Боёнқулихоннинг тахтга Шайх ул аълам тавсияси билан ўтириб, мамлакатни адолат билан бошқарганлиги айтилади. Халқ достонларида одил подшоҳга “адолат

[188] “Темурнома”. – Б. 73-74.
[189] Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. –Тошкент: Дурдона нашриёти, 2012. – Б. 45.

кўзгуси” сифатида тасвирланган бу типдаги образлар “Темурнома”да ҳам шу тариқа акс эттирилади. Шу нуқтаи назардан, асарда тасвирланган Бобо порадўз образи тарихда халқ орасида ўзининг адолати, илми, зеҳни билан мазлумлар ҳимоячисига айланган машҳур шахсларнинг типиклаштирилган вакили сифатида талқин қилинган.

2.2.2. Тўқима образлар. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, “Темурнома” халқ тасаввурларидаги Соҳибқирон образи талқин этилган фольклор асари ҳисобланади. Шу жиҳатдан асарда Амир Темур характерини ёритишда фольклорий талқин олган тарихий образлар билан бирга тўқима образлар ҳам катта аҳамият касб этади. Хусусан, асарда Йўқун хоним, Сабулак ота, Мойдун, Шайх Хасан Кулол, Султон Муҳаммад, Султон Зуннун, Қутб, Откин отғучи, Маҳмуд, Жудин, Замонбек, Мукно, Маст бир ўғил, Додхоҳ Амир Ёдгоршоҳ, Имом Саъд, Сирож Қамарий, Шайх Ҳасан, Дўнбой баҳодир, Кўракбий, Қоратемурхон, Оқтемурхон, Шаҳр Орой, Қизил Темурхон, Иримчи, Оқсоқол киши(Азиз), Шижоат бекач, Шамс ул мулк, Жонфур Оталиқ, Хўжа Саъдиддин, Тоймуғор қатағон, Темуртош қўнғирот, Усмон баҳодур, Жондарий, Олтмиш баҳодур, Эртовул баҳодир, Мансур, Қойлиқ, Сокина Бону, Маҳмуда, Бир Ҳинду, Кунакдахат, Ҳаким Зиёд бахши, Оқ Бўға наймон, Ҳаким Зиёд бахши, Туркон тангри излаган, Давлатшоҳ Ўғлон, Абу Лайс раҳматуллоҳ, Бадарий, Ҳасан Мунажжим, Жуҳо нарнир Яҳудий, Ҳусайн курд, Соқибек, Маҳмуд Асфар, Ҳасан Жуворий, Абдураҳмон ибн хожа Абдулқодир, Рустамбек Бобул, Меҳдаб Лўр, Саъид Аттор, Давлатшайх, Пир қалмоқ, Абдулғаффор, Маликаи Оқшайх, Золотоус, Кашфутат, Ҳаким Яғфур, Пудий, Чингизий, Пировун, Зоъиб, Ағалибек, Қутулмишбек, Севаркўз, Тийуғбек, Мирсаид Шариф, Қора Усмон, Ҳасанбек, Зафарбек, Салосий каззоб, Халил ота, Хуморий, Ҳидо каби саксон иккита тўқима образлар киритилган. Уларнинг айримлари асарнинг у ёки бу ўрнида тилга олинган бўлса, аксари Соҳибқирон образи характерини ёритишда кўмакчи образлар саналади.

“Темурнома”да Тарағай Баҳодирнинг биринчи хотини сифатида тасвирланган Йўқун хоним образи соҳибқиронлик тизимини асослашда алоҳида аҳамият касб этади. Бу образ асарда икки маротаба, биринчиси – *“Аввалғи достон. Ҳазрат Амир Темур Соҳибқиронни оналаридин туғулмоқлиқлари баёни”* боби(достони)нинг *“Эмди Амир Темур Соҳибқиронни онадин туғулмоқи воқеасини эшитунг”*[190] фаслида ва иккинчиси – “*Достон: Етти ҳаким етти иқлимдин элчи бўлиб келур Амир Темур Соҳибқирон қатли учун. Анинг баёнида”* боби(достони)нинг *“Эмди сўзни Турағай баҳодирдан эшитмак керак”*[191] фаслида тасвирланади. Йўқун хоним образининг асардаги биринчи тасвири унинг туш кўриши, туш таъбири натижасида кундоши – Тегина бегимни туғилажак фарзанди билан бирга йўқ қилиш пайига тушиши ва буни содиқ қулига буюриши билан якунланади. Иккинчи тасвирда эса унинг Тегина бегим қарғиши туфайли телба бўлиб қолганлиги, Тарағай Баҳодир дўсти Амир Чоку хонадонида бир табибнинг овозасини эшитиб (Тарағай Баҳодир унинг Тегина бегим эканлигини билмайди – И.С.), Йўқун хонимни унга даволатиш учун олиб келиши ва ўша ерда бор ҳақиқатни билиши, Йўқун хонимнинг Тегина бегим дуоси билан соғайиши тасвирлари берилади. Шу билан асарда Йўқун хоним образининг тасвири бошқа учрамайди. Биринчи тасвирда бу образи халқ тасаввуридаги Соҳибқиронлик тизимида аҳамият касб этувчи Соҳибқирон туғилишига қаршилик қилувчи ҳамда қаҳрамоннинг ўз уйида эмас, бегона юртда туғилиши, отасидан маълум ёшга тўлгунча айро яшашига сабаб бўлган рақиб образи сифатида талқин этилган. Иккинчи тасвирда эса узоқ вақт айро ҳолда яшаган ота-боланинг топишишига сабабчи бўлади. Демак, Йўқун хоним образининг асар воқеалар ривожидаги иштироки Соҳибқирон ҳаётига билвосита ва бевосита таъсири нуқтаи назаридан аҳамиятли ҳисобланади.

“Темурнома”да Амир Темур характерини ёритишда хизмат қилган Дўнбой баҳодир образи ҳам тўқима ҳисобланади. У асарда Урганч

[190] “Темурнома”. – Б. 47-49.
[191] “Темурнома”. – Б. 54-56.

ҳокими Ҳусайн сўфининг ўғли**,** Ўлжой туркон (Камолхоним)нинг акаси сифатида талқин қилинади. Бу тасвирлар жангноманинг *“Бу достонда Дўнбой баҳодур Амир Темур қўлда ўлгони. Ани синглиси ахториб келгонини баёни”*[192] боб (достон)ида келтирилган. Дўнбой баҳодир ва Амир Темур ўртасидани муносабат қуйидагича баён қилинади: Дўнбой баҳодир ов қуши билан Бухоро атрофида ов қилишни одат қилади. Унинг қуши халқнинг моли ва жонига кўп озор беради ва Нақшбанд кўрсатмаси билан Дўнбойни даф қилиш учун Амир Темур шаҳардан ташқарига чиқади. Бухоро атрофидаги чўлда Амир Темур Дўнбой баҳодирни топади ва у билан жанг қилади. Дўнбойнинг Амир Темурга кучи етмагач, уни ғирромлик билан енгаётган пайт Ғайб эранлари Амир Темурга ёрдам беради ва Дўнбой ўлдирилади. Асарда Дўнбой баҳодир билан боғлиқ эпизод мана шу тарзда қисқача берилган. Тарихдан бизга маълумки, Ўлжой Туркон оға (Камолой) Амир Ҳусайннинг синглиси, Амир Қозағаннинг қизи бўлган. Юқорида Бароқхон образи хусусида фикр юритиб, унинг Амир Ҳусайн прототипи эканлигини таъкидлаган эдик. Бу ўринда эса Ўлжой Туркон оға образи сабаб мантиқан Дўнбой баҳодир Амир Ҳусайн прототипи бўлиши керак. Лекин асардаги бу образ талқини, хусусан, Урганч ҳокимининг фарзанди эканлиги, тож-тахт учун курашларда иштирок этмаслиги, умуман, асардаги вазифаси нуқтаи назардан унинг тўқима эканлиги англашилади. Бу образ орқали ўзбек халқ эртакларида юқори пафосда куйланадиган тўғрилик ва эгрилик муносабати бадиий талқин қилинади. Хусусан, Дўнбой баҳодир Амир Темурни ҳалол жангда енголмаслигига кўзи етиб, ғирромлик қила бошлаганида эранлар адолатни тиклайди. Бу эпизод орқали Соҳибқироннинг танланган шахс сифатида доимий равишда эранлар ҳимоясида эканлиги намоён бўлган.

Шунингдек, асарда айрим образлар орқали Соҳибқироннинг халқ орасидаги ҳурмати, халқнинг Амир Темур ва унинг фарзандларига садоқати

[192] “Темурнома”. – Б. 82-86.

ёритилган. Хусусан, “Темурнома”нинг *“Бу достонда Мирзо Жаҳонгир Тўра ибн Амир Темур Балх юртиға бориб, Бароқхон номеҳрибон тоғасини қўлида шаҳодат топгани. Амир Темур Соҳибқирон бориб, Бароқхонни ўлдуруб, андин кейин Ҳиндистонни мусаххара қилғонини баёни”*[193] боб (достон)ида Бароқхон ўз жияни, Амир Темурнинг ўғли Жаҳонгир Мирзони ўлдириб, бошини дарвозага илдиради, жасадини қўрғон остига ташлатади. Мана шу вазиятда катта саҳнага Ҳинду образи келади. Мирзо ҳаётлик чоғида унга кўп яхшиликлар қилган бўлиб, меҳрини қозонган эди. Ҳинду Мирзонинг ўлигини шаҳар ташқарисига олиб бориб кўмади. Бароқхон Мирзо жасадини хўрлаш учун олиб келишни буюрганида Ҳинду воқеасидан хабар топади ва ундан жасадни талаб қилади. Ҳиндунинг тўрт ўғли бўлади. Уйга қайтиб келиб бир ўғлини ўлдириб, жасадини олиб боради. Бароқхон одамлари буни кўриб, Мирзо эмаслигини айтгач, яна уни қайтариб юборади. Ҳинду шу тариқа бирин-кетин тўрт ўғлини ҳам ўлдириб, жасадини Бароқхонга олиб боради. Оқибат нима билан тугашини билган Ҳинду бир дўстига ўлигимни фалон жойга кўм, деб тайин қилади. Бароқхон ундан Мирзо жасадини ололмагач қийнаб ўлдиради. Ҳиндунинг дўсти уни айтган жойига дафн қилади[194]. Бу образ орқали халқнинг ўз қаҳрамонига бўлган садоқати ифодаланган. Султон суягини хўрламас, деганларидек, халқ Ҳинду образи тимсолида Мирзонинг жасади душманлар томонидан хўрланмаслиги учун ўз фарзандларидан-да кечишга тайёр эканлиги асарда бадиий талқин қилинган.

“Темурнома”да фольклорий талқин қилинган эртакнамо тўқима образлар ҳам борки, бу асарнинг соф фольклор қонуниятлар асосида яратилганлигидан далолат беради. Хусусан, асарнинг *“Бу достонда Мироншоҳ ибн Амир Темур Мансур била мулоқот бўлғони, андин мулки Мозандаронға борғонини баёни”* бобида Нишопурда шаҳар чеккасидаги бир ғорда икки юз ёшли жуҳуд Жуҳо нарнир Яҳудийнинг яшаши, у бир йилда бир маротаба ғордан чиқиб, аҳолига келажак ҳақидаги башоратларини айтиб,

[193] “Темурнома”. – Б. 154-164.
[194] “Темурнома”. – Б. 157-158.

қайтиб ғорга кириб кетиши айтилади. Мироншоҳ у билан савол-жавоб қилиб, мот қилади. Башоратчи Шоҳ Мансурга, булар (темурийлар – И.С.) ер юзига ҳукмронлик қилади. Сенинг авлодингни ҳалокатга етказади, деб башорат қилади ва ғорга кириб кетади[195]. Бу образ ҳам Соҳибқирон ҳақидаги қарашларни асослашга хизмат қилган.

“Темурнома” жангнома асар бўлгани боис унда афсонавий тўқима жангчи образларининг тасвирига ҳам кенг ўрин берилган. Хусусан, асарда Тўқтемурхоннинг хотини Шаҳр Орой шу типдаги тўқима образ ҳисобланади. Унинг бўйи етти газ бўлиб, жангга кирса, бир ўзи минг кишини ўлдира олиши, ўн минг киши ҳам унга бас келолмаслиги айтилади. Тўқтемурхон Қазағоннинг ўлдирилганини эшитиб, Бухорога юриш қилади ва шаҳар ташқарисида ҳужумга тайёргарлик кўради. Қадимий анъаналарга мувофиқ ўз жангчиси Шаҳр Оройни таърифу тавсиф қилиб, унинг бир ўзи Бухорони забт эта олади, деб мақтанади. Амир Темур Шаҳр Орой билан жанг қилишни талаб қилади. Икки ўртада яккама-якка олишув бошланади. Амир Темур Шаҳр Оройнинг бошига қилич солганида, унинг танаси белигача иккига айрилиб кетади[196]. Бу образ халқ достонлари ва эртакларда мавжуд афсонавий образ тасвирига монанд бўлиб, у орқали Амир Темурнинг жангчилик маҳорати, соҳибқиронлик хусусиятларига яна бир бор урғу берилади.

“Темурнома”да сеҳр-жоду билан боғлиқ эпизодлар ҳам мавжуд. Хусусан, асарда Амир Темурнинг ғоявий рақиби сифатида талқин қилинган Носир Хисравнинг ўғли Мансур образи билан боғлиқ воқеалар асарнинг *“Бу достонда Носир Хисравни ўғли Мансур исмлик Қошғар ичра пайғамбарлик даъвосини қилуб, Мирзо Жаҳонгир ибн Амир Темур онинг бирла жанг қилғонини баёни”*[197] боб(достон)ида тавирланади. Унда тасвирланишича, Мансур отаси Носир Хисрав ўлдирилгач Ҳиндистонга бориб, Кашмир браҳманларидан сеҳр-жоду илмини ўрганади. Қошғарга қайтиб келгач, халқ

[195] “Темурнома”. – Б. 174-175.
[196] “Темурнома”. – Б. 109.
[197] “Темурнома”. – Б. 151-154.

орасида ўзини пайғамбар, Амир Темурни Дажжол, деб тарғиб қила бошлайди. Кўп одамлар унинг кўрсатган сирларидан ҳайратда қолиб, унга иймон келтиришади. Мирзо Жаҳонгир Амир Темур кўрсатмаси билан Мансурни даф қилиш учун Қошғарга келади. Мансур уни чорлаб, ўз ҳунарларини кўрсатади ва Жаҳонгирдан ўзига иймон келтиришини сўрайди. Баҳс жанг майдонида давом этади. Жангда Мирзо етти жойидан жароҳатланади. Кеч бўлгач томонлар жанг майдонидан ўз қўналғаларига кетишади. Мансур кечқурун сеҳр қилиб, овқат тайёрлайди ва меҳмондўстлик ниқобида Жаҳонгир Мирзога етказади. Жаҳонгир Мирзо аскарлари овқатни еб қичима бўлади, отлари ҳам тоқат қилолмай, ўзини ҳар томонга ота бошлашади. Кечаси душманни маҳв этолмай қайтишга мажбур бўлган Мирзо йўлида Соҳиб Ҳидоя шогирди Мавлоно Саъдиддинни учратади. Мавлоно Саъдиддин Мансур қилган сеҳрга қарши тадбир қилади. Аскарлар даво топиб, яна жанг майдонига қайтишади. Жангда Мансурни тутиб занжирбанд қилганида, занжир узилаверади, тоғ тепасидан ташласа ҳам, қилич билан чопса ҳам, ўлмайди. Шу пайт эртаклардагидек, жодугар (Мансур)нинг қизи катта саҳнага чиқади. Жаҳонгир Мирзога ошиқ бўлган қиз отасини маҳв этиш сири эвазига ўзига уйланиш шартини қўяди. Мирзо бунга рози бўлиб, қиз кўрсатмаси билан Мансурни ҳалок этади. Яъни занжирга Мансур сочидан бир толасини қўшиб боғлайди ва уни занжирбанд қилади. Ўлдириш учун эса “кўк туслиқ бокира қизни ҳайзининг қонидин қилич дамиға суркаб, анга солған”[198]ида Мансур ҳалокат топади. Шу тариқа Амир Темурнинг фарзанди Мирзо Жаҳонгир Мансур устидан зафар қучади.

Юқорида таҳлилга тортилган образларни асар сюжетидаги иштироки, бадиий аҳамияти жиҳатидан қуйидагича таснифласак мақсадга мувофиқ бўлади:

а**) асосий образлар:** Амир Темур, Хожа Баҳо ул Ҳақ вад дин (Баҳовуддин), Шайх Шамс Кулол, Турағай (Тарағай) баҳодир, Тегина бегим, Жаҳонгир Мирзо, Мирзо Умар тўра, Умаршайх Мирзо, Султон

[198] “Темурнома”. – Б. 154.

Муҳаммад тўра, Мироншоҳ Мирзо, Мирзо Халил тўра, Шайх-ул аълам (Шайх Сайфиддин), Қилич Арслон.

б) ёрдамчи образлар: Баёнқулихон, Садр аш шариат, Амир Қазағон, Амир Чоку, Мавлоно Бурхониддин Соҳиб Ҳидоя, Мирзо Сайфиддин, Амир Мусо Баҳодур, Хожа Камол Хўжандий, Амир Баён Сулдуз, Сарой Мулк хоним, Ҳусайн сўфи, Камол ой (Ўлжой Туркон), Амир Ҳожибек, Қиморий Иноқ, Тўхтамишхон, Ҳинд Хожа, Қамариддин, Шоҳ Мансур, Мавлоно Саъдиддин, Муҳаммад Порсо, Йўқун хоним, Шайх Ҳасан Кулол, Мойдун, Дўнбой баҳодир, Мансур, Ҳидо, Қойлиқ, Елдирим Султон Боязид.

в) эпизодик образлар: Шоҳ шужоъ, Малик Раъно Баллуллоҳ, Амир Муайяд орлот, Амир Боязид Жалойир, Сангу бобо, Маллухон, Ферузшоҳ, Амир Ҳусайн сўфи, Амир Ҳусайн, Шоҳ Яҳё, Баҳодурхон, Ҳасан Жуворий, Муҳаммад Порсо, Амир Муъид, Султон Аҳмад, Шайх Озарий, Султон Шабли, Улуғбек Мирзо, Жаён Чашм, Учқора, Тоғайбуға, Амир Мусо Жалойир, Амир Ўлжой, Аббос Баҳодур, Туман оға, Сабулак ота, Султон Муҳаммад, Султон Зуннун, Қутб, Откин отғучи, Маҳмуд, Жудин, Замонбек, Мукно, Маст бир ўғил, Додхоҳ Амир Ёдгоршоҳ, Имом Саъд, Сирож Қамарий, Шайх Ҳасан, Кўракбий, Қоратемурхон, Оқтемурхон, Шаҳр Орой, Қизил Темурхон, Иримчи, Оқсоқол киши(Азиз), Шижоат бекач, Шамс ул мулк, Жонфур Оталиқ, Хўжа Саъдиддин, Тоймуғор қатағон, Темуртош қўнғирот, Усмон баҳодур, Жондарий, Олтмиш баҳодур, Эртовул баҳодир, Сокина Бону, Маҳмуда, Бир Ҳинду, Кунакдахат, Ҳаким Зиёд бахши, Оқ Бўға наймон, Ҳаким Зиёд бахши, Туркон тангри излаган, Давлатшоҳ Ўғлон, Абу Лайс раҳматуллоҳ, Бадарий, Ҳасан Мунажжим, Жуҳо нарнир Яҳудий, Ҳусайн курд, Соқибек, Маҳмуд Асфар, Ҳасан Жуворий, Абдураҳмон ибн хожа Абдулқодир, Рустамбек Бобул, Меҳдаб Лўр, Саъид Аттор, Давлатшайх, Пир қалмоқ, Абдулғаффор, Маликаи Оқшайх, Золотоус, Кашфутат, Ҳаким Яғфур, Пудий, Чингизий, Пировун, Зоъиб, Ағалибек, Қутулмишбек, Севаркўз, Тийуғбек, Мирсаид Шариф, Қора Усмон, Ҳасанбек, Зафарбек, Салосий каззоб, Халил ота, Хуморий.

Юқоридаги таснифда келтирилган биринчи типдаги асосий образлар қиссада Амир Темур тимсоли билан ёнма-ён тасвирланиб, асар сюжети ўзагини ташкил этади. Иккинчи типдаги ёрдамчи образлар асарда Амир Темур шахсининг Соҳибқирон сифатида эпик талқин қилинишида кўмакчи образ вазифасини бажаради. Учинчи типдаги эпизодик образлар эса Соҳибқирон тимсоли характер хусусиятларининг у ёки бу жиҳатларини ёритишда катта аҳамият касб этган. Юқоридаги айрим образларнинг асардаги вазифаси нуқтаи назардан қилинган таҳлилларда бу жиҳатлар кенг ёритиб берилган.

2.3. Пирлар ва эранларнинг асардаги ўрни

Халқ достонлари сингари халқ китобларида ҳам қаҳрамон бевосита ўз пирлар (эранлар, ҳомийлар)идан тарбия олади, уларнинг доимий ҳимоясида бўлади. Муаллиф “Темурнома”да Соҳибқироннинг пирлари хусусида “*Дерларким: аввал Амир Темур Соҳибқирони Шайх ул аълам тарбият қилдилар, иккинчи, шайх Шамсиддин Кулол тарбият қилдилар. Учунчи, Шайх Ҳасан Бохурзий тарбият қилдилар. Тўртинчи, Нақшбанд пирим тарбият қилдилар. Оламдин интиқол қилгунларича тўрт вали тарбият қилур эрдилар”*[199], – дея таъкидлаб ўтади. “Алпомиш” ва “Гўрўғли” достонларида қаҳрамонга Шоҳимардон пир ёки Хизр бевосита ҳомийлик қилса, халқ достонлариларидан фарқли “Темурнома”да Соҳибқиронга турли вазиятларда, асосан, реал тарихда яшаб ўтган бир нечта пирлар ҳомийлик қилишини кўрамиз. Жангномада Амир Темурга таълим-тарбия берган, турли бало-қазолардан қутулишда ёрдам қилган, оғир вазиятларда кўмакка келган пир ва эранлар билан боғлиқ воқеаларнинг бадиий талқинлари тасвирланади.

1. **Шайх Сайфиддин** (Шайх ул аълам) – тарихда Амир Темурнинг бобоси, Тегина бегимнинг отаси ҳисобланиб, Бухорода Садр аш-шариат

[199] “Темурнома”. – Б. 95.

бўлган. Асарда эса Амир Темурнинг дунёга келишини, бунга сабабчи бўлган Тарағай Баҳодир билан Тегина бегимнинг учрашиши, Амир Темурнинг она батнидалигидаёқ душманлар ҳамласидан асраган пир сифатида тасвирланади. “Темурнома”даги Шайх Сайфиддиннинг Амир Темурга ҳомийлиги жараёни тасвирини икки даврга ажратиб кўрсатсак, масала янада ойдинлашади:

1) Амир Темур туғилгунча бўлган даврга оид талқинлар;

2) Амир Темур туғилгандан кейинги воқеалар тасвиридаги талқинлар.

Биринчи давр деб ажратиб олинган воқеалар тасвиридаги Шайх Сайфиддиннинг фаолиятига тўхталадиган бўлсак, “Темурнома”да Тарағай Баҳодир ўғлининг Соҳибқирон бўлишини илк бора Шайх-ул аълам (*Шайх Сайфиддин назарда тутилмоқда – И.С.*) башорат қилди, деб қуйидаги тасвир берилади: *“Андин Бухорои шарифга етгач(Тарағай Баҳодир Тегина моҳга уйланмасидан аввал – И.С.), тўғри Шайх ул аъламни олдиларига кириб келди. Шайх ул аъламни кўрди, сўфилар халқасида муроқабада ўлтурурлар, андин кейин Шайх ул аълам бошларини кўтариб, айдилар: “Марҳабо, сафо келдинг, эй соҳиброн отаси”*[200]. Шунингдек, Тегина моҳ ҳақида ҳам мана шундай башорат қилади: *“Шайх кўруб (Тегина бегимни – И.С.), табассум қилиб айдилар: “Ул руҳи Қудс эрди, Қаландар суратида бўлуб келиб эрди. Акнун, бу покиза қиздин бир яхши муборак ўғул вужудга келадур”*[201].

Кўплаб қаҳрамонлик, ишқий-романик достонлардаги ошиқнинг маъшуқага етишиши учун маълум шартларни бажаргани каби жангномада ҳам Тарағай Баҳодир Тегина бегимга етишиш учун эранлар томонидан қўйилган шартларни бажаради. Жумладан, икки ёшдан туғилажак фарзанднинг руҳонияти тоза бўлиши учун унинг отасининг нафси синалади. Ва Тарағай Баҳодир нафс олдида ожизлик қилган пайт пир кўмакка келади: *“...оқсоқоллиқ киши келиб айди: «На учун олдингга ва кейнингга қарамайсан,*

[200] “Темурнома”. – Б. 44.
[201] “Темурнома”. – Б. 43.

ажаб тамошаларга назар қилмайсан, Шайх ул аълам сўзига амал қилиб, маҳрум қайтурсан», деб васваса қилаберди. Тўрағай баҳодур анда назар қилмоқға майлон бўлди. Ногоҳ Айюбдин сели яъни бир шафалоқ келиб, амир Тўрағай баҳодурни юзиға тегди (бу Шайх ул аълам каромати эди – И.С.). Қўрқуб Шайх ул аълам саройига юзланди. Ул қари одам ғойиб бўлди”[202]**.** Ушбу эранларнинг ғойибона кўрсатмаси туфайли Тарағай Баҳодир шартни бажаради.

Иккинчи даврда эса пир Соҳибқиронга қийин вазиятларда йўл кўрсатади ё кўмакка келади. Жумладан, *“Тегина бегим моҳ эшитиб билди (Амир Темур туғилгани башоратини эшитиб, уни ўлдиришга келган элчилар Соҳибқиронни сифатлари орқали қидираётган бўлади – И.С.). “Нишони аломат менинг ўғлумдадур”, деб ҳайрону саросима бўлуб эрди, ярим кечада туш кўрди. Тушида ҳазрат Шайх ул аъламни кўрди. Шайх ул аълам айдилар: “Бухорога келгил, мани қабрим ичида тургул, такяни худой таолога қилиб, яратганга сиғингил. Бу ўғлунға қазои муаллақ юзланибдур”*[203], – дея муаммо ечимини кўрсатади. Шунингдек, айрим вазиятларда пир руҳи ёрдамга келади: *“Элчилар айдилар: бу бачани шул ерда ўлдурурмиз (Шайх ул аълам қабри ёнида – И.С.). Анда Тегина бегимга айдилар: “сандуқни бизларға келтур. Санга ишимиз йўқ”. Бегим моҳ кўб зори қилиб, келтурмади. Аввал Хуросон элчиси болани олдиға, Мозори шарифга кирди. Тегина бегим моҳ муни кўруб нола қилиб Қутбул Қатобдин*[204] *истиъонот тилаб, олло таолога зори қилиб айди: “Эй яратган тангрим, мазлумларни додиға етғил, муножотимни қабул этғил”, деб йиғлар эрди. Анда элчи сандуқға яқин келиб эрди. Ногоҳ муборак қабр ичкарисидин кўтарган ғойибдин бир қўл чиқиб, ҳакимни бўйниға уруб, калласи олма каби беш қадам нарига юмалануб тушти”*[205]. Шу билан бирга фарзандининг ўлик-тиригидан бехабар Тарағай Баҳодирга Шайх Сайфиддин Амир Темур хабарини етказади: “*Бир кеча*

[202] “Темурнома”. – Б. 45.
[203] “Темурнома”. – Б. 52.
[204] Қутбул қутб бўлиши керак. Қулёзма нотўғри ўқилган. Халқ достонлари ва сўфийлар ушбу атамани “қутбул қутб” деб барча етти иқлим қутблари раҳбарига нисбатан қўллайди.
[205] “Темурнома”. – Б. 52.

тушида Шайх ул аъламни кўрди. Айдилар, "Эй Тўрағай баҳодур, хабаринг йўқ, ўғлунг ўн икки ёшга келубдур, сан бу юртда нима иш қилурсан?""[206]. Демак, Шайх Сайфиддин (Шайх ул аълам) Тарағай Баҳодир ва Тегина бегимларнинг туғилажак фарзанди Соҳибқирон бўлиши хабарини берган, Амир Темур ҳаётининг илк босқичларида кўмаклашган ҳомий саналади.

2. Шайх Ҳасан Кулол. "Темурнома"да Амир Темурга ҳомий сифатида тасвирланган иккинчи пир **Шайх Ҳасан Кулолдир.** "Темурнома"да икки кулол пир ҳақида маълумот берилади. Бизнингча, икки пирнинг ҳам тарихий прототипи Шайх Шамсиддин Кулол бўлиши керак. Чунки тарихий ва бадиий асарларда Амир Темурнинг исмини Шайх Шамсиддин Кулол қўйганлиги таъкидланади. "Темурнома"да Шайх Ҳасан Кулол дея тасвирланган мазкур пир ва Амир Темур муносабатлари асарнинг "*Бу достонда рижол ул ғойибни Амир Темурға кўб-кўб илтифот қилғонларин баёни"*[207] боб (достон)ида келтирилади. Хусусан, Амир Темур ўн икки ёшдан ўтгач, ўз тенгқурлари билан кўчада салтанат русмлари ўйинларини ўйнаётганда унинг олдига бир оқсоқол киши келиб: *"агар амир бўлсанг, жаҳонни ухдасидин чиқармусан?"* – дея савол беради. Унга Амир Соҳибқирон: *"Эй бобо, шул қадар ҳиммат им қуши баланд парвоз қилғондурким, агар рубъи маскун тахти тасарруфимға келса, бир кафт туфроқ каби эмасдур*"[208], – дея жавоб беради. Қари киши Соҳибқиронга: "*Эй ўғул, не ҳавасдасан, зинҳор маюс бўлмагил. Яқиндурким, мақрунни ижобатда эрурсан"*[209], – дея кўздан ғойиб бўлади.

Асарда Шайх Ҳасан Кулол Амир Темур билан икки маротаба учрашганида унга мурид бўлганлиги айтилади. Шайх Кулол Амир Темурни соҳибқиронлик рутбаси танловида қатнашиши учун Рижол-ул

[206] "Темурнома". – Б. 54.
[207] "Темурнома". – Б. 56-60.
[208] "Темурнома". – Б. 57.
[209] "Темурнома". – Б. 57.

Ғойиб (ғайб эранлари) ҳузурига олиб боради. Сўнгги синов шартида даъвогарлар махсус ноғорани (борабан) чалишлари шарт эди. Ноғорани Соҳибқирон чалганида ундан ўзига хос оҳанг ва овоз чиқиши зарур бўлади. Мазкур ишни Амир Темур бажарганда борабандан *“Давлат, давлат Амир Темурий”*[210] деган овоз чиқади. Қутб ва ғайблар етти иқлим амири сифатида уч даъвогар ичидан Амир Темурни танлашади. Демак, Шайх Ҳасан Кулол жангномада Амир Темурни соҳибқиронлик танлови учун ғайб эранлари ҳузурига олиб борган эран ҳисобланади. “Гўрўғли” достонида айни вазифани Хизр бажариши батафсил баён этилган.

3. Соҳиб ҳидоят. Бу образ асарда Амир Темурнинг ғоявий рақиблари билан олиб борган курашлари жараёнида катта саҳнага чиқади. “Темурнома”да айни тасвир *“Бу достонда Амир Соҳибқироннинг Бурҳониддин соҳиб ҳидоятга келмоқи, ул кишини муноқашаларини баёни”*[211] боб (достон)ида берилган. Унда Носир Хисрав пайғамбарлик даъво қилади ва ўз тарафдорларидан иборат қўшин тузади. Унинг аскарлари мусулмонларни ўлдира бошлайди. У Тарағай Баҳодир ва Амир Темурга одам юбориб, динини қабул қилишни талаб қилади. Амир Темур ғоявий рақибига қарши нажот излаб, Самарқандга боради. У ерда мусулмон олимларининг устози Соҳиб ҳидоятга учрашади. Носир Хисрав одамлари ҳийла билан Соҳиб ҳидоятнинг кўзини кўр қилади. Амир Темур Соҳиб ҳидоятни топади ва Носир Хисравга қарши ғоявий курашда ёрдам сўрайди. Фитначилар Амир Темурни Носир Хисравнинг одами деб, уни ҳам ишонтиради ва Амир Темур зиндонга ташланади. Ўша кеча Соҳиб ҳидоятнинг тушида: “*Расул акром саллалоҳу алайҳис салом афандимиз қора кийим кийиб келдилар, айдилар: “эй Бурҳониддин, турғил ул йигит чин сўзлаюр. Ул йигитни топиб, малоҳидалар олдиға анинг бирла борғил, зафар топгайсиз”*[212], – дея унга йўл кўрсатади. Уйқудан кўзи соғайиб уйғонади. Амир Темурни

[210] “Темурнома”. – Б. 87.
[211] “Темурнома”. – Б. 66-72.
[212] “Темурнома”. – Б. 67.

топиб, Шаҳрисабзга юборади ва ўзи ортидан йўлга чиқади. Шаҳрисабзда Носир Хисрав билан диний илмдан баҳслашиб, ғолиб чиқади. Демак, асарда Носир Хисрав соҳибқиронлик дардига чалинган Амир Темур эътиқодига дахл қилганда, Соҳиб ҳидоят Расули акром соллаллоҳу алайҳи васаллам кўрсатмалари билан Соҳибқиронни ҳимоя қилади. Асарда Соҳиб ҳидоят билан боғлиқ бошқа воқеалар тасвири учрамайди.

4. Қаландар Хожа Камол Хўжандий. Қаландар билан боғлиқ воқеалар асарнинг *“Бу достонда Амир Соҳибқиронни Бухоро бормоқи Баёнқулихонни Сароймулк отлиқ қизини олмоқини баёни”* боб (достон)ида қисқача тасвирланади. Унда Амир Темур бозорга кўб қўйларни олиб бориб, минг олтинга сотади. У ерда бир қаландар шеър ёзилган қоғозни кўрсатиб *“ёзувни қадриға ким етиб, минг олтунға олғай?”* – дея бақириб туради. Ўтган-кетганлар унга ҳайрон бўлиб қарашади. Амир Темур эса уни сотиб олади. Унда:

“Он каски тамоми даҳр бигирфт нахуст,

Заврақи, замона ситами зулм бишаст.

Жамшиду Сулаймону Скандар гузашт,

Бархез миён бандаки то навбати ту аст”[213] рубоийси ёзилган бўлади. Бундан Қаландар Хожа Камол Хўжандийнинг асардаги функционал вазифаси Амир Темурнинг соҳибқиронлик тақдирини башорат қилиш эканлиги англашилади.

5. Шайх Шамс кулол. Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” асарида берган маълумотга кўра, Шайх Шамсиддин кулол Амир Тарағайнинг пири бўлиб, Соҳибқирон Амир Темур ҳам унга ихлос қилган. Амир Темур салтанатни бошқарган пайтларда ҳам шайхнинг қабрини тез-тез зиёрат қилиб турган[214]. “Темурнома”да Шайх Шамс кулол деб номланади. Асарда Амир Темур Шайх Шамс кулол хизматига келганда у вафот

[213] “Темурнома”. – Б. 72.

[214] https://howlingpixel.com/i-uz/Shamsiddin_kulol.

этган бўлади. Соҳибқирон жаноза намозини ўқиб, бир кеча шайхнинг қабри ёнида тунайди. Кечаси тушида Шайх Шамс кулол Амир Темурга: "*Эй ўғлум, Бухорога борғил, худой таборак ва таоло ҳикматин кўргил"*[215], – дея йўл кўрсатади. Бу йўл Амир Темурнинг жаҳон саҳнига чиқишида муҳим роль ўйнаган.

6. Хожа Баҳо ул Ҳақ вад дин (Баҳовуддин). Тарихда Баҳоуддин Нақшбанд – машҳур валий, нақшбандия тариқатининг асосчиси ҳисобланади. Асарда Баҳоуддин Нақшбанд образи пирларнинг умумлашма типик вакили сифатида талқин қилинади. Биз буни асар таҳлили жараёнида кўриб чиқамиз.

"Темурномада" Хожа Баҳо ул Ҳақ вад дин (Баҳовуддин) ва Амир Темурнинг илк учрашуви *"Бу достонда Саййид ота шарофатидин қалмоқлар мусулмон бўлғони, Амир Турағай баҳодур Дашти Қипчоққа бориб, олам фонийдин интиқол қилғонини баёни"* боб (достон)ида тасвирланади. Унда Соҳибқирон амирлари билан ов қилгани кетаётганда, йўл четида ўйнаётган бир тўда болалар ичидан бир нурли болага нигоҳи тушади. У бола Амир Темурга ўзи ясаган уйни сотиб олишни таклиф қилади. Темур уни бир тиллога сотиб олади. Ўша кун тушида қиёмат вақтида фаришталар уни бир уйга олиб киради ва бу уйни боладан сотиб олганлигини айтишади. Эртаси куни Амир Темур бола ёнига келиб, унинг оёғига йиқилади[216]. Асарда мана шу воқеадан бошлаб, Баҳоуддин Нақшбанд Соҳибқирон умрининг охиригача қуйидаги ҳолатларда ҳомий сифатида тасвирланади:

6.1. Кўплаб халқ достонларидаги жанг тасвирларида асар қаҳрамони оғир вазиятга тушиб қолганда (душман томоннинг қўли баланд келганда) пир ёрдамга келади. Бунда қаҳрамон ва ҳомийнинг ўзаро руҳий боғланиш жараёни вужудга келади. Бу жараёндан қувватланган қаҳрамон душманни қийинчиликсиз маҳв этади. Жумладан, "Темурнома"даги Амир Темур Абу

[215] "Темурнома". – Б. 73.
[216] "Темурнома". – Б. 95.

Саидхоннинг невараси Қилич Арслон билан яккама-якка олишуви тасвири фикримизга далил бўлади: *“(Қилич Арслон – И.С.)* амирни белидин тутиб, икковлари яёвлиқ ҳолда толошқа муқаййид бўлдилар. Лекин Амирни бир қўлу бир оёғлари андак нокор эрди. Шундоқ ҳам бўлса, кеч вақтиғача талош қилдилар. Амирни ҳоли зиқлиқға қолиб, хожам Баҳовуддинни кўнглуға олиб, илтижода бўлдилар. Бу байтни айдилар:

Назм:

Қўлум олинг, ё пирим, менда қувват қолмади,

Йўлға солинг, ё пирим, менда ғайрат қолмади.

Соҳибқирон пирларни йўқлаб, анда дедилар:

Назар айланг, ё пирим, менда ҳиммат қолмади.

Филҳол, Нақшбанд пиримға аён бўлуб, икковини бориб қўлтуғидин олиб, ер узра оттилар. Амир йиқилдим деб гумон қилса, Қилич Арслонни кўкси узра ўлтурубдур*”*[217].

6.2. Пир қаҳрамонга турли кутилмаган табиий фожиа ва иложсизлик ҳолатдалигида Соҳибқирон чорлови билан ёрдамга келади. “Темурнома”да Соҳибқироннинг Қандаҳор ҳокими шоҳ Мансур билан жанг сўнгидаги воқеалар тасвири бунга мисол бўлади: *“Шоҳ Мансур лашкари ичида турибю эрди, бир тоғ тарафдин сойга сел кела берди. Тоғни бир лўндаси йиқилуб, аскар узра тушти. Амир Темурға зарар қилмади, ё пирим Нақшбанд, деб бир чеккасидин чиқти. Ғойибдин бир қўл ҳозир бўлуб, Амирни тоғни юқорисиға чиқориб қўйди”*[218].

6.3. Соҳибқирон ҳаёти қил устида турган вақтда пир ёрдамга вакил юборади. Хусусан, асарда Соҳибқирон Нишопурни фатҳ этиш учун келганда, шаҳар ҳокими қалъадан қочиб кетади. Шаҳарга шайх Саид Аттор бош бўлиб қолади ва Амир Темурни кўргани келиб, Соҳибқирон таомига заҳар қўшиб беради. Амир табиблари иложсиз ҳолатда қолганида ҳомий кўмакка вакил юборади. Бу воқеа асарда қуйидагича тасвирланади: “*ул киши айди, мен*

[217] “Темурнома”. – Б. 190.
[218] “Темурнома”. – Б. 127.

хожа Муҳаммад Порсо – хожам Баҳовуддин муридларидин бўлурман, ул зот менга деб эрдилар, Амир Темур қошиға боргил, анга мухолифлар оғу берадур, ушбу пойтобамни анга бергил, сувға ювуб, ичсун, оғу ондин кўтарилғай дедилар. Анда Амир қошиға келдилар, булар Мовароуннаҳр қофиласи эрдилар, карнай чалғонлари сабаби ҳарифни хавфидин эрди. Сўнгра Нақшбанд берган лўнгиларини бердилар, андин ипор иси келур, сувга чойуб Амирға ичурдилар. Оғу Соҳибқирон тирноғлариғача таъсир қилғон эрди. Рутубатни ўпка, бағир ва талоғ ва аҳшолардин кўтарди. Филҳол, Амирни андак кўзи очилди"[219]. Бу орқали Нақшбанднинг кароматига урғу берилади.

6.4. Ҳомий туш воситасида оғир вазиятдан чиқиш учун қаҳрамонга йўл-йўриқ кўрсатади. Бу жараёнда ҳам қаҳрамон, аввало, пирга ёрдам сўраб мурожаат этади. Асарда Соҳибқирон Истанбулда Рум сипоҳлари қўлида асир бўлганида нола-ю зор қилиб, йиғлаб Нақшбанд пирларидан мадад тилайди. Ва "ул кеча тушида Хожам Баҳовуддин келиб, айдилар: Эй Амир Темур оқсоқ, ҳушёр бўлуб яратганга боқғил, бошинг узра андак машаққат бор, сабр қил. Ул замон уйғониб, кўрсаларким, оёғ-қўллари ешилибдур"[220]. Шундан сўнг Амир Темур сипоҳларни ўлдириб, йўлида давом этади.

Демак, юқоридаги таҳлиллар шуни англатадики, тарихда Амир Темур ва Баҳоуддин Нақшбанд учрашмаган бўлса-да, "Темурнома" асари китобат қилингунига қадар Амир Темур ҳақида кенг тарқалган афсона ва ривоятлар оғиздан оғизга ўтиб юрган бир даврда, халқ орасида нақшбандия тариқати кенг тарқалган эди. Шу сабабли, "Темурнома"да Баҳоуддин Нақшбанд Амир Темурнинг асосий ҳомийси сифатида тасвирланган. Бу ўринда муаллиф ёндашуви ҳам аҳамиятли. Негаки, асарнинг кўп ўринларида ровий *"Баҳоуддин Нақшбанд пиримиз"*, дея мурожаат қилади. Шунингдек, асарда Амир Темур соҳибқиронлик рутбасига танлангунига қадар воқеаларнинг, асосан,

[219] "Темурнома". – Б. 197.
[220] "Темурнома". – Б. 317.

Бухорода кечиши ўша даврда Бухоронинг маданият маркази сифатида тан олинганлигидан далолат беради.

7. Оқсоқол киши(азиз) – “Темурнома”да бу образ фақат бир ўринда тасвирланиб, унинг вазифаси, Соҳибқиронни синовдан ўтказиш ва унинг вазифаларини тушунтиришдан иборат бўлади. Бу асарнинг “*Бу достонда Амир Темур Соҳибқирон Балх шаҳриға бориб, амир Чоку била мулоқот бўлғонини баёни”*[221] боб (достон)ида тасвирланади. Унда Амир Темур Амир Чоку ва уч нафар ҳамроҳи билан Тугал бек тузоғига тушади. Шоҳ Мансур ҳузурига олиб кетилаётганида, Соҳибқирон минган от жиловини тутган сарбон ухлаб қолади ва Амир Темур саҳаргача йўл юриб, бир қишлоқ чеккасидаги боғга етади. У ердаги хонақоҳдан ҳофизларнинг овози чиқиб туради. Мана шу ўринда турли рамзлар воситасида Соҳибқиронга таълим берилади: *“Ногоҳ бир сўфи чиқуб нола била йиғлаб, икки итни хонақохдин келтуруб боғлаб қўйди. Бири семизу бири ориқ, яна бориб хонақох ичра кирди, соатидин кейин ул сўфи қўлида коф ичра таъом олиб чиқти. Амир они кўруб, шовқун қилиб айди, эй сўфи, мани бойлуғумни ешгил, ўшал таъомингдин мани зоеъ қилмағил. Ул сўфи Амирга назар қилди, аммо таъомини икки итини олдиға қўйди. Амирга гафурмади. Таъом манга раво бўлмай, итларга раво бўлди, деб Амир бениҳоят кўб хафа бўлди. Вақти бўлуб ўшул хонақохдин бир нур чиқуб оламни тутти. Жаҳон кундуздек мунаввар бўлди, гуё Амир кўнглига етти иклим жилва қилди, мағриб, Яман, Ҳиндистон, Мозандарон, Ироқ, Форс, Туркистон, Ўрус, Хуросон барчаси кўрунди, яъни илҳо бўлди, яна ғойиб бўлди. Андин сўнг икки киши келиб Амирни бойлуғини ештилар. Бирин қўлида пиёла тўла сут, бирин илгида коса тўла шароб. Ҳар қайсилари ўз косаларини кўб-кўб таъриф, қилуб Амирга узаттилар, Амир шаробдин ичмай, сутдин ичти. Сўнгра бир арини кўрдиким,* ўзи *каби арини ўлигини кўтариб чиқиб кетти. Андин сўнг бир киши кўб чумчуқларни кўб машаққат*

[221] “Темурнрома”. – Б. 117-120.

бирла тутуб бир қафас ичра солди, лекин эҳтиёт қилмади, бир илон келуб чумчукларни еди, кўби учуб кетти. Анда бир кирпитикан ҳозир бўлуб, илонни еди. Ҳануз кирпитикан кетмай туруб, тулки келуб, они еди. Анда бир сайёд киши тулкини ўқ била уруб ҳалок қилди. Ўзи нари бормай оёқи тойиб йиқилуб бўйни узулди. Буларни барчасини бир соатда ҳалокатга етганини кўруб, Амир ҳайрон бўлуб, таажжубда эрди. У шул вақтда итларга таъом бергон киши чиқуб, Амир Соҳибқирон қошиға чорада ўроғлуқ бир нима келтуруб кўйди. Амир айди: аввал таъомни итга бериб, эмди менга берурсан, деди. ...Соҳибқирон дастурхонни очиб, кўрса, қўйни тўши пишган этидур. Сохибқирон они завқ била хўб еди, тангри таъолога шукр айди...

Амирни кўнглига келдиким, Хуросон ер юзин кўкраги эмиш. Манга азизлар муни бермишлар. Яна сўфи чиқиб айди: Эй тўра бача йигит, бери кел, азизлар сани талаб қилурлар. Аида Соҳибқирон хонақоҳ эшикидин ичкарига кирди, кўрдиким, бир оқсоқол киши беқасам тўнли ва фўшли ва мисвоклу, ўғли бирла шатранж ўйнаб ўлтурур..."[222]

Мана шу тариқа Амир Темур кўз ўнгида сирли воқеалар юз беради. Соҳибқиронга мазкур воқелик сир-синоатини оқсоқол киши қуйидагича изоҳлайди: *"Эй Амир Темур, сан подшоҳи азим бўлдинг, энди сан одоби салтанатни ўргангил, қазои-қадр санга хоҳлабдур, ул икки итни кўрдунг, бири семиз, бири ориқ, нафс оммора бўлур, анга парво қилмағил. Андин сўнг нур кўрдунг, иқболинг қуёшин партавидур, олам санга мусаххара бўлур, ўшул икки киши санга сут била шароб бердилар, сан сутни ичтинг, шаробни ичмадинг, агар шароб ичсанг золим булур эдинг. Ул ариким бир арини ўликин кўтариб ҳавога учти, ул Яъқубдур, ариларни беги эрди, фуқаросидин бири ўлуб эрди, ўлигини кўтариб, ўз манзилига олиб кетти. Сан ҳам фуқаро аҳволидин хабардор ўлуб, эҳтиёт қилғил, зомини қиёмат бўлмағил. Андин сўнг ул киши кўб чумчуқларни машаққат бирла тутуб жамъ қилуб, бир қафас ичра*

[222] "Темурнома". – Б. 118.

солди, ўзи кетгач, чумчуқлар учуб кетти. Ул дунёга ҳирсни қуюб, ранжу машаққат бирла жамъ қилғон эрди, олам ҳодисасидин тарож бўлди, зинҳор дунёга меҳрингни қўймағил, они муҳаббатига бойланмағил. Аммо илон қафасидин бир неча чумчуқни тутуб еди, кирпитикан келуб илонни еди, анда бир тулки ҳозир бўлуб кирпитиканни еди. Тулкини бир отлиқ киши келуб ўқ била уруб, ўзи йиқилуб бўйни узулуб ҳалок бўлди. Булар мисоли шулким, дунё жойи мукофотдур, яъни ҳар ким бировга зиён хоҳлади, ул зиённи бошида кўргай, мусулмонлик шул бўлурким, анга тўғри келса яхшилик қилурсан. Аммо қўйни тўшини бердук, яхши тамал қилким, Хуросон, ер юзини кўкси эмиш, муни санга инъом қилдук, эмди тургил, Жом ерига боргил, йўлдошларингни тобғил"[223], – дея Амир Темурга йўл кўрсатади.

Демак, "Темурнома"да Оқсоқол киши (азиз) Соҳибқиронга нафсни жиловлашни, золим бўлмасликни, фуқаро аҳволидан доим хабардор бўлиб, уларни эҳтиёт қилишини, дунёга меҳр қўймасликни ва ҳаммага яхшилик қилишни насиҳат қилиб, унинг иқболи ёруғ эканлиги ва ғайблар сингари унга ер юзининг кўксини инъом қилганлигини каромат қилади. Шу тариқа "одоби салтанат"ни ўргатади.

8. Ҳазрат Саййид Ота тарихий манбаларда Занги отанинг шогирди бўлганлиги, фаолияти давомида қалмоқ элатини мусулмон динига тарғиб қилганлиги таъкидланади. "Темурнома"нинг *"Бу достонда Саййид ота шарофатидин қалмоқлар мусулмон бўлғони, Амир Турағай баҳодур Дашти Қипчоққа бориб, олам фонийдин интиқол қилғонини баёни"*[224] боб (достон)ида Ҳазрат Саййид Ота билан боғлиқ воқеалар тасвирланади. Унда Саййид отанинг тарихи, Занги ота билан муносабати ва кўрсатган кароматлари баён қилинади. Шунингдек, Саййид ота ва Тарағай Баҳодир ўртасидаги келишмовчилик оқибатлари тасвирланади. "Темурнома"да Саййид ота ва Амир Темур ўртасидаги пир-муршидлик муносабатлари

[223] "Темурнома". – Б. 119.
[224] "Темурнома". – Б. 86-96.

тасвирланмаган бўлса-да, унинг Соҳибқиронга хайрихоҳлиги асарнинг *“Бу достонда Мирзо Жаҳонгир Тўра ибн Амир Темур Балх юртиға бориб, Бароқхон номеҳрибон тоғасини қўлида шаҳодат топгани. Амир Темур Соҳибқирон бориб, Бароқхонни ўлдуруб, андин кейин Ҳиндистонни мусаххара қилғонини баёни”* боб (достон)ида келтириб ўтилади. Унда Амир Темурнинг Ҳиндистонни фатҳ этиш жараёнида душман юрт саркардаси Кунахдахатнинг кескин қаршилигига учраши баён қилинади. Кунахдахат турк қўшинларидан кўпчиликни ҳалок қилади, шу пайт Камол хоним етиб келиб, уни даф қилади. Камол хоним “*Амирга айди, ман Хоразмда эрдим, Ҳазрат Саййид Ота пиримиз айдиларки, Ҳиндустонга борғил, Амир Темур Соҳибқирон ҳинду кофирларға муқобил бўлубдур, анга ёрдам берғил, деб, жавоб бериб юбордилар”*[225], – дея келиш сабабини айтади. Демак, асарда Ҳазрат Саййид ота образи қалмоқ элати ҳақида ўқувчига маълумот бериши билан бирга, Соҳибқиронга ҳомий сифатида тасвирланади.

9. Мавлоно Саъдиддин қаландар бўлиб, Амир Темурнинг ғоявий рақиби бўлмиш Носир Хисравнинг ўғли Мансур билан бўладиган баҳсда Мирзо Жаҳонгирга кўмак (ҳомийлик) беради. Мирзонинг Мавлоно Саъдиддин билан учрашуви асарнинг *“Бу достонда Носир Хисравни ўғли Мансур исмлик Қошғар ичра пайғамбарлик даъвосини қилуб, Мирзо Жаҳонгир ибн Амир Темур онинг бирла жанг қилғонини баёни”*[226] боб (достон)ида сеҳрли эртаклар сюжетига монанд тасвирланади. Хусусан, Мансур тарафдорлари жангда Мирзо Жаҳонгир қўшинидан енгилгач, турли ўт-ўландан сеҳр-жоду қилиб емак тайёрлайди. Ва ярашув зиёфати сифатида Мирзога юборади. Мирзонинг аскарлари ва от-уловлари егуликларни еганда ҳаммаси касал бўлиб, ортга қайтишга мажбур бўлади. Бу воқеадан сўнг асарда қуйидаги тасвир баён қилинади: *“Соати юруб эрдилар, муқобилларидин олов ҳозир бўлди, барчалари қўрқуб, юрмадилар. Мирзо Жаҳонгир тўра ёлғиз ўзи*

[225] “Темурнома”. – Б. 161.
[226] «Темурнома”. – Б. 151-154.

бораверди. Ўт ҳам Мирзога қаршу келуб, ғойиб бўлди. Мирзо Жаҳонгир тўра ҳайрон бўлуб орқасига қайтуб эрди, иккинчи яна олов кўрунди. Яна Мирзо ўт олдига борди, яна ўт ғойиб бўлди, учинчи бўлгандин кейин Мирзо ҳамроҳлари бирла ўтни олдиға бордилар,ўт йўқ бўлуб, бир қаландар ҳозир бўлди. Мирзо они бирла мулоқот бўлуб бир-бирини сирри аҳволларини сураштилар. Мирзо аввалдин охиргача воқеани бир-бир баён қилди. Қаландар айди, мани Мавлоно Саъдиддин дерлар, Қошғар элидинман, Соҳиб ҳидоятни шогирдлари бўлурман. Мансур манга даъват қилди, ман инкор қилдим. Кейин мани ўлдурмоқға қасд қилди, қочиб бул ерга *келиб эрдим, ҳазрат Ҳизр алайҳис салом келиб айдилар, сабр қилғил, Чиғатой элидин келиб санга мадад еткузурлар, бориб ул ҳаромзодани ботил ишларини барҳам урғул. Ман айдим, улар келгунча, манга анинг сеҳридин зарар етмасун, кейин ул зоти боборакат манга исми Аъзамни ўргаттилар. Бир кишидин бонқаға айтмағил дедилар. Қачон ўқусам етмиш минг фаришта ҳозир бўлурлар. Ўшул кўрунуб ғойиб бўлғон ўт анвори малоикдурлар. Мирзо Жаҳонгир айди, эй тақсир афандим, энди нима қилурмиз? Мавлоно Саъдиддин айдилар, қайтинглар, ман сизларни орқаларингиздин борурман. Мирзо Жаҳонгир айди, аскаримиз бетобдурлар. Мавлоно буюрдиларким, бу ерда бир қудуқ бор, шунинг сувидин ичинглар. Филҳол, ичтилар, соғайдилар”*[227]. “Темурнома”да барча соҳибқиронлар каби Амир Темурнинг ҳам олти томонни фатҳ этиши тасвирланади. Бу юришларнинг айримларига ўзи бошчилик қилган бўлса, айримларида энг яқин фарзанди ёки набираси боради. Шарққа Амир Темур ўрнига айнан Мирзо Жаҳонгир боради. Унинг асардаги туғилиш воқеалари ва саёҳат давомидаги саргузаштлари алплик тизимига мос тарзда берилган. Юқоридаги тасвирда эса Амир Темурнинг ғоявий рақиби бўлмиш Носир Хисравнинг ўғли билан Мирзо Жаҳонгир курашади. Бу жараёнда Мавлоно Саъдиддин Мирзога ҳомий (пир) сифатида кўмак беради.

[227] “Темурнома”. – Б. 152-153.

10. Маст қаландар (Амир Темур ва Иноқни осмонга олиб чиққан пир) ва Амир Темур ўртасидаги муносабатлар тасвири асарнинг "*Бу достонда Амир Темур Соҳибқирон Қиз шаҳриға бориб, андин Ҳазрат Одам Отани қабрларин зиёрат қилғонларин баёни"*[228] боб (достон)ида берилган. Амир Темур Мадинаи мунавварадан қайтишда Одам Ато а.с. қабрларини зиёрат қилишни мақсад қилади. Хаёлан Хисрав Деҳлавийни чорлайди. Деҳлавий унга шайх Фарид Шукр Ганж хонақоҳига бориб, у ерга келадиган шайхнинг хизматини қилишни айтади. Амир Темур Иноқ кал билан хонақоҳда қирқ кун чилла сақлайди ва қирқ биринчи куни шайх келади. Амир Темур унга арзини баён қилганда шайх жаҳл билан терс ўгирилади. Иккинчи, учинчи кунлари эса шайх Соҳибқиронга қўполлик қилиб, юзига ҳам уриб юборади. Етти кун шу зайлда ўтади. Етти кундан кейин Шайх хушмуомала бўлиб, иккаласини икки оёғига ўтқазади ва "кўзингни оч демагунимча очмайсан", – дейди. Иккаласи бир соатдан кейин кўзини очиб, Қиз шаҳрига келганлигини кўради. Улар Қиз шаҳридан Сарандиб тоғига чиқишади. Тоғ тепасидаги минора эшиклари тилсимотларини ечиб, уни очади ва Одам Ато а.с. қабрларини зиёрат қилади. Сўнгра тоғдан қайтгач, шайх уларни яна оёқларига ўтқазиб, ерга олиб тушади. Асарда Соҳибқироннинг сўнгги томон – осмонга чиқиши орқали соҳибқиронлик тасаввурларидаги қаҳрамон қудрати Шайх Шукрнинг хонақоҳи олдига келадиган маст қаландар ёрдамида юзага чиқарилган.

11. Қазодин, ғайб эранлари. "Темурнома"да юқорида санаб ўтган пирлардан ташқари "қаҳрамонни ҳар қандай шароитда, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, ёрдам берувчи ғайритабиий қудратга эга куч – эпик ҳомийлар"[229] ва ғайб эранлари билан боғлиқ воқеликлар ҳам кенг тасвирланади. Бу жараёнда Соҳибқирон ҳаётидаги турли оғир вазиятларда Ғойиб эранлари кўмакка келади. Хусусан, туғилмасданоқ Соҳибқирон сифатида танланган

[228] "Темурнома". – Б. 273-281.
[229] Турдимов Ш. "Гўрўғли" достонининг генезиси ва тадрижий босқичлари: Филол. фан. д–ри... дисс. – Тошкент, 2011. – Б. 54.

қаҳрамонни ғайб эранлари она қорнидалигидаёқ ўз ҳимояларига олади. Асарда Йўқун хонимга кундоши Тегина бегимнинг Соҳибқиронни дунёга келтириши тушида аён бўлгач, ўз қули Мойдунга туғилмаган гўдакни онаси билан ўлдиришни буюради. *“Мойдун Тегина бегимга “Сани шу бола сабабидин ўлдурурман”, деб қилични кўтариб солгач, жон ваҳмидин Тегина бегим моҳ ўзини қудуққа ташлади. Иқболи амир Темур ногоҳ ҳавода барқ пайдо бўлуб, яшин келиб қулни кўкракидин уриб, икки бўлак қилди. Тегина бегим моҳни тангри таоло они шарридин омон сақлади”*[230]. Асарнинг бошқа бир ўрнида ғайб эранлари Соҳибқиронни қутқариш учун балиқни юборади: *“Жонфур ҳам кейнидин тушуб, Амирни кўксиға чиқиб, қўлиға ханжарни олуб, хоҳласаким, Амирга солса. Кема ичра муни Чиғатой элини сипоҳлари кўруб, барчалари даргоҳи қазоюл Хожатга муножот қилдилар. Қазодин бўлуб, бир улуғ балиқ денгизидин чиқуб Жонфур оталиқни, нафасиға тортиб, денгиз ичра олуб кетти. Бул ҳам Соҳибқирон иқболи турур”*[231]. Бу тасвирлардан Соҳибқироннинг доимий тарзда ғайб эранлари кузатувида бўлганлиги, керак пайтда турли воситалар орқали қаҳрамонни қўллаб турганлиги аён бўлади.

Диссертациянинг иккинчи боби юзасидан қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. “Темурнома” Соҳибқирон ҳаёти, фаолиятига бағишланган асар бўлиб, унда Амир Темур билан боғлиқ тарихий ҳақиқатлар халқ бадиий тафаккури ҳосиласи ўлароқ, Соҳибқирон образи тимсолида фольклорий талқин қилинган. Бутун асар сюжети ана шу қаҳрамон асосига қурилган.

2. Асар қирқ олти боб (достон)дан иборат бўлиб, уларнинг ўттиз иккитасида бевосита Соҳибқирон иштирок этса, ўн икки боб (достон)ида воқеалар билвосита Амир Темур билан боғланади.

[230] “Темурнома”. – Б. 48.
[231] “Темурнома”. – Б. 135.

3. “Темурнома”да Амир Темур фаолияти билан боғлиқ сюжет линияси асарнинг асосини ташкил қилиб, улар халқ тасаввуридаги соҳибқиронлик тизими хоссаларини кўрсатишга хизмат қилади.

4. Ички сюжетлар аксар халқ эртаклари ва достонларидаги каби қаҳрамоннинг ўзлигини топиш учун қилган сафарига уйғун тарзда шакллантирилган. Хусусан, “Гўрўғли” туркумидаги Гўрўғли, Аваз, Ҳасан, Равшанхон каби образлар қилган сафарлар мағзида ҳам, асосан, ушбу мақсад турибди. Асардаги “Султон Муҳаммад воқеаси”нинг баён услуби, композицион қурилиши, ғайритабиий воқеалар, образлар тафсилоти, ғаройиб саргузаштлар тасвири айнан эртакона кўриниши ва шакли билан ҳам ажралиб туради.

5. “Темурнома”да Соҳибқирон образи билан параллел равишда бир юз қирқ уч нафар тарихий ва тўқима образларга мурожаат этилган. Бу образлар Амир Темур тимсоли атрофида бирлашиб, Соҳибқирон характерини ёритишда муҳим ўрин тутади.

6. Асарда Амир Темур билан замондош бўлган образлар талқини тарихий ҳақиқатга мос келмайди. Бу эса ёндош тарихий образларнинг ҳам эпик талқин олганлигини кўрсатиб, “Темурнома”ни халқ тасаввуридаги Соҳибқирон тимсоли талқинига бағишланган асар сифатида баҳолашга асос бўлади.

7. “Темурнома”да Амир Темур билан замондош бўлса-да, лекин у билан ҳаётда учрашмаган айрим тарихий шахслар образи ҳам мавжуд. Халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган, халқ эътиқоди ва миллат эртаси учун курашган бундай тарихий шахслар образининг тасвирланишини этноснинг ўз идеалидаги Соҳибқиронга ўзига яқин бўлган шахсларни ҳамроҳ қилганлиги билан асосланади.

8. “Темурнома”да Соҳибқирон доимий равишда ғайб эранлари ҳимоясида бўлади, керак пайтларда улар қаҳрамонга турли воситалар орқали кўмак беришади.

9. Асарда Соҳибқиронга кўплаб пирлар ҳомийлик қилса-да, уларнинг ҳар бири Соҳибқирон ҳаётида маълум вазифани бажаради. “Темурнома”да уларнинг макони сифатида халқ достонларидаги каби, асосан, ёнида булоғи бор ғор ёки боғ тўридаги хонақоҳ макони тасвирланган.

10. Тарихда Амир Темур ва Баҳоуддин Нақшбанд учрашмаган бўлса-да, “Темурнома” асари китобат қилингунига қадар Амир Темур ҳақида кенг тарқалган афсона ва ривоятлар оғиздан оғизга ўтиб юрган бир даврда, халқ орасида нақшбандия тариқати кенг тарқалган эди. Шу сабабли, асарда халқ тасаввуридаги умумлашма ҳомий образ сифатида Баҳоуддин Нақшбанд тасвирланган.

III БОБ. “ТЕМУРНОМА” СЮЖЕТИДА СОҲИБҚИРОНЛИК ТАСАВВУРИ

“Темурнома” жангномасининг асосий қаҳрамони Амир Темур ҳисобланади. Асарнинг “Темурнома” деб номланиши ҳам фикримизни тасдиқлайди. Ушбу жангномада Амир Темур ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаолияти, тақдири, нафақат Марказий Осиё, балки у забт этган Евроосиё ҳудудидаги мамлакатлар давлатчилиги тарихида тутган ўрни ўзига хос халқона тарзда бадиий талқин этилади. Амир Темур ҳаётидан ҳикоя қилувчи мавжуд тарихий, адабий, халқ китоблари ва фольклор намуналарида Соҳибқирон сифати унга доимий равишда қўлланилиб келинади. “Темурнома” жангномасида ҳам Амир Темур образи ушбу сифат билан биргаликда тасвирланади. Мусулмон халқлари тарихи, адабиёти ва фольклорида Соҳибқирон тушунчаси маълум шахсларгагина қўлланилади. Бунда Соҳибқирон мақомига эга бўлувчи шахс маълум бир даврий халқалар орасида, бир неча сайёралар (хусусан, Зуҳал ва Муштарий)нинг самода бир чизиққа тизилган вақти (қирон)да ҳомила топиши каромат қилинади. Тарихда Искандар Зулқарнайн, пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассаллам ва Амир Темур ҳар саккиз юз йилликда рўй берган қирон даврийлик вақтида дунёга келганлиги таъкидланади. Жумладан, Мусо а.с.га нисбатан ва Исо а.с.нинг рақиби Понтей Пилат ҳам қирон даврида ҳомила топган, деб ривоят қилинади. Барча тарихий ва адабий-тарихий манбалар халқ тасаввурида Соҳибқиронлик мақомининг маълум хоссаларга эга эканлиги ҳақида маълумотлар беради. “Темурнома” жангномасида бу тасаввурлар тизимининг ўзига хос тарзда бадиий талқин олганлигини кузатамиз.

3.1. Соҳибқиронлик тасаввурларининг асосий хусусиятлари ва эволюцион ривожи

“Темурнома” жангномасида соҳибқиронлик тасаввурларининг халқ эпик тафаккуридаги маълум хоссаларини асар таҳлили орқали кўриб ўтамиз.

1. Бўлажак қаҳрамоннинг қирон вақт(маълум бир даврий халқалар орасида бир неча сайёраларнинг самода бир чизиққа тизилган пайт)да туғилиши ва бунинг каромат қилиниши. Халқ орасида ҳар етти кавкаб толеи саратонда жадий буржида маъитда бўлса, қирон бўлиб, шундай вақтда туғилган ўғилнинг толеи баланд бўлиши башорат қилинади. Чунки бу пайтда Тангри таборак ва таоло оламни яратганлиги таъкидланади. Амир Темурнинг тарихда эришган ютуқлари ва амалга оширган буюк ишларига айнан мана шу пайтда туғилганлиги ҳам сабаб қилиб кўрсатилади. Бу жиҳат “Темурнома”да ҳам ўз аксини топган. Жумладан, “*Айтибдурларким, уч ўғил шу соатда туғилди. Аввал Искандар Зулқарнайн ҳазратлари афандимиз, иккинчи Муҳаммад расул акром саллоллоҳу алайҳи васаллам саййидимиз, учинчи Амир Темур Кўрагон хонимиз ва бегимиздур, дерларким, таваллуди Искандардин таваллуди расул алайҳис саломғача саккиз юз йил, таваллуди Муҳаммад алайҳис саломдин таваллуди Амир Темурғача саккиз юз йил. Ҳар саккиз юз йилда кавокиб жадий даражасида бўлгандурлар”*[232]. Демак, мусулмон шарқи мунажжимлари, тарихчилари, уламоларининг фикрига кўра, маълум етти юлдуз (планета) саратон ойида жадий[233] буржида қирон бўлган (самода бир чизиқда тизилган) вақтда туғилган фарзаднинг толеи баланд бўлади. Ҳисоб-китобларга кўра, Искандар Зулқарнайн, пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассаллам ва Амир Темур ҳар саккиз юз йил оралиқда, айни даврда дунёга келган – “танланган” шахслар ҳисобланади.

2. Қаҳрамоннинг туғилиши ҳақида илк Соҳибқирон томонидан каромат қилиниши ва уларнинг белги қолдириши. Бу ҳолат

[232] “Темурнома”. – Б. 49.
[233] Тоғ эчкиси буржи.

“Темурнома”нинг *“Достон: Етти ҳаким етти иқлимдин элчи бўлиб келур Амир Темур Соҳибқирон қатли учун. Анинг баёнида”*[234] боб (достон)ида тасвирланади. Унда ўзини “халифат ул муслиҳиндурман” деб атаган Рум подшоси Елдирим султон Боязид бир куни овга чиқиб, бир тоғ бағридаги ғорни кўриб қолади. Ҳамроҳлари унга бу ғорда Искандар туғилганлиги, амир ва султонларнинг бу ерни зиёрат қилишлари ҳақида маълумот беради. Қайсар ҳам ғорга кириб, зиёрат қилаётганда бир лавҳага кўзи тушади. Лавҳада *“Искандар Зулқарнайн таваллудидин саккиз юз йил ўтгандин кейин Расул акрам саллаллоҳу алайҳи вассалом таваллуд бўлурларидин саккиз юз йилдин кейин шахсе таваллуд бўлгайким, ер юзини ва кун кўзини олғай, салотинларни забун қилғай, бу ёзилган Аристотолис деган ҳакимни хатидур”*[235], деган жумлаларни ўқийди ва атрофдагиларга унда башорат қилинган шахс ўзи эканлигини таъкидлайди. Сўзини тасдиқлатиш учун қўл остидаги ҳакими Абулмуфохирга юзланганда, *“ман ҳикмат китобларида кўрдимким, шу бу йил Мовароуннаҳрда бир ўғул туғулмишдур, они Искандари соний дерлар, Вилояти Рум онинг тахти ихтиёрида булур, Қайсари Рум анга асир булғай”*[236], деган жавобни олади. Демак, асарда илк Соҳибқирон вакилининг маълум давр ўтгандан сўнг туғилажак Соҳибқиронлар ҳақида маълумот берганлиги таъкидланади.

3. Соҳибқироннинг туғилишига рақибларнинг қаршилик қилиши. “Темурнома”да Соҳибқироннинг туғилиши ҳақида муқаддас китоблар ва тарихий манбалар, мунажжимлар тақвимларида хабар қилинади. Шунингдек, рақиблар ҳам бундан турли воситалар орқали хабардор бўлади ва Соҳибқироннинг туғилишига қаршилик қилишади. Хусусан, асарда Тегина бегимнинг кундоши – Тарағай Баҳодирнинг биринчи хотини Йўқун хоним Соҳибқиронга рақиб сифатида тасвирланади. Амир Темурнинг дунёга келиши Йўқун хонимнинг тушида қуйидагича аён бўлади: *“Тегина бегим моҳ*

[234] “Темурнома”. – Б. 49-54.
[235] “Темурнома”. – Б. 50.
[236] “Темурнома”. – Б. 50.

этакидин қуёш тулуъ қилиб, Машриқдин Мағрибга боруб тамом оламни олди. Андин Ҳиндистон сариға майл қилди”[237]. Йўқун хоним кўрган тушини таъбир қилдириш учун қули Мойдунни Самарқанддаги машҳур таъбирчи, Сабулак ота олдига юборади. Сабулак ота бу тушни: “*Тарихнинг етти юз ўттуз бешида бир ўғули Соҳибқирон вужудға келадур. Гумон қилурман, тулуъи Кавкабнинг вақтиға қарағонда яқиндурким, ул ўғул онадин ер юзига туғулур Соҳибқирон бўлуб, етти иқлимни олғай, анинг авлоди саккиз юз йил салтанат сургай”*[238], – дея таъбир қилади. Йўқун хоним Тегина бегимни батнидаги ҳомиласи билан бирга ўлдириш режасини тузади ва буни амалга ошираётганда ғайб эранлари бўлажак Соҳибқирон ҳимоясига келади. Ҳомийлар Тегина бегимни ҳомиласи билан бирга қутқариб, душманни ҳалок этади. Шундай қилиб, асарда Йўқун хоним Соҳибқирон туғилишига қаршилик қилади. Соҳибқирон ҳомийлари сабаб у мақсадига етолмаса-да, Амир Темурнинг отасидан ўн икки ёшига киргунига қадар айро яшашига сабабчи бўлади.

4. Қаҳрамоннинг соҳибқиронлик белгилари билан туғилиши. Асарда етти иқлим султонлари Соҳибқироннинг Моваройуннаҳрда туғилганлигидан хабар топиб, уни йўқ қилиш учун Бухорога ўз ҳакимларини элчи қилиб юборади. Элчилар Бухоро хони Баёнқулихондан мазкур йилда Моваройуннаҳрда туғилган ўғил болаларни тўплашни талаб қилади. *“Сизлар болани қайдин билурсизлар?”* – деган саволига *“эй хоним, сиз ушбу йил тўғулғон ўғул болани бизни назаримиздин ўтқузурсиз, бизлар они қуръа бирла топиб олурмиз”,* – дея жавоб беради. Хон юртга *“ушбу йил туғилган ўғил бўлса, ота-онаси олиб келиб, бир мунча олтин олиб кетаверсин”*, – дея жар солдиради. Элчилар бир ой давомида Бухорода туғилган гўдакларни кўздан кечиради. Бухоро шаҳрида назардан ўтказилмаган чақалоқ қолмагач, атрофдаги шаҳарларни қидиришга тушади. Охири Амир Темур туғилган жой – Занжир Сарага келишади. “*Элчилар ул боланинг нишонин амир Чокуға*

[237] “Темурнома”. – Б. 47.
[238] “Темурнома”. – Б. 48.

айдилар. Амир айди: эртага болаларимизни назарингизга келтурурман. Амир Чоку келиб воқеани хотунларига айди. Тегина бегим моҳ эшитиб билди (Амир Темур туғилгани башоратини эшитиб, уни ўлдиришга келган элчилар Соҳибқиронни сифатлари орқали қидираётган бўлади – И.С.). *“Нишони аломат менинг ўғлумдадур”, деб ҳайрону саросима бўлуб эрди, ярим кечада туш кўрди. Тушида ҳазрат Шайх ул аъламни кўрди. Шайх ул аълам айдилар: “Бухорога келгил, мани қабрим ичида тургул, такяни худой таолога қилиб, яратганга сиғингил. Бу ўғлунга қазои муаллақ юзланибдур”*[239], – дея мазкур вазиятдан қутулиш йўлини кўрсатади.

Демак, “Темурнома”да бўлажак Соҳибқиронни йўқ қилиш учун етти иқлимдан келган рақиблар уни соҳибқиронлик белгилари асосида қидиради. Лекин асарда олти ойлик гўдакдаги соҳибқиронлик белгилари алоҳида тасвирланмасдан, умумий планда айтиб ўтилган.

5. Соҳибқироннинг ота уйида эмас, бегона юртда туғилиши ва тарбия топиши. “Темурнома”да Йўқун хоним (Тарағай Баҳодирнинг биринчи хотини) кундошлик важидан фитна қилиб, Тегина бегим ҳомиласи олти ойлик вақтида уни Тарағай Баҳодир уйидан кетказади. Шу сабабли, бола ўзга элда туғилиб, ўн икки ёшга киргунга қадар Амир Чоку тарбиясини олади. Бу тасвирлар жангноманинг *“Эмди Амир Темур Соҳибқиронни онадин туғулмоқи воқеасини эшитунг”*[240] ва *“Достон: Етти ҳаким етти иқлимдин элчи бўлиб келур Амир Темур Соҳибқирон қатли учун. Анинг баёнида”*[241] номли боб ва фаслларда ўз аксини топган. Бу ўринда боланинг ўз отасидан узоқ жойда дунёга келиши – худди Гўрўғлининг тақдирига ҳамоҳанг тарзда баён этилади. Шунингдек, унинг ўзга юртда, бегона одамлар тарбиясида улғайиши, ўзга халқ ичида ғулом сифатида танилиши – Гўрўғлининг отаси Равшаннинг қул қилиниши мотивига уйғунлик касб этади. Бу ҳолат халқ китоблари, хусусан, “Абу Муслим”да ҳам ўз аксини топган. Қаҳрамон ўз

[239] “Темурнома”. – Б. 52.
[240] “Темурнома”. – Б. 47-49.
[241] “Темурнома”. – Б. 49-54.

юртидан узоқда, ўзга элда Хожа Касир қўлида тарбия топиши, халқнинг уни Хожа Касир ўғли деб ўйлаши[242] ҳам соҳибқиронлик хоссасига мос келади.

6. Рақибларнинг Соҳибқирон туғилганлигидан турли воситалар орқали хабар топиши ва уни йўқ қилишга ҳаракат қилиши. "Темурнома"да Амир Темур туғилиб, олти ойлик бўлгач, *"иқболин қуёши рабъул маскунга таъсир қилиб, ҳар гўшада овозаи ва ҳар шаҳарда ҳангомаи беадад бўлаберди"*[243]. Асарда етти иқлим подшолари Соҳибқироннинг туғилганлигидан турли воситалар орқали хабар топишгани акс этади. Бу воқеалар "Темурнома"нинг *"Достон: Етти ҳаким етти иқлимдин элчи бўлиб келур Амир Темур Соҳибқирон қатли учун. Анинг баёнида"*[244] боб (достон)ида баён этилади. Жумладан, ўша пайтда Рум мамлакати халифаси Елдирим султон Боязиднинг Соҳибқирон туғилганлигидан қай тарзда хабар топганлигини мазкур тизимнинг иккинчи хоссасида кўрсатган эдик. У ғордаги лавҳада келтирилган башоратни англаб, Баёнқулихонга нома ёздиради. Абулмуфохирни элчи сифатида Бухорога юбориб, унга туғилган болани ўлдиришни тайинлайди. Демак, Амир Темурнинг туғилганлиги Рум подшосига ғордаги лавҳадан аён бўлади.

Қаҳрамон туғилганидан сўнг у ҳақида иккинчи бўлиб Боғдод маликаси Дилшод хотун хабар топади. Ўша пайтда Чақимний деган ҳаким Боғдодга келган бўлиб, унда машҳур бир ҳикмат китоби бор эди. Дилшод хотун ҳеч кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган бир қаср қурдириб, у қасрга ҳакимни чақиртиради, аммо ҳаким келмайди. Ҳаким хабарчига малика тезда у қасрдан чиқишини, қасрнинг вайрон бўлажагини айтади. Аммо малика қасрнинг мустаҳкамлигига ишониб, ундан чиқмайди. Ўшал кечаси қаср қулаб тушади. Дилшод хотун вайрона орасидан минг машаққат билан чиқиб, Чақимнийдан бунинг сабабини сўраганда: "*Моваруннаҳрда бу кеча бир ўғул туғилмишдур, ул Соҳибқирон бўлур, қасри*

[242] Қаралсин: Абу Муслим жангномаси. –Тошкент: Ёзувчи, 1992. – Б. 25.
[243] "Темурнома". – Б. 49.
[244] "Темурнома". – Б. 49-54.

толеъимиз анда бунёд бўлғондур. Мезон уйи шамолдур, анинг иқболидин бу қаср йиқилибдур”[245], – дея жавоб беради. Ва вақти келиб Соҳибқироннинг малика юртини эгаллаши ҳақида башорат қилади. Дилшод хотун ҳам Қайсар сингари ҳакимни болани ўлдириш учун Бухорога элчи қилиб юборади.

Қаҳрамон туғилганидан учинчи бўлиб Шоҳ Шужоъ хабар топади. У тушида осмондаги қуёшнинг Мовароуннаҳрга тушганлигини кўради. Бунинг таъбирини ҳакимлардан сўраганда “*Мовароуннаҳрда Соҳибқирон туғулуб, хуруж қилғай”*[246], – дея жавоб олади. У ҳам тушини таъбир қилган ҳакимни ўша мақсадда Бухорога элчи қилиб юборади.

Қаҳрамоннинг туғилганлигини эшитиб, Ҳиндистон, Фаранг, Хитой ва Тотору ўрис подшолари ўз ҳакимларини Бухорога, болани ўлдириш учун элчи қилиб юборади. Асарда уларнинг бундан қандай огоҳ бўлганликлари кенг ёритилмаган. Демак, “Темурнома”да Соҳибқироннинг туғилганлиги ҳақида душман юрт подшолари ўз ҳакимлари (коҳинлари) томонидан хабар топишади. Ва қаҳрамонни йўқ қилиш ҳаракатларини бошлашади. “Темурнома”да Соҳибқироннинг туғилганлиги ҳақида етти мамлакат подшоларининг хабар топиб, уни йўқ қилиш чорасини кўрганлари анъанавий еттилик тизимига уйғун тасвир топаётганини кўрамиз.

Бунда етти мамлакатни етти иқлим сифатида талқин қилсак бўлади. Чунки ер юзининг етти иқлимидаги мавжуд тартибнинг бузилиши натижасида ғайб эранлари томонидан тартиб ўрнатувчи – Соҳибқироннинг танланиши қаҳрамон ҳақидаги халқ тасаввурларининг ҳосиласи ўлароқ юзага чиқади. Асарда бўлажак Соҳибқиронни йўқ қилиш учун етти иқлим ёвуз кучларининг ҳамкорлик қилишини эзгулик ва ёвузлик кучлари ўртасидаги азалий курашнинг бадиий талқини ҳосиласи сифатида баҳолаш мумкин. Шунингдек, анъанавий еттилик усулини мавжуд воқеликни янада муболағавий кўрсатишга хизмат қилувчи бадиий восита сифатида баҳолаш ўринли. Халқ эпосида, хусусан, “Гўрўғлининг туғилиши” достонида биргина

[245] “Темурнома”. – Б. 51.
[246] “Темурнома”. – Б. 51.

Зангар шоҳининг туш кўриши ва Қурандознинг таъбири орқали алпнинг дунёга келиши айтилади, холос. Демакки, халқ китобида маълум ахборотлар талқинида муболағавий талқин этиш ҳолати анъана даражасига чиқишини кузатишимиз мумкин.

7. Соҳибқироннинг туғилиши ва камолга етишида доимий пир ва эранлар назарида бўлиши. “Темурнома”да Соҳибқирон фаолияти бевосита пирлар (эранлар, ҳомийлар) билан боғлиқ ҳолда тасвирланган. Муаллиф жангномада Соҳибқироннинг устозлари ҳақида: “*аввал Амир Темур Соҳибқиронни Шайх ул аълам тарбият қилдилар, иккинчи шайх Шамсиддин Кулол тарбият қилдилар. Учунчи Шайх Ҳасан Бохурзий тарбият қилдилар. Тўртинчи Нақшбанд пирим тарбият қилдилар. Оламдин интиқол қилгунларича тўрт вали тарбият қилур эрдилар*”[247], – дея таъкидлаб ўтади. Жангномада эса Соҳибқирон ҳаётининг маълум даврларида унга ҳомий сифатида Шайх Сайфиддин (Шайх ул аълам), Хожа Баҳо ул Ҳақ вад дин (Баҳовуддин), Шайх Ҳасан Кулол, Қаландар Хожа Камол Хўжандий, Шайх Шамс кулол, Оқсоқол киши (азиз), Қазодин, ғайб эранлари, Мавлоно Саъдиддин, Ҳазрат Саййид ота, Шайх Шукрнинг хонақоҳи олдига келадиган маст қаландар каби пирлар тасвирланади. Лекин “Темурнома”да Соҳибқиронга асосий ҳомий сифатида Шайх Сайфиддин (Шайх ул аълам) ва Хожа Баҳо ул Ҳақ вад дин (Баҳовуддин)га кенг урғу берилади. Асардаги икки пир ва Соҳибқирон муносабатлари билан боғлиқ воқеалар тасвири таҳлили асосида қаҳрамоннинг доимий пир ва эранлар назарида бўлганлигини кўриб чиқамиз:

7.1. Шайх Сайфиддин (Шайх-ул аълам) – Соҳибқирон туғилмасидан вафот этган бўлса-да, Амир Темурнинг дунёга келишини, бунга сабабчи бўлган Тарағай Баҳодир билан Тегина бегимни бир нуқтага келтирган ва Амир Темурнинг она қорнидалигидаёқ душманлар ҳамласидан асраган ҳомий ҳисобланади. Шайх Сайфиддиннинг Амир Темурга ҳомийлик жараёнини икки даврга ажратишимиз мумкин:

[247] “Темурнома”. – Б. 95.

7.1.1. Амир Темур туғилгунча бўлган даврдаги ҳомийлиги. Бунда Тарағай Баҳодирнинг ўғли Соҳибқирон бўлишини илк бора Шайх ул аълам башорат қилади. Бу асарда қуйидагича баён этилган: *“Андин Бухорои шарифга етгач (Тарағай Баҳодир Тегина моҳга уйланмасидан аввал – И.С.), тўғри Шайх ул аъламни олдиларига кириб келди. Шайх ул аъламни кўрди, сўфилар халқасида муроқабада ўлтурурлар, андин кейин Шайх ул аълам бошларини кўтариб, айдилар: «Марҳабо, сафо келдинг, эй Соҳибқирон отаси”*[248]. Шунингдек, туғилажак Соҳибқироннинг онаси Тегина моҳ ҳақида ҳам мана шундай башорат қилади: *“Шайх кўруб (Тегина бегимни – И.С.), табассум қилиб айдилар: “Ул руҳи Қудс эрди, Қаландар суратида бўлуб келиб эрди. Акнун, бу покиза қиздин бир яхши муборак ўғул вужудга келадур”*[249].

Кўплаб қаҳрамонлик, ишқий-романик достонлардаги ошиқнинг маъшуққа етишиши учун маълум шартларни бажаргани каби жангномада ҳам Тарағай Баҳодир Тегина бегимга етишиш учун бир нечта синовлардан ўтади. Жумладан, икки ёшдан туғилажак фарзанднинг руҳонияти пок бўлиши учун унинг отасининг нафси синалади. Тарағай Баҳодирнинг нафс олдида ожизлик қилган пайтида пир кўмакка келади: *“...оқсоқоллиқ киши келиб айди: “На учун олдингга ва кейнингга қарамайсан, ажаб тамошаларга назар қилмайсан, Шайх ул аълам сўзига амал қилиб, маҳрум қайтурсан”, деб васваса қилаберди. Тўрағай баҳодур анда назар қилмоқға майлон бўлди. Ногоҳ Айюбдин сели яъни бир шафалоқ келиб, амир Тўрағай баҳодурни юзиға тегди (Бу Шайх ул аълам каромати эди – И.С.). Қўрқуб Шайх ул аълам саройига юзланди. Ул қари одам ғойиб бўлди”*[250]. Ушбу эранларнинг ғойибона кўрсатмаси туфайли Тарағай Баҳодир шартни бажаради ва бўлажак Соҳибқирон отаси бўлиш бахтига муяссар бўлади.

7.1.2. Амир Темур туғилгандан кейинги жараёнлардаги ҳомийлиги. Бу даврда қаҳрамоннинг ҳаёти учун таҳликали вазият рўй бериши арафасида

[248] “Темурнома”. – Б. 44.
[249] “Темурнома”. – Б. 43.
[250] “Темурнома”. – Б. 45.

пир Соҳибқиронга (ёки унинг гўдаклигидаги қаровчисига, онасига) бу вазиятдан чиқувчи йўлни кўрсатади ё кўмакка келади. Жумладан, "*Тегина бегим моҳ эшитиб билди* (Амир Темур туғилгани башоратини эшитиб, уни ўлдиришга келган элчилар Соҳибқирон сифатлари орқали қидираётган бўлади – И.С.)*. "Нишони аломат менинг ўғлумдадур", деб ҳайрону саросима бўлуб эрди, ярим кечада туш кўрди. Тушида ҳазрат Шайх ул аълмни кўрди. Шайх ул аълам айдилар: "Бухорога келгил, мани қабрим ичида тургул, такяни худой таолога қилиб, яратганга сиғингил. Бу ўғлунға қазои муаллақ юзланибдур"*[251]*,* – дея муаммодан қутулиш йўлини кўрсатади. Шунингдек, айрим вазиятларда пир руҳи ёрдамга келади: "*Элчилар айдилар: бу бачани шул ерда ўлдурурмиз* (Шайх ул аълам қабри ёнида – И.С.). *Анда Тегина бегимга айдилар: "сандуқни бизларға келтур. Санга ишимиз йўқ". Бегим моҳ кўб зори қилиб, келтурмади. Аввал Хуросон элчиси болани олдиға, Мозори шарифга кирди. Тегина бегим моҳ муни кўруб нола қилиб Қутбул Қатобдин истиъонот тилаб, олло таолога зори қилиб айди: "Эй яратган тангрим, мазлумларни додиға етғил, муножотимни қабул этғил", деб йиғлар эрди. Анда элчи сандуқға яқин келиб эрди. Ногоҳ муборак қабр ичкарисидин кўтарган ғойибдин бир қўл чиқиб, ҳакимни бўйниға уруб, калласи олма каби беш қадам нариға юмалануб тушти"*[252]. Шу билан бирга, Шайх Сайфиддин фарзандининг ҳаётлигидан бехабар Тарағай Баҳодирга Амир Темур хабарини етказади: *"Бир кеча тушида Шайх ул аълмни кўрди. Айдилар, «Эй Тўрағай баҳодур, хабаринг йўқ, ўғлунг ўн икки ёшга келубдур, сан бу юртда нима иш қилурсан?"*[253]. Демак, асарда Шайх Сайфиддин[254] Соҳибқироннинг ҳаётга келишига сабабчи бўлган ва унга она вужудидалиги чоғидан олти ойлик гўдаклик вақтигача ҳомийлик қилган пир сифатида тасвирланган. Шунингдек, "*Амир Темурға Соҳибқиронлик лақабини*

[251] "Темурнома". – Б. 52.
[252] "Темурнома". – Б. 52.
[253] "Темурнома". – Б. 54.
[254] Тарихда бу шахс Амир Темурнинг қайнотаси, Тегина бегимнинг отаси бўлган.

Сайфиддин Шайх ул аълам қўйғон”[255]лиги ҳам жангномада алоҳида таъкидланади.

7.2. Хожа Баҳо ул Ҳақ вад дин (Баҳовуддин) – биринчи бор Соҳибқирон амирлар билан Бухородан ов қилгани чиқиб кетаётганда, йўл четида ўйнаётган бир тўда болалар ичидан бир нурли болага нигоҳи тушади. У бола Амир Темурга ўзи ясаган уйни сотиб олишни таклиф қилади. Темур уни бир тиллога сотиб олади. Ўша кун тушида қиёмат бўлиб ётганида фаришталар уни бир уйга олиб киради ва бу уйни боладан сотиб олганлигини айтишади. Эртаси куни Амир Темур бола ёнига келиб, унинг оёғига йиқилади[256]. Асарда мана шу воқеадан бошлаб, Соҳибқирон умрининг охиригача Баҳоуддин Нақшбанд Амир Темурга қуйидаги ҳолатларда ҳомий сифатида тасвирланади:

7.2.1. Кўплаб халқ достонларидаги жанг тасвирларида асар қаҳрамони оғир вазиятга тушиб қолганда (душман томоннинг қўли баланд келганда) пир ёрдамга келади. Асарда қаҳрамоннинг доимий равишда ҳомий назарида бўлиши, керак пайтларда ҳомийнинг Соҳибқиронга ёрдамга келиши, унга руҳий ва жисмоний куч ато этиши тасвирланади. Бу жараёндан қувватланган қаҳрамон душманни қийинчиликсиз маҳв этади.

7.2.2. Пир қаҳрамонга турли кутилмаган табиий фожиа ва иложсизлик ҳолатдалигида Соҳибқирон чорлови билан ёрдамга келади.

7.2.3. Соҳибқирон ҳаёти қил устида турган вақтда пир ёрдамга ўз вакилини юборади. Хусусан, асарда Соҳибқирон Нишопурни фатҳ этиш учун келганда, шаҳар ҳокими қалъадан қочиб кетади. Шаҳарга шайх Саъид Аттор бош бўлиб қолади ва Амир Темурни кўргани келиб, Соҳибқиронга таомга қўшиб заҳар беради. Амир табиблари иложсиз ҳолатда қолганида, ҳомий кўмакка вакил юборади.

7.2.4. Ҳомий туш воситасида оғир вазиятдан чиқиш учун қаҳрамонга йўл-йўриқ кўрсатади. Ва албатта, бу жараёнда қаҳрамон, аввало, пирга ёрдам

[255] “Темурнома”. – Б. 44.
[256] “Темурнома”. – Б. 95.

сўраб мурожаат этади. Асарда Соҳибқирон Истанбулда Рум сипоҳлари қўлида асир бўлган чоғида нолаю зор қилиб, йиғлаб Нақшбанд пирларидан мадад тилайди. Ва *“ул кеча тушида Хожам Баҳовуддин келиб, айдилар: Эй Амир Темур оқсоқ, ҳушёр бўлуб яратганга боқғил, бошинг узра андак машаққат бор, сабр қил. Ул замон уйғониб, кўрсаларким, оёғ-қўллари ешилибдур”*[257]. Шундан сўнг Амир Темур сипоҳларни ўлдириб, йўлида давом этади.

Демак, “Темурнома”да Соҳибқирон ота-онасининг учрашувидан то туғилиб, олти ойлик бўлгунига қадар Шайх Сайфиддин (Шайх ул аълам), ўн икки ёшидан сўнг эса Хожа Баҳо ул Ҳақ вад дин (Баҳоуддин Нақшбанд) ҳимоясида бўлганлиги тасвирланади. Шунингдек, қаҳрамоннинг соҳибқиронлик мақомига эришиши жараёнида ва ҳаётида рўй берган айрим қийин вазиятларда Шайх Ҳасан Кулол, Қаландар Хожа Камол Хўжандий, Шайх Шамс кулол, Оқсоқол киши (азиз), Қазодин, ғайб эранлари, Мавлоно Саъдиддин, Ҳазрат Саййид ота, маст қаландар каби пир ва эранлар кўмакка келади. Асардаги бу тасвирлар эса Амир Темурнинг доимий пир ва эранлар назарида бўлганлигини исботлайди.

8. Бўлажак соҳибқироннинг ғайритабиий хатти-ҳаракатлари. Маълум сир-синоатларнинг намоён бўлиши. Юқорида Соҳибқироннинг танланганлиги ҳақидаги мулоҳазаларни билдирган эдик. Соҳибқирон сифатида танланган қаҳрамон, албатта, тенг-тўшларидан, атрофдагилардан фарқли хислатга эга бўлиши шарт. “Темурнома”да ҳам Соҳибқироннинг ўн икки ёшлигида ўзгача хислатларини намойиш этиши ва халқ томонидан Соҳибқирон сифатида тан олиниши ҳолати тасвирланган. Асарда Соҳибқироннинг кўрсатган қуйидаги тўртта ғайритабиий хислатлари баён қилинади:

1) қирқ киши тортадиган қовғани ўзи тортиши;

2) бир қўли билан тўла аробани кўтариши;

3) аждар бошини тиши билан юлиб олиши;

[257] “Темурнома”. – Б. 317.

4) қўтур уйуз бўлиб, етти йилгача ўзини қашимаганлиги.

Бу хислатларнинг намоён бўлиши “Темурнома”да қуйидагича тасвирланади:

1. Соҳибқирон ўн икки ёшигача Амир Чокудан тарбия олиб, унинг уйида катта бўлади. Амир Чоку барлосда давлатманд ҳисобланиб, кўп мол дунёси ва қирқ қули бор эди. Қирқ қули беҳисоб чорваларга занжирга боғланган катта қовғада қудуқдан сув тортиб берарди. Мирзо Сайфиддин *“бир киши бўлса, қудуқдан ёлғиз ўзи шу қовғада сув олса?!”* – деганда Амир Темурнинг ғайрати келиб, қудуқдаги занжирни ушлаб тортади. Ёлғиз ўзи қудуқдан қовғада бир неча бор сув олиб, одамларга беради, сўнгра охурга қуяди. Мирзо Сайфиддин эса унинг куч-қудратига тан бериб: *“Эй қариндош, мени ўзингга вазир қилгайсан”*, – дейди. Амир Темур: *“Мен подшоҳ эмасман, сени вазир қилсам”* деганда *“Ният қилган эрдим, агар қариндошим қудуқдан қовғани тортиб олса, подшоҳ бўлади деб, ниятим амалга ошди”*, – дейди. Амир Темур: *“мен подшоҳ бўлсам, сени вазир қиламан”*, – деб аҳд қилади.

2. Амир Темур ёшлигида болалар билан ўйнаб юрганида ўзи амир бўлиб, бошқа болаларни вазир, навкар қиларди. Бир куни кимдир унга *“Або Муслим қассобни сихлик қанорасин бир бармоғи-ла отиб юборибдур, китобда кўрдум”*, – деганда, бу ишни ўзи ҳам бажара олишини айтади. Шу пайт қассоб қанорасини келтирадилар, Соҳибқирон уни бир бармоқ билан отиб юборади. Сўнгра яна бир жойда юк билан тўла аравани кўтаради. Бу воқеани эшитиб, ҳайрон бўлган Амир Чоку *“бу ўғул магар Жаҳонгирдур”*, – дея унга таҳсин ўқийди.

3. Тарағай Баҳодир ўғлини қидириб, Занжир Сара мавзеъидаги қудуқ ёнига келганда, Амир Темур қирқ қовға сувни қудуқдан тортиб олиб, чарчаб уйқуга кетган эди. Шу пайт бир аждар-илон келиб Амир Темурнинг кўкрагига чиқиб, чақмоқчи бўлади. Буни кўрган Тарағай Баҳодир нима қилишини билмай турганида Амир Темур кўзини очиб,

кўксидаги аждар-илоннинг бошини тишлаб, юлиб олади. Ўз ўғлини танимаган Тарағай Баҳодир унинг ботирлигига тан беради.

4. Асарда тўртинчи ҳолат муфассал баён этилмайди. Фақатгина Амир Темур ёшлигида қўтур уйуз бўлуб, етти йилгача ўзини қашламаганлиги таъкидланади. Бу ҳам юқоридаги уч қаҳрамонликлари сингари баҳоланади.

Демак, асарда баён этилган юқоридаги тўрт ҳолат қаҳрамоннинг ўз соҳибқиронлик сифатларини амалда намойиш этиши ва одамлар томонидан тан олиниши жараёнини кўрсатиб берган.

9. Қаҳрамоннинг дунёга келиши хусусидаги белгиларнинг намоён бўлиши, унинг ғайб эранлар томонидан танланиши ва ўз маконларида синовдан ўтказиб, Соҳибқирон мақомини бериши. “Темурнома”да бу ҳолат *“Аввалги достон. Ҳазрат Амир Темур Соҳибқиронни оналаридин туғулмоқлиқлари баёни”* боб (достон)ида ўз аксини топган. Жумладан, бу боб (достон)да Тегина бегим таърифини Садр аш шаъриат[258] Тарағай Баҳодирга унинг чўпони орқали туш воситасида билдиради: *“(Тарағай Баҳодир – И.С.) Шаҳрисабзда ов қилиб юрур эрди. Бир кийик келиб қўйлар рамасиға ўтти. Ногоҳ қўйларни кўрса, ҳар тарафга қочиб, ҳуркуб юрур. Қўйларни ичида бир қашқир турур. Филҳол, бўрини ўқ бирла урди. Қўйчини уйқудин тургузуб, зажр қилди. Қуйчи айди: “мендин коҳимагил, сенинг сабабингни тушумда кўруб эрдим” Тўрағай баҳодур айди: “Нима кўрдунг?” Чўпон айди: “яшил кийимлик киши келиб нидо қилдики, Тўрағайа айтғил, Шайх ул аълам қошлариға борсун, Садр аш шаъриатнинг қизларини олсун, мундин бир Соҳибқирон ўғул пайдо бўлур”*[259]. Тегина бегимнинг Соҳибқиронни дунёга келтириши эса асарда қуйидагича башорат қилинади: *“Бухорои шарифда Садр аш шаъриат соҳиби шарҳи вуқойи ўшул асрнинг муллоси эрдилар. Бир кун дарс айтиб ўлтуруб эрдилар бир қаландар келди. Айди: “Тегина бегим моҳ деган қизни куёвға беринг, андин бир ўғул*

[258] Бу шайх тарихда Амир Темурга она томондан бобо ҳисобланиб, “Темурнома”да бу образга халқ достонларидаги пир ва эранлар зиммасидаги вазифа юклатилган.
[259] “Темурнома”. – Б. 43-44.

туғуладур, ани жаҳонгир ва Соҳибқирон дерлар”. “Эй девонаи телба, қайдин бўлурсан”, дедилар. Қаландар айди: “Асрори ғойибни билурман”[260]. Шу тариқа Амир Темур ҳали туғилмасдан, ота-онасининг тўйидан аввал “жаҳонгир ва соҳибқирон” дея ғайб олами вакиллари томонидан танланган шахс сифатида башорат қилинади. Бу ҳолат “Абу Муслим жангномси”да ҳам ўз аксини топган бўлиб, унда Абу Муслимнинг отаси Саййид Асадга қарз берган кишилар Саййидни тополмай хотинини олиб кетмоқчи бўлганларида Ҳалимабону улардан қочади: *“Халимабону зор-зор йиғлаб, бул сагларни олдиға тушуб равон бўлдилар. Баногоҳ йўлда бир қасри олийни кўрдилар. Ҳалимабону ул қасрға қочиб кирдилар. Ичкари кириб кўрдиларки, бир Хожа ўлтирибдур, нури илоҳий юзидин зоҳир бўлуб туродур, маҳосини сафид. Анда Хожани кўзлари Ҳалимабонуға тушуб билдиларки, соҳибқирони ҳафтоду дуввум шул хотундан дунёға келодур. Чароки, Хожа илми нужумға бисёр доно ва моҳир эрдилар. Бу кишини отларини Хожа Касири Музаффармусо Аъроби дер эрдилар, муҳибби хонадон эрдилар, назди Шоҳижаҳонға раис эрдилар”*[261]. Хожа Касири Музаффар Саййид қарзларини тўлаб, Ҳалимабонуни озод қилиб олади. Шунингдек, Абу Муслимнинг отаси ишлаб қарзларини тўлаш учун Исфаҳонга борганда подшоҳ вазири, илми нужум устаси Қайс Омир: *“Саййид Асадни кўрди, соҳиби хуружи ҳафтоду дуввум шул Саййидни пушти камаридин зуҳур қилодур*”[262], – дея башорат қилади. Демак, халқ китобларида туғилажак Соҳибқирон аломатлари ҳомила топмасдан бурун ота-онасида зуҳур бўлади. Ва булар юқоридаги каби турли воситалар орқали тасвирланади.

“Темурнома”да қаҳрамоннинг танланганлиги ҳақидаги тасвирларни қуйидаги кетма-кетликда кўрсатсак, соҳибқиронлик тасаввурлари янада ойдинлашади:

9.1. Амир Темур туғилмасидан аввал, Тарағай Баҳодир Тегина бегим умидида Бухорога келганда, Шайх ул аълам Баҳодирни эранлар ҳузурига

[260] “Темурнома”. – Б. 43.
[261] Абу Муслим жангномаси. – Тошкент: Ёзувчи, 1992. – Б. 16.
[262] Абу Муслим жангномаси. – Тошкент: Ёзувчи, 1992. – Б. 18.

юборади. Ва унга: *“борғил, шаҳрдин ташқари мозори Файз Осор ҳазрат Айюб бордур, яна хонақоҳ бор. Анинг олдида булоғ бор (ул мозорни Абдулазизхон ибн Абдуллахон шаҳр қўрғони ичра олиб эрди). Аммо хонақоҳ эшиги берк бўлса, зинҳор очмағил, булоғ ёқасида ўлтирғил, нима эшитсанг сукут қил. Андин кейин сўфилардин бири сани олдинға оёғ илгида, ўроғлиғ бир нимарса келтурур. Ул таом мубоҳот жумласидин бўлса, санга худой таоло бир ўғул берур, шариати Нубуввийда мустақим бўлур, агар маҳрамот жумласидин бўлуб, бола туғулса, фисқ фужурдин ўзга иш қилмағай”*[263], – дея йўл кўрсатади. Тарағай Баҳодир Шайх ул аъламнинг кўрсатмаларига тўлиқ амал қилиб, қудуқ ёқасида ўтирганида: *“Ногоҳ хонақоҳ эшиги очилиб, яшил кийумлик сўфи дасхурхон ила оёғ илгида келтуруб амир тўрағай баҳодур олдига қўйди. Баҳодур таваҳҳумда бўлуб, «бу таом маҳрамотдинму ё мубоҳотдинму, қандай бўлғай”, деб ёпуқин очиб кўрдиким, тўла сут турур.*

Ўшал сутни ҳаммасин тановвул қилди. Хатни сўфини қўлиға берди. Ўзи бир тарафга жўнаб кетти. Орқасидин «Оллоҳи акбар» деб овоз келди. Тўрағай баҳодурни тамоми аъзосиға ларза тушти”[264].

Демак, Соҳибқиронлар реал тарихий шахс бўлганлиги сабабли, уларга ҳомийлик қилувчи пир ва эранлар ҳам тарихий шахслар ёки жамиятда маълум бир рутбага эга инсонлар тимсолида гавдалантирилади. “Темурнома”да Соҳибқирон туғилмасдан олдин унинг отасига рижол ул ғайблар томонидан илоҳий сут (халқ достонларида муқаддас сув ёки антаҳур шароби билан туғилажак боланинг руҳини тоблаб, алп сифатида тарбият қилганлари каби) берилиши Соҳибқирон отаси ҳам танланган хос кишилар сафига киритилади.

9.2. Амир Темурнинг Рижол ул ғайб ҳузурига бориши ва Соҳибқирон сифатида танланиши жангноманинг *“Эмди келдук бу мақолаға: аҳволи Соҳибқиронға”*[265] фаслида баён қилинади. Хусусан, унда Амир Темурнинг пири Шайх Кулол уни Рижол ул Ғойиб (ғайб эранлари) ҳузурига олиб

[263] “Темурнома”. – Б. 44.
[264] “Темурнома”. – Б. 45.
[265] “Темурнома”. – Б. 56-60.

боради. У ерда Соҳибқирон сифатида танланиш учун яна икки йигитни ҳам келтиришади. Қутб ва ғайб уларни синов қилади. Сўнгги синов – танлашни ноғора (борабан) амалга оширади. Бу асарда қуйидагича баён этилади: *“Ровий айтур, ўшал мақомиким рижол ул ғойиб эрдилар, маълум эмас эрдиким, қайси ердур. Ахир, Қутб айдилар: «бу учовларинг амирлик давосин қилурсиз. Бу хонақоҳ томи узра давлат нақораси бор, яъни боробони бордур, ҳар қайсиларинг чалиб кўрунглар, кимга овоз ва садо берадур». Андин кейин уч тўра хонақоҳ томи узра чиқтилар. Аввал Яман бекбачаси чалгач, садо чиқти, андин кейин султон Муҳаммад чалди, овоз бермади. Андин кейин Амир Темур чалиб эрди, овози дилнавоз ун ва садо чиқа бердиким: «давлат, давлат Амир Темурий» деб. Таворихларда келтурубдурларким, ўшал кун рубъи маскун овозаи давлати Амир Темурий барча олам қулоқига етиб эрди”*[266]. Шу тариқа эранлар томонидан Амир Темурга соҳибқиронлик мақоми берилади ва у ғайб эранлари маконидан етти иқлим амири сифатида қайтади.

10. Маълум эран ёки пайғамбар томонидан Соҳибқирон дунёга келиши муддатининг башорат қилиниши, унга тегишли туҳфанинг сирли равишда сақланиши, қўриқланиши. Бу воқеа “Темурнома”нинг *“Бу достонда Мирзо Жаҳонгир Тўра ибн Амир Темур Балх юртиға бориб, Бароқхон номеҳрибон тоғасини қўлида шаҳодат топгани. Амир Темур Соҳибқирон бориб, Бароқхонни ўлдуруб, андин кейин Ҳиндистонни мусаххара қилғонини баёни”*[267] боб (достон)ида баён этилган. Хусусан, Бароқхон Жаҳонгир тўрани ўлдиргач, Соҳибқирон Балхга бориб, Бароқхоннинг қўшинларини тор-мор қилади ва уни ўлдиради. Шундан сўнг Ҳиндистон сари юзланади. Йўлда кетаётганда қўшин олдида баланд тоғ кўринади. Ундан ўтиш учун биргина сўқмоқ бўлиб, Амир Темур йўл хавфсизлигини текшириш учун у ерга одам юборади. Одамлари қайтиб келиб, шундай дейди:*“Эй тақсир афандим, бу тоғни орқасида бир ғор кўрдук, анда тўрт*

[266] “Темурнома”. – Б. 59.
[267] “Темурнома”. – Б. 154-164.

мўлтони соҳир ўлтурур, мундин бошқа йўл йўқтур, агар муни олдидин ўтса ғордин ели чиқуб, барчани ҳалок қилур, ҳеч кимда ҳад йўққим, бошқа йўл топиб ўтса"[268]. Амир Темур ҳакимлари билан келишиб турли тадбирлар қилади, лекин юборган одамларини ғордан чиққан иссиқ ҳаво ҳалок этаверади. Ғор оғзидан бир чуқур ковлаб, унга тўлдириб сут қуйишади ва заҳар солишади. Ғордан *"ит ва арслон сувратлик аждарҳолар"* чиқиб, сутни ичади ва беҳол бўлиб йиқилишади. Улардан кейин бир бўйи чинордек, йўғонлиги минордек, икки кўзи машъалдек ёниб, ранги қора, нафасининг заҳри оламни хароб қиладиган бир аждарҳо чиқиб, сутни ичади ва қайтариб қусади. Унинг бўйнида ниҳоятда чиройли, боши қизил, қуйруғи яшилга ўхшаш, орқаси билан қорни оқ бир илон бор эди. У барча аждарҳо ва илонларнинг султони бўлади. У Соҳибқиронга салом бериб: *"эй Амир Темур Соҳибқирон афандим, ман илонларни подшоҳи бўлурман, Сулаймон пайғамбар алайҳис саломни замонларидин бери бул ғор ичра макон қилиб эрдим. Ҳазрат Сулаймон пайғамбар алайҳис салом манга айтиб эрдиларки, Муҳаммад пайғамбари охир замон уммматларидин, анинг авлодидин қизи Сайидадин тўғулғон бир Соҳибқирон бу ерга келур, бул ғорда қанча олтун бор, сизнинг насибангиздур олинг, деди. ...Андин кейин ул илон барча аждаҳоларни бошлаб, тоғ узра чиқуб кетти"*[269]. Шу тариқа асарда пайғамбар томонидан Соҳибқироннинг туғилиши ва ўша ғорга келиб, насибаси бўлган олтинларни олиши башорат қилинган. Мазмун, моҳиятига кўра, сеҳрли эртакларга хос услубга эга бу тасвир усули "Темурнома"нинг бошқа ўринлари ва воқеалар тасвирида ҳам кенг учрайди. Бу ҳолатни "Або Муслим жангномаси"да ҳам кўришимиз мумкин. Унда тасвирланишича, Або Муслим халққа кулфат келтираётган бабрни ўлдириш учун тоққа кетаётганида, бир ғордан: *"Ё Абу Муслим, бул тарафға келги, ман санго интизордурман"*[270], – деб чорлайди. Або Муслим ғорга кирганида бир бузрукворни кўради, бузруквор туриб уни қувонч билан қарши олади ва: *"Эй*

[268] "Темурнома". – Б. 159.
[269] "Темурнома". – Б. 159.
[270] "Абу Муслим". – Б. 45.

фарзанд, ўшал замоники, Саййид ул-мурсалим ва Ҳотам ун-наббийин табиб иллати гуноҳ ва шафоат хоҳий рўзи жазо, яъни, нома шарифлари ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи вассаллам Уҳуд жангиға бордилар, у жангда "ё Абу Муслимо, ё Абу Муслимо", деб уч маротаба чақирдилар. Ман айдимки, ё расулаллоҳ, қайси Абу Муслимни айтурсиз? Ҳазрати рисолат паноҳ айдиларуки, ул Абу Муслим фарзандим Имом Ҳусайн шаҳид бўлғондан кейин аносидин таваллуд қилиб вужудга келур, фарзандимни хунини хаворижлардан талаб қилиб олур. Ул соҳиби хуружи ҳафтоду дуввумдур, ул Абу Муслимни ёд қилурман. Ман орзу қилдимку, ё расулиллоҳ, ул соҳиби хуружни дийдорини кўрсам деб.

Анда Онҳазрат саллаллайҳи алайҳи вассаллам бир хурмони муборак қўлларига олиб, манго бериб айдиларки, эй Шайх Ҳасани Ажами, бу хурмони олиб, бешаи Кашфиҳанга бориб, анда истиқомат қилғил. Ул соҳиби хуружни жамолини анда кўрарсан, дедилар. Ул замондан то бул замонғача беша ичра ватан қилиб, сизга интизор эрдим. Алҳамдилуллоҳки, эмди сизни дийдорингизға мушараф бўлдум"[271], – дейди ва омонат (туҳфа)ни Амирга беради. Амир уни еб *"дарёи илм Амирни муборак сийналарида мавж урди. Бир соат масту беҳуд бўлиб"* ҳушини йўқотади.

Демак, "Темурнома" жангномасидаги каби "Абу Муслим жангномаси"да ҳам маълум эран ёки пайғамбарнинг Соҳибқирон дунёга келиши муддатини башорат қилиши, унга тегишли туҳфанинг сирли равишда сақлаши тасвирларининг мавжудлиги халқлар эпик тафаккуридаги соҳибқиронлик тасаввурларининг яхлит қолипда шаклланганлигини кўрсатади.

11. Қаҳрамоннинг Соҳибқирон сифатида фаолиятини бошлаши ва доимий ҳомий-эранлар билан ҳамкорлик қилиши. Қаҳрамоннинг Соҳибқирон сифатида фаолияти танлангандан сўнг бошланади. Унинг ер юзида бажарадиган вазифаси ва тақдири эса асарнинг "*Эмди келдук бу*

[271] "Абу Муслим". – Б. 45-46.

мақолаға: аҳволи Соҳибқиронға”[272] фаслида баён қилинади. Қутб олдида борабан Амир Темурни Соҳибқирон сифатида танлагач, *“Ногоҳ бир тарафдин боғи кўрунуб, андин бир неча ғуломлари азрақ сурат келиб, борабон чолғучини талаб қилдилар. Ул ики йигит Соҳибқирондин рад қилди. Амир Темур беибо бораберди. Соҳибқиронни қасрига келтурдилар. Етти дарвоза қуфллиқ, ҳар қуфлини очиб барчадин ичкари кирсаким, афақ этаги тўла қон, мисли дийдаи ошиқон, гулгун тан, яъни эркак одамларни танаси мармар тошидин қонлари қуруб, бир курси тарошланган, атрофида яна эркак одамлар каллалари терилгандур. Аксар ушбу каби тошларни Соҳибқирон кўб кўрди. Улуслари ул вақт қолмабдурлар. Бир қизил парда, ўшал уй ўртасига торттилар, муваккиллар айдилар: «ўшал кишиким подшоҳлиқ даъвосин шул ўриндин ўткузилгай, деб, сандалига ўлтургил» деди. Амир ўлтурди, ўзини хонақоҳда кўрди. Яна Қутб олдида турар эдилар: «Муборак бўлсун етти иқлимға амирлиғ. Агар ўз ўғлунг ёзуқлу бўлса ўлдурмоққа таваққуф қилмайсан. Бу мисолдур, ўшал табали давлатдур. Ўшул уйким, Зол дунё эрди, кўрдинг минг-минг эрларни бошларин ебдур. Ўшал муваккиллар асбоби подшоҳлигингга керак эрди, буларни барчаси тимсолдур”*[273], – дея қаҳрамонни ғайбда подшоҳ сифатида тайинлашади ва унга ҳукмдорлик илмидан сабоқ беришади. Асарда бу воқеани муаллиф шеърий мисралар билан янада аниқроқ тасвирлаб беради:

“*Қутбдин топди назар Соҳибқирон.*
Анинг учун бўлдиким шоҳи жаҳон.
Ёши ўн иккидин ўтуб ул писар,
Ғойиб эронлар этиб анга назар.
Неча санъатни кўруб, бориб келуб,
Нечасини эшитиб, англаб билуб,
Минди давлат маркабиға ул сабий,

[272] “Темурнома”. – Б. 56-60.
[273] “Темурнома”. – Б. 59-60.

Шуҳрати топтиким Искандар каби”[274].

Демак, асарда қаҳрамоннинг Соҳибқирон сифатида танланганлиги, ўзининг ер юзида бажарадиган вазифалари, бурчи ва тақдирини ғайб эранларидан уларнинг ҳузурида билганлиги келтирилган.

12. Қаҳрамоннинг маънавий ва жисмоний рақибларига эга бўлиши, курашда улардан ғолиб келиши. “Темурнома” жангномасидаги воқеалар ривожида жанг саҳналари етакчилик қилгани боис, қаҳрамоннинг ўз ғайриқутби, душман ва рақибларининг бўлмаслиги мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан асарда Соҳибқироннинг ғайриқутби, душман ва рақибиларини икки гуруҳга ажратамиз:

12.1. Маънавий рақиб. Асарнинг “*Бу достонда Мукно Расуллиқ даъвосин қилмоқин баёни”* ҳамда *“Бу достонда Амир Соҳибқироннинг Бурҳониддин соҳиб ҳидоятга келмоқи, ул кишини муноқашаларини баёни”*[275] боб (достон)ларида Амир Темурнинг асосий ғоявий рақиби Носир Хисрав билан боғлиқ воқеалар тасвирланган. Бунда Носир Хисрав пайғамбарлик даъво қилиб, халққа ўзининг диний қарашларини сохта ваҳий билан кўрсатиб, кўплаб оломонни ўз ортидан эргаштиради. Ҳолат шу даражага етадики, ўз тарафдорларидан иборат қўшин йиғиб, Баёнқулихонга қарши майдонга чиқади. Бу жангда ўн тўрт ёшли Амир Темур қаҳрамонлик кўрсатади. Носир Хисрав Амир Темур ва отасини ўз динига мажбурлаб ўтказишга ҳаракат қилади. Амир Темур Носир Хисрав билан баҳслашиш учун Самарқанддан ислом дини пешвоси Бурҳониддин соҳибни олиб келади. Бурҳониддин соҳиб баҳсда Носир Хисравни енгади. Амир Темур эса сохта ваҳий сири (Мукнонинг чинор тагига кириб у ердан овоз бериши)ни ҳам очиб, Носир Хисравни жисман йўқ қилади.

Асарда иккинчи ғоявий рақиб сифатида Носир Хисравнинг ўғли Мансур майдонга келади. Бу “Темурнома”нинг *“Бу достонда Носир Хисравни ўғли Мансур исмлик Қошғар ичра пайғамбарлик даъвосини қилуб,*

[274] “Темурнома”. – Б. 60.
[275] “Темурнома”. – Б. 60-72.

Мирзо Жаҳонгир ибн Амир Темур онинг бирла жанг қилғонини баёни”[276] боб (достон)ида баён қилинади. Носир Хисрав ўлдирилганда, унинг ўғли Мансур Ҳиндистонга қочиб боради ва Кашмир браҳманларидан сеҳр илмини ўрганади. Сўнгра Кошғарга келиб, халқ орасида ўзини пайғамбар, Амир Темурни Дажжол деб тарғиб қила бошлайди. Кўп одамлар унинг кўрсатган сирларидан ҳайратда қолиб, унга иймон келтиришади. Амир Темур мухолифлар ҳаракатидан хавотир олиб, Кошғарга ўғли Жаҳонгир Мирзони юборади. Жаҳонгир Мирзо унга бу йўлдан қайтишни буюради, у эса ўз динига чақиради. Жангда Мансур енгилади, аммо Жаҳонгир Мирзо ҳар қанча уринса ҳам уни ўлдира олмайди. Мансурнинг сирини унинг қизи Қойликдан билиб, ўлдиради. Демак, “Темурнома”да Соҳибқиронга Носир Хисрав ва унинг ўғли ғоявий рақиб сифатида тасвирланади. Носир Хисравни Амир Темур маҳв этган бўлса, унинг ўғли Мансурни Жаҳонгир Мирзо йўқ қилади.

Шунингдек, асарда ҳаким Низорий Соҳибқиронга учинчи ғоявий рақиб сифатида тасвирланади. Бу “Темурнома”нинг “*Бу достонда ҳаким Низорий, Кўҳистонда даъвати таносухий қилғони, Амир Темур Соҳибқирон ани эшитуб борғонларини баёни”*[277] боб (достон)ида берилган бўлиб, унда Кўҳистонда Ҳаким Нисорий деган одам яширин тарзда пайғамбарликка даъво қилади. Нисорий “инсон қайта-қайта туғилади, мен етмиш марта қайта туғилганман” – деган ғояни илгари суради. У ўзига анча тарафдорлар йиғади ва улар билан Амир Темур ўртасида жанг бўлади. Соҳибқирон уларни маҳв этади.

Соҳибқироннинг тўртинчи ғоявий рақиби Салосил каззоб бўлиб, у билан боғлиқ воқеалар асарнинг “*Бу достонда Амир Темур Соҳибқирон Бағдод шарифға мутаважжиҳ бўлуб, фатҳ айлаб, Шом шарифғача борғонларини баёни”*[278] боб (достон)ида тасвирланган. Шомнинг шоҳи Муовияйи соний ўзини Исо а.с. деб юрган Салосил каззобга ихлос қилади. У Қоф тоғи орқасидаги девлар, парилар билан юриб, улардан кўп сеҳр-

[276] “Темурнома”. – Б. 151-154.
[277] “Темурнома”. – Б. 259-267.
[278] “Темурнома”. – Б. 269-273.

жодуларни, илми жафарни ўрганади. Шомга келиб: *“мен Исо руҳолло бўлурман, осмондин Олло таоло мени бу ерга индурди, Амир Темурни Дажжол деди, ул хуруж қилиб, Бағдодни олиб, бу ерга келур. Мен ани ушбу найза бирла улдурурман”*[279], – дейди. Бағдод шоҳи Муовияи соний ҳам унга ихлос қилиб, маслагидан чиқмайди. Халқ ҳам Салосил каззобга ишониб, Амир Темурга қарши чиқади. Амир Темур жангда уларни тор-мор келтиради ва пайғамбаримиз қабрларини зиёрат қилиб қайтади.

Умуман олганда, асарда Амир Темурнинг асосий маънавий рақиблари ўзларини пайғамбар, Амир Темурни эса Дажжол дея эълон қилишади. Ёлғон даъвосига ишонтирилган оломон воситасида ҳукмронликка интилади. Асарда тасвирланган бу воқеаларни Соҳибқироннинг халқ орасида нафақат мазлумлар, балки дин ҳимоячиси сифатида улуғланишининг бадиий талқини сифатида баҳолашимиз мумкин.

12.2. Жисмоний рақиб. “Темурнома”да Амир Темурнинг маълум худудларни эгаллаши, жанг майдонларида рақиблар билан олиб борган кураши кенг ёритилган. Хусусан, асарда Бароқхон, Дўнбой баҳодур, Амир Ҳожибек, Оқтемурхон, Шоҳ Мансур, Жаён Чашм, Тўқтемурхон, Тўқтемур аскари Зафарбек, Шоҳ Шужоъ, Муслимбек, Золотус, Оқшайх, Қутулмишбек, Елдирим Боязид, Султон Аҳмад, Ҳалил ота каби образлар Соҳибқирон билан жанг майдонларида юзма-юз келади. Бу жараёнда эса Соҳибқироннинг мардлиги, моҳир саркарда ва енгилмас жангчи сифатидаги қиёфаси яққол намоён бўлади.

13. Соҳибқироннинг ер юзининг тўрт томони (Шимол, Жануб, Шарқ, Ғарб), осмон ва ер ости билан жисмоний-руҳий алоқа ўрнатиши. Соҳибқиронлик тасаввурларининг асосий хоссаси – бу қаҳрамоннинг ер юзининг тўрт томони, осмон ва ер ости билан жисмоний-руҳий алоқа боғлашидир. “Темурнома”да бу хосса талқинига кенг ўрин берилган бўлиб, ер юзининг Ғарб, Жануб томонлари ва осмон билан Соҳибқироннинг ўзи, Шимол ва ер ости билан ўғли Шоҳрур Мирзо, Шарқ билан эса набираси

[279] “Темурнома”. – Б. 271.

Муҳаммад Мирзо воситасида алоқа ўрнатади. Бу воқеалар асарда қуйидагича тасвирланган:

13.1. Амир Темурнинг Жанубни фатҳ этиши асарнинг *“Бу достонда Мирзо Жаҳонгир Тўра ибн Амир Темур Балх юртиға бориб, Бароқхон номеҳрибон тоғасини қўлида шаҳодат топгани. Амир Темур Соҳибқирон бориб, Бароқхонни ўлдуруб, андин кейин Ҳиндистонни мусаххара қилғонини баёни”*[280] боб (достон)ида тасвирланган. Хусусан, асарда Ҳиндистон жанубдаги энг сўнгги мамлакат сифатида тасвирланган бўлиб, Амир Темур бу ўлкани Баҳоуддин Нақшбанд пири кўмагида фатҳ этади, яъни жануб сарҳадларигача етиб боради.

13.2. “Темурнома”да Шарққа Амир Темурнинг набираси Султон Муҳаммад боради. Бу асарнинг *“Бу достонда Мирзо Султон Муҳаммад тўра ибн Мирзо Жаҳонгир тўра ибн Амир Темурнинг хуружи, аввал хитойнинг юртиға бориб, андин кейин Яъжуж-Маъжуж саддини ва Дажжолни, ажойиб-ғаройибларни кўруб келғонини баёни”*[281] боб (достон)ида келтирилган. Мирзо Жаҳонгир Носир Хисравни ўлдириб, унинг Қойлиқ исмли қизига уйланган ва оғзининг ҳиди ёмонлигидан уни сандиққа солиб, дарёга оқизган эди. Уни денгизда бир пир Қалмоқ қутқариб олади. Қойлиқ вақти-соати етиб бир ўғил туғади. Унинг исмини Султон Муҳаммад қўяди. Шуниси аҳамиятлики, Султон Муҳаммад ҳам Амир Темур сингари отасидан айро яшаб, ўзгалар қўлида тарбия топади. Пир Қалмоқ уни тарбиялайди. У Хитойга, Хитойдан Жапон (Япония)га боради. Яъжуж-Маъжужлар билан суҳбатлашади. Қайтишда Дажжол қамалган ғорга кириб, у билан савол-жавоб қилади. Сўнгра ота уйига – Соҳибқирон ҳузурига қайтади.

13.3-4. “Темурнома”да Амир Темур Шоҳрух тўра воситасида ер ости ва Шимол билан жисмоний-руҳий алоқа ўрнатади. Бу асарнинг **“***Бу достонда Мирзо Шоҳруҳ тўра ибн Амир Темур Дашти Қипчоқға бориб, Тўхтамишхонни орқасидин қувлаб, Тўхтамишхонни қатл*

[280] “Темурнома”. – Б. 154-164.
[281] “Темурнома”. – Б. 211-221.

қилғонини баёни” боб (достон)ининг *“Эмди сўзни Мирзо Шоҳруҳ тўрадин эшитмак керак”*[282] фаслида келтирилади. Хусусан, Шоҳрух тўра шафақни ва унинг ғойиб бўлишини кўриш учун Шимолга боришда қийинчиликларга учрайди, кўплаб саргузаштларни бошидан кечиради. Кечаси совуқдан азоб чекиб кетаётганда узоқда ер остида таралаётган ёруғлик нурини кўриб, ўша томонга боради ва бир эшикни кўради. Тўра эшикни тақиллатганда *“Биров келуб эшикни очти, тўра киргоч, яна беркитти. Кўрсаким, ерни остида қават-қават уйларни тартиб бергондур, гуё бир шаҳр қилубдур, уйларини ҳар қаеридин ҳавога тешук қўғон эрди. Аларни таъмаси тева ва йилқи, қўй ва сигирни сути эрди, кийумлари жундин чакмон эрди. Тўрани подшоҳларини олдига олиб бордилар. Подшоҳини эгни ҳам чакмон эрди, тўра сўрди: «Сизлар қандай одамсизлар?» Алар айди: «Бизлар ҳам ўрусга тобеъдурмиз». Алар айди: «Бизни юртимиз барча юртдин яхшироқдур, мундин илгари шаҳр йўктур, бизлар қуёшга қарармиз, жавза даражасига келғонда ер юзига чикармиз, уч ойдин кейин куёш сунбула даражасига келғонда яна бу ер ичра кирурмиз”*[283], – дея ҳолатини баён қилишади. Шу тариқа ер ости дунёси аҳолиси билан ҳам хайрлашиб, шимол томонга йўл олади. Йўлда Мусо пайғамбардан дуо олганлиги сабабли, бир соатда Мағрибдин Машриққа бора оладиган, элида хиёнатчи ва ўғри йўқлиги сабабли уйларининг эшиги бўлмаган қавмга тўқнаш келади. Уларга шафақнинг ғойиб бўлмишини кўриш истагида келганлигини айтгач, улардан қуйидагиларни эшитади: “*бизлар ул жазирага кўб борурмиз, анинг сабаби булким, фалак оғир шифи тегирмон тоши каби доим айланур, шимол тарафи баланд ва жануб тарафи паст турур. Шимол тарафидаги Қоф тоғи фалакға муттазил бўлур. Қуёш паст тушгач, тоғни орқаси қоронғуга мубаддил бўлур. Ёз фаслида қуёш тоғни орқасига ўтса ҳам равшанлигини асари кетмагай. Шул сабабдин, Бўлғор шаҳрида кечаси бир соат булур”*[284]. Шоҳруҳ тўра уларнинг ёрдами билан Шимолда жазираларни кўради.

[282] “Темурнома”. – Б. 228-236.
[283] “Темурнома”. – Б. 23.
[284] “Темурнома”. – Б. 236.

Соҳибқирон Шоҳруҳ тўрадан хавотир олиб, унинг ортидан келади ва ўзи бевосита Шимол билан руҳий-жисмоний алоқа ўрнатиб қайтади.

13.5. Амир Темурнинг осмонга чиқиш воқеаси тасвири асарнинг "*Бу достонда Амир Темур Соҳибқирон Қиз шаҳриға бориб, андин Ҳазрат Одам Отани қабрларин зиёрат қилғонларин баёни"*[285] боб (достон)ида берилган. Амир Темур йўлда Одам а.с. қабрларини зиёрат қилишни мақсад қилади. Хаёлан Хисрав Деҳлавийни чорлайди. Деҳлавий унга шайх Фарид Шукр Ганж хонақоҳига бориб, у ерга келадиган шайхнинг хизматини қилишни айтади. Шайх Амир Темур ва Иноқ кални оёғига ўтқазиб, осмондаги Қиз шаҳрига олиб чиқади. Улар Қиз шаҳридан Сарандиб тоғига чиқишади. Тоғ тепасидаги минора эшиклари тилсимотларини ечиб, эшикни очади ва Одам Ато а.с. қабрларини зиёрат қилади. Сўнгра тоғдан қайтиб тушади ва шайх уларни яна оёқларига ўтқазиб, ерга олиб тушади. Шу тариқа Соҳибқирон осмон билан алоқа боғлайди.

13.6. Ўша даврда Ғарбда энг қудратли давлат Рум ҳисобланган бўлиб, бу "Темурнома"да ҳам ўз аксини топган. Асарнинг *"Бу достонда Амир Темур Соҳибқирон қайсарким Елдирим султон Боязид била жанг қилғонини баёни"*[286] боб (достон)ида икки буюк саркарданинг ўзаро зиддиятли муносабатлари, олиб борган музокаралари, тўқнашувлари, алал оқибат Елдирим Боязиднинг енгилиши воқеалари баён қилинади. Шу тариқа Амир Темур Туркия (Ғарб)ни фатҳ этади.

"Темурнома"да Соҳибқироннинг асосий миссияси юқорида санаб ўтганимиз каби Ер юзининг тўрт томони, Осмон ва Ер ости билан алоқа ўрнатиши билан тугалланади.

14. Соҳибқироннинг ўлими ҳақида душман юрт кохинларининг башорат қилиши. Амир Темурнинг Истанбулдалигидан фойдаланиб,

[285] "Темурнома". – Б. 273-281.
[286] "Темурнома". – Б. 313-321.

қалмоқлар Самарқанд қалъасини қамал қилади. Қари бир қалмоқ киши Соҳибқирон ўлими яқинлашганлиги аломатларини Самарқанддан вакил бўлиб келган Хожа Исматуллога айтади: *“Эй, Хожа, билгил ва огоҳ бўлгил, шул вақт Амир ул-муслимин, яъни мусулмонларнинг хони барча мамлакатларни олиб, ўзига мусаххара қилубдур. Анинг ўлимига не хабар берурман? Анга уч аломат бордур. Аввалги аломат шулким, бу вилоятларда оққуш зоҳир бўлуб, архайл деб уч мартаба сайрағай. Иккинчи аломат: бир ўғул онадин туғулуб уч мартаба «олло» дегай, барча ани билуб, эшитгай. Учунчи аломат: қуёш тутулгай, юлдузлар отилгай”*[287]. Бу ҳолатнинг соҳибқиронлик ҳақидаги тасаввурларда мавжудлиги, юқорида таъкидлаганимиздек, Соҳибқирон тимсоли асоси реал тарихий шахс эканлиги билан асосланади.

“Темурнома”нинг бадиий концепцияси ўзагида турувчи соҳибқиронлик тушунчасининг бадиий талқинлари таҳлили натижасида соҳибқиронлик тасаввурлари таркиби қуйидагилардан иборатлиги аниқланди:

1. Бўлажак қаҳрамоннинг қирон вақт (маълум бир даврий халқалар орасида бир неча сайёраларнинг самода бир чизиққа тизилган пайт)да туғилиши ва бунинг каромат қилиниши.
2. Қаҳрамоннинг туғилиши ҳақида илк Соҳибқирон томонидан каромат қилиниши ва уларнинг белги қолдириши.
3. Соҳибқироннинг туғилишига рақибларнинг қаршилик қилиши.
4. Қаҳрамоннинг соҳибқиронлик белгилари билан туғилиши.
5. Соҳибқироннинг ота уйида эмас, бегона юртда туғилиши ва тарбия топиши.
6. Рақибларнинг Соҳибқирон туғилганлигидан турли воситалар орқали хабар топиши ва уни йўқ қилишга ҳаракат қилиши.
7. Соҳибқироннинг туғилиши ва камолга етишишида доимий пир ва эранлар назарида бўлиши.

[287] “Темурнома”. – Б. 321.

8. Бўлажак Соҳибқироннинг ғайритабиий хатти-ҳаракатлари. Маълум сир-синоатларнинг намоён бўлиши.

9. Қаҳрамоннинг дунёга келиши хусусидаги белгиларнинг намоён бўлиши, унинг ғайб эранлар томонидан танланиши ва ўз маконларида синовдан ўтказиб, Соҳибқирон мақомини бериши.

10. Маълум эран ёки пайғамбар томонидан Соҳибқироннинг дунёга келиш муддатининг башорат қилиши, унга тегишли туҳфанинг сирли равишда сақланиши, қўриқланиши.

11. Қаҳрамоннинг Соҳибқирон сифатида фаолиятини бошлаши ва доимий ҳомий-эранлар билан ҳамкорлик қилиши.

12. Қаҳрамоннинг маънавий ва жисмоний рақибларига эга бўлиши, курашда улардан ғолиб келиши.

13. Соҳибқироннинг ер юзининг тўрт томони (Шимол, Жануб, Шарқ, Ғарб), осмон ва ер ости билан жисмоний-руҳий алоқа ўрнатиши.

14. Соҳибқироннинг ўлими ҳақида душман юрт коҳинларининг башорат қилиши.

Умуман олганда, Соҳибқирон ҳақидаги халқ китоблари асосини соҳибқиронлик тасаввурлари ташкил этади. Бу тасаввурлар билан қаҳрамонлик достонларидаги алплик тизими ҳамда шомон ҳақидаги қарашлар моҳиятининг ўзаро уйғунлик касб этиши, шунингдек, уларнинг фольклорий асосда тасвирланганлиги ҳар учала тизим асосини эпик тасаввурлар ташкил қилганлигини англатади.

3.2. Алплик тизими ва соҳибқиронлик тасаввурларининг қиёсий таҳлили

Ўзбек халқ достонларида алп этнос қувватини юзага чиқарувчи идеал қаҳрамоннинг бадиий умумлашма образи ҳисобланади. Бу образ зуваласи этнос тарихида ўтган пассионар шахслар, улуғ подшолар ҳаёти ва ижтимоий фаолиятининг халқ онги, хотираси, бадиий тафаккурида умумлаштирилган

тасаввурлари асосида бунёд бўлади. Демакки, достондаги алп ва воқелик аниқ тарихий шахс ҳамда даврнинг солномаси эмас, аксинча, барча даврлар, пассионар шахсларнинг типиклаштирилган бадиий воқелигининг ҳосиласи ҳисобланади. Бунда Алпомиш, Гўрўғли ҳамда бошқа алпларни маълум бир тарихий давр, муайян шахс билан боғлаб талқин этиш эпос ва эпик тафаккур қонуниятларидан бехабарлик меваси саналади. Этноснинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган бу типдаги шахслар қаҳрамонлик достонлари учун меъзон бўлмиш алплик тизимида ўзининг бадиий талқинларини олади. Бу тизимда алпнинг этнос ҳаётидаги ўрни ва миссияси бадиий тимсолий равишда акс этади. Халқ ҳаётида, унинг шонли тарихида ўта муҳим роль ўйновчи соҳибқиронлар эса дунёнинг саноқли этнослари пешонасига битилган бўлиб, соҳибқиронлик тасаввурларини қаҳрамонлик достонларидаги алплик тизими билан ўзаро муқояса этиш бу икки ўта муҳим тушунчаларнинг моҳиятини ва бадиий талқинларини тўлиқ англаб етишимизга имкон яратади. Эпик бадиий талқиндаги алплик тизими ва ҳаётий-тарихий воқеликда рўй берувчи соҳибқиронлик тасаввурлари икки кесимдаги ҳодисадек туюлса-да, улар ўртасида ҳайратланарли равишда умумийлик бор. Бу умумийлик соҳибқиронлар ҳаётининг ҳам алплик тизими яратилишида манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади. Янада аниқ айтилса, соҳибқиронлар тарихий шасхлар сифатида тарих фанига ҳам манба бўлишса, алплар халқ бадиий тафаккури меваси, идеал, ибратли қаҳрамон деб англанади. Бу икки тизим ўзаро солиштириб чиқилса, уларнинг уйғун ва фарқли жиҳатлари аниқ намоён бўлади.

Соҳибқиронлар тарихнинг ибратли, шонли қаҳрамонларидир. Алплар эса халқнинг этнос ҳаётида муҳим роль ўйновчи пассионар шахсларнинг бадиий тимсолий образлари бўлиб, “Алпомиш”, “Гўрўғли” достонларида бу тизимнинг етакчи белги, хусусиятлари аниқ акс этган. Шундай экан, бу достонларда куйланган эпик воқелик замирида халқимизнинг бутун борлиқ тартиби, олам, ундан жой олган кучлар ва одамнинг ўрни, вазифаси ҳақидаги кўҳна дунёқарашлар, тасаввур-тушунчаларнинг бадиий талқинларини

кўрамиз[288]. Алплик мезонлари сифатида ажратиб кўрсатилган бу тизимнинг етакчи хоссалари объектимиз “Темурнома” жангномасида бадиий талқинга эга соҳибқиронлик тасаввурига қиёсан ўрганилса, нафақат “Темурнома” жангномаси, балки бутун Шарқ халқлари бадиий, фалсафий, тарихий тафаккуридаги соҳибқиронлик тизими ойдинлашади. Натижада, “Темурнома”нинг бадиий концепцияси ўзагида турувчи соҳибқиронлик тушунчасининг бадиий талқинлари мукаммал кўриниш олади. Биз қуйида “Темурнома”даги соҳибқиронлик тасаввурини Ш.Турдимовнинг “Гўрўғли” ва “Алпомиш” достонлари асосида аниқлаган алплик тизимининг етакчи хоссаларига қиёсан ўрганиб чиқамиз[289].

1. Бўлажак қаҳрамоннинг туғилмасданоқ “танланган”, яъни ҳомий-эранлар назарида бўлиши. Илк кўринишда тўғридан тўғри илоҳий ҳомила меваси эканлиги. “Темурнома”да бу ҳолат *“Аввалғи достон. Ҳазрат Амир Темур Соҳибқиронни оналаридин туғулмоқлиқлари баёни”* боб (достон)ида ўз аксини топган. Жумладан, бу боб (достон)да Соҳибқирон отаси ва онасининг топишиши, Тарағай Баҳодирнинг турли синовларни енгиб, Тегина бегимга етишиши, улар турмуш қурмасидан турли аломатлар сабаб “жаҳонгир ва Соҳибқирон отаси ва онаси” сифатларини олиши тасвирланади. Асарда ғайб олами вакиллари томонидан Тарағай Баҳодир ва Тегина бегимнинг танланган шахс сифатида башорат қилиниши алплик тизимининг биринчи сифатига мос тушишини кўрсатади.

2. Бахтли юлдуз остида туғилувчи бўлажак қаҳрамоннинг пайдо бўлиши ҳақида душман юрт коҳинларининг кароматлар қилиши. Бу алплик тизими “Темурнома”даги соҳибқиронлик тасаввурларида кенг талқин қилинганлигини кузатамиз. Хусусан, унда қаҳрамон туғилишидан то вояга етгунига қадар мавжуд воқеликда Соҳибқирон толеи тўғрисида нафақат душманлари, балки ўз юртидаги турли муқаддас китоблар,

[288] Қаралсин: Ўзбек фольклоршунослиги. Антология//. Турдимов Ш. Қаҳрамонлик эпосида алплик тизими. – Тошкент: “O‘zME” Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 508-520.
[289] Ўзбек фольклоршунослиги. Антология//. Турдимов Ш. Қаҳрамонлик эпосида алплик тизими. –Тошкент: “O‘zME” Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 508-520.

қаландарлар ва шайхлар томонидан ҳам башорат ва каромат қилинади. Шу нуқтаи назардан асардаги бахтли юлдуз остида дунёга келувчи Соҳибқирон ҳақидаги башорат ва кароматларни тўрт гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

2.1. Бўлажак қаҳрамоннинг бахтли юлдуз остида туғилиши.

2.2. Қаҳрамоннинг туғилиши ҳақидаги башоратлар.

2.3. Қаҳрамон туғилгандан сўнг у ҳақида душман юрт кохинларининг башоратлари.

2.4. Маълум эран ёки пайғамбарнинг Соҳибқирон дунёга келиши муддатини башорат қилиши, унга тегишли туҳфанинг сирли равишда сақланиши, қўриқланиши.

Алплик тизимининг бу хоссаси соҳибқиронлик тасаввурларида мукаммал кўриниш олишини “Темурнома”даги тарихийлик, макон ва замон муносабатлари билан асослашимиз ўринли бўлади.

3-4. Қаҳрамон ота-онасининг “ўзга” (душман) юртда мажбуран яшаши. Душманлари доғда қолиб, қаҳрамоннинг ўзга юртда дунёга келиши, улғайиб, ўз юртига қайтиб бориши. Алплик тизимида алоҳида бандлар сифатида олинган бу хоссаларни соҳибқиронлик тасаввурларида ягона кўринишга келтиришимизга сабаб “Темурнома”да Йўқун хоним (Тарағай Баҳодирнинг биринчи хотини) кундошлик важидан фитна қилиб, Тегина бегим ҳомиласи олти ойлик вақтида уни Тарағай Баҳодир юртидан кеткизиб, бола туғилиб, ўн икки ёшга киргунга қадар отасидан айро ҳолда яшашига сабабчи бўлади. Бу тасвир жангноманинг *“Эмди Амир Темур Соҳибқиронни онадин туғулмоқи воқеасини эшитунг”*[290] фасли ва *“Достон: Етти ҳаким етти иқлимдин элчи бўлиб келур Амир Темур Соҳибқирон қатли учун. Анинг баёнида”*[291] номли бобларида ўз аксини топган. Бу ўринда боланинг ўз отасидан узоқ жойда дунёга келиши – худди Гўрўғлининг тақдирига ҳамоҳанг тарзда баён этилади. Шунингдек, унинг ўзга юртда,

[290] “Темурнома”. – Б. 47-49.
[291] “Темурнома”. – Б. 49-54.

бегона одамлар тарбиясида улғайиши, ўзга халқ ичида ғулом сифатида танилиши – Гўрўғлининг отаси Равшаннинг қул қилиниши мотивига уйғунлик касб этади. Бу эса алплик тизими билан соҳибқиронлик тасаввури хоссалари ўртасидаги уйғунликнинг бу қадар яқин келишини кўрсатиш баробарида, уларнинг ўзаро ягона дунёқарашга асосланишини яна бир бор тасдиқлайди. Аммо “Темурнома”да қаҳрамоннинг вояга етгунича бўлган воқеалар, асосан, бир маконда – Мовароуннаҳр худудида кечиши айтилади. Чунки тарихий ҳақиқат жангнома тасвирида таянч ўрин тутади ва ровий ундан имкон қадар узоқлашмасликка интилади. Шундай бўлса-да, қаҳрамоннинг бир неча аждодлари яшаб ўтган даврда юртнинг душманлар томонидан бошқарилганлиги, уларнинг жабр-зулмидан халқнинг азият чекканлиги достон ва жангнома мазмун-моҳиятида рамзий ифода топган.

5. Қаҳрамонга исм берилиши (икки исмли бўлиш). “Темурнома”да бош қаҳрамонга нисбатан Амир Темур ва Соҳибқирон номлари параллел тарзда қўлланилади. Айрим ўринларда эса “Соҳибқирон” сифатловчи бўлиб ҳам келади. Амир Темурга Соҳибқирон нисбасининг берилиши достонда қуйидагича баён этилади: *“Андин Бухорои шарифга етғач (Тарағай Баҳодир – И.С.), тўғри Шайх ул аълмни олдиларига кириб келди. Шайх ул аълмни кўрди, сўфилар халқасида муроқабада ўлтурурлар, андин кейин Шайх ул аълам бошларини кўтариб, айдилар: “Марҳабо, сафо келдинг, эй Соҳибқирон отаси”. Аммо Амир Темурга Соҳибқирон лақабини Сайфиддин Шайх ул аълам қўйғонлар. Ҳануз туғулмасдин Соҳибқирон мазкур бўлди”*[292]. Қаҳрамон туғилишида, шунингдек, гўдаклик чоғида уни душманлардан ҳимоя қилган Шайх ул аълам (эран) Амир Темурга бу сифатни беради. Сўнгра қаҳрамон маълум даражага етгач, ғайб эранлари уни Соҳибқирон сифатида танлашади ва шу мақомни беришади.

6. Қаҳрамоннинг улғая бориши давомида алплик дардига йўлиқиши (бу муддат уч ёшдан етти ёшгача уч бора такрорланиши). Алплик дардининг “танланган” – қаҳрамон ва “танловчилар” – ҳомий

[292] “Темурнома”. – Б. 44.

эранлар ўртасида бевосита мулоқот бошланганлигини билдириши. Алплик дарди қаҳрамоннинг ерда туғилиб, маълум маънода "ёввойилашган" руҳи ва бу руҳга макон бўлган таннинг эранлар иқлимига мослашолмай қаршилик қилиш жараёни эканлиги.

Алплик тизимининг бу хоссаси ҳам "Темурнома"да ўз бадиий аксини топган. Лекин қаҳрамоннинг алплик дардига йўлиқиши уч ёшдан етти ёшигача эмас, ўн икки ёшида рўй беради. Бу асарнинг *"Эмди келдук бу мақолаға: аҳволи Соҳибқиронға"* фаслида қуйидагича баён этилади: *"То сарҳадига етгунча ушоқ болаларни ўртасида салтанат русумин қилур эрди. Ҳар бачага бир мансабни муқаррар қилиб, ўзи амир бўлуб, ўзгаларни вазир, бакавул, яна ҳар ерга қоравул қилиб, аларга сипоҳлиқ илмини ўргатур эрди. Одамлар анга узоқ-яқиндин тамошо қилур эрдилар, ҳар кун ушбу одатда лаъбат ила ўйнар эрди... Яна болалар ўйнаб бирини гунаҳкор қилиб, Амир Темурни олдига келтурди. Буюрдиким, бу бола гуноҳкор бўлубдур, подшоҳлар каби ани жазога ижозат берди. Филҳол Соҳибқиронни нафасин таъсири бирла ушоқ болалар они йиғочға остилар. Ўшал ҳолда бу бола жон берди"*[293]. Бу эпизод "Гўрўғлининг туғилиши" достонида Гўрўғлининг болалигидаги хатти-ҳаракатлари ва Зангар шаҳри болалари билан ўйинлари тасвирига ўхшаш.

7. Эранларнинг ўз маконида қаҳрамон жисми ва руҳини илоҳий нур ва сув (шароб) билан тоблаб, эмлаб, "асов тулпор"ни жиловлаб, дарддан халос этиши. Унга алплик сиру синоатларини ўргатишлари. Қаҳрамоннинг руҳ – эранлар маконида алп сифатида қайта яралиши.

"Темурнома"да бу хусусият ўзгачароқ тарзда намоён бўлади. Соҳибқиронлик тасаввурларини янада мукаммал ифодалаш мақсадида қуйидагича кетма-кетликни келтирамиз:

7.1. Амир Темур туғилмасидан аввал унинг отаси Тарағай Баҳодирнинг руҳи муқаддас сут воситасида тобланади. Демак, соҳибқиронлар реал

[293] "Темурнома". – Б. 56-57.

тарихий шахс бўлганлиги сабабли, уларга ҳомийлик қилувчи пир ва эранлар ҳам тарихий шахслар ёки жамиятда маълум бир рутбага эга инсонлар тимсолида гавдалантирилади. “Темурнома”да Соҳибқирон туғилмасдан олдин унинг отасига рижол ул ғойиблар (ғайб эранлари) томонидан илоҳий сут (халқ достонларида муқаддас сув ёки антаҳур шароби билан туғилажак боланинг руҳини тоблаб, алп сифатида тарбият қилганлари каби) берилиши соҳибқироннинг отасини ҳам танланган хос кишилар сафига киритмоқда. Танланган ушбу шахс Амир Темурнинг отаси бўлади.

7.2.Амир Темурнинг Рижол ул ғайб ҳузурига бориши ва Соҳибқирон сифатида танланиши жангноманинг *“Эмди келдук бу мақолаға: аҳволи Соҳибқиронға”*[294] фаслида баён қилинади. Хусусан, унда Амир Темурнинг пири Шайх Кулол уни Рижол ул Ғойиб (ғайб эранлари) ҳузурига олиб боради. У ерда Соҳибқирон сифатида танлаш учун яна икки йигитни ҳам келтиришади. Қутб ва Ғойиб уларга турли синоатлар кўрсатиб, синов қилади. Сўнгги синов – танлашни ноғора (борабан) амалга оширади. Ноғора Амир Темурни танлайди. Шу тариқа Амир Темур эранлар томонидан танланади ва етти иқлим амирлиги Амир Темурга насиб этади. Шайх Ҳасан Кулол эса жангномада Амир Темур иқболининг эранлар томонидан белгиланишида асосий пир вазифасини ўтаган.

8. Қаҳрамоннинг алпликнинг магик куч-қудратига, жангчилик санъатига, билимга, мўъжизакор хусусиятлар ва белги-нишонларига эга бўлиши. “Темурнома” асарининг Амир Темур билан боғлиқ деярли барча саҳналарида қаҳрамоннинг магик куч-қудрати, жангчилик маҳоратига урғу берилиб, унинг мўъжизакор хусусият ва белги-нишонларга эга бўлганлиги тасвирланган. Жумладан, асарнинг *“Бу достонда Амир Темур Соҳибқирон қайсарким Елдирим султон Боязид била жанг қилғонини баёни”*[295] боб (достон)ида Соҳибқироннинг Ангурияни фатҳ этиш воқеалари тасвирланган. Бу достонда икки буюк саркарда ўртасидаги жанг ёритилган. Боязиднинг оқ

[294] “Темурнома”. – Б. 56-60.
[295] “Темурнома”. – Б. 313-316.

филни миниб жанг қилишини эшитган Амир Темур ундан қирқ кун муҳлат сўрайди ва бу вақт ичида у ясама фил ясатади. Ҳар куни филни кўтариб машқ қилади. Қирқ кун вақт ўтгач, иккаласи жанг майдонида юзма-юз келади ва Соҳибқирон Қайсар филини кўтариб, уни беш газ ергача кўтариб боради. Сўнгра филни Қайсар билан бирга кўтариб ерга урганда, фил парчаланиб кетади. Қайсар эса жароҳатланиб, Ангуриядан қочиб Истанбулга боради. Асардаги бу воқеалар замирида Амир Темурнинг моҳир жангчи, куч-қудрати чексиз паҳлавон эканлиги ва мўъжизакор хусусиятлари ёритилган.

9. Қаҳрамоннинг эранлардан алплик қурол-аслаҳаларини олиши. "Темурнома"да эранлар томонидан Соҳибқиронга қурол-аслаҳа ўрнига мол-дунё берилганлигини кўрамиз. Бу асарнинг *"Бу достонда Мирзо Жаҳонгир Тўра ибн Амир Темур Балх юртиға бориб, Бароқхон номеҳрибон тоғасини қўлида шаҳодат топгани. Амир Темур Соҳибқирон бориб, Бароқхонни ўлдуруб, андин кейин Ҳиндистонни мусаххара қилғонини баёни"*[296] боб (достон)ида тасвирланган. Унда Амир Темур Балхни фатҳ қилиб, Ҳиндистон мамлакатига кетаётганда қаршисидан бир ғор чиққанлиги баён қилинади. У ғорда Сулаймон пайғамбар Соҳибқиронга атаб бир неча сандиқ олтинларни қўйганлиги, бу омонатни қўриқлаш ва эгасига топшириш вазифаси илонлар шоҳи зиммасига юклатилганлиги, алалоқибат, омонатнинг ўз эгасига топширилганлиги бадиий тасвирланади. Бу ҳолатни биз "Абу Муслим жангномаси"да ҳам кўришимиз мумкин. Унда пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам Шайх Ҳасан Ажамийга келажакда Абу Муслимнинг туғилиши, қилажак ишларини башорат қилиб, унга бир хурмо беради. Шайх Ҳасан Ажамий ҳам ғорда Абу Муслимни кутиб яшайди ва унга омонатни топширади. Иккала ҳолатда ҳам маълум туҳфалар орқали қаҳрамонга илоҳий кучларнинг хайрихоҳлиги тасвирланган.

10. Қаҳрамоннинг алп сифатида бажарадиган вазифаси, ер юзидаги бурчи ва тақдири, ҳаётининг ибтидо-интиҳосини эранлардан билиши. Қаҳрамоннинг Соҳибқирон сифатида бажарадиган вазифаси ва тақдири

[296] "Темурнома". – Б. 154-164.

асарнинг “*Эмди келдук бу мақолаға: аҳволи Соҳибқиронға*”[297] фаслида баён қилинади. Қутб олдида борабан Соҳибқироннинг Амир Темур бўлишини танлаб бергач, *“Ногоҳ бир тарафдин боғи кўрунуб, андин бир неча ғуломлари азрақ сурат келиб, борабон чолғучини талаб қилдилар. Ул ики йигит Соҳибқирондин рад қилди. Амир Темур беибо бораберди. Соҳибқиронни қасрига келтурдилар. Етти дарвоза қуфллиқ, ҳар қуфлини очиб барчадин ичкари кирсаким, афақ этаги тўла қон, мисли дийдаи ошиқон, гулгун тан, яъни эркак одамларни танаси мармар тошидин қонлари қуруб, бир курси тарошланган, атрофида яна эркак одамлар каллалари терилгандур. Аксар ушбу каби тошларни Соҳибқирон кўб кўрди. Улуслари ул вақт қолмабдурлар. Бир қизил парда, ўшал уй ўртасига торттилар, муваккиллар айдилар: «ўшал кишиким подшоҳлиқ даъвосин шул ўриндин ўткузилгай, деб, сандалига ўлтургил» деди. Амир ўлтурди, ўзини хонақоҳда кўрди. Яна Қутб олдида турар эдилар: «Муборак бўлсун етти иқлимға амирлиғ. Агар ўз ўғлунг ёзуқлу бўлса ўлдурмоққа таваққуф қилмайсан. Бу мисолдур, ўшал табали давлатдур. Ўшул уйким, Зол дунё эрди, кўрдинг минг-минг эрларни бошларин ебдур. Ўшал муваккиллар асбоби подшоҳлигингга керак эрди, буларни барчаси тимсолдур”*[298], – дея қаҳрамонни ғайбда подшоҳ сифатида тайинлашади ва унга ҳукмдорлик илмидан сабоқ беришади. Асарда бу воқеани муаллиф шеърий мисралар билан янада аниқроқ тасвирлаб беради:

“*Қутбдин топди назар Соҳибқирон.*
Анинг учун бўлдиким шоҳи жаҳон.
Ёши ўн иккидин ўтуб ул писар,
Ғойиб эронлар этиб анга назар.
Неча санъатни кўруб, бориб келуб,
Нечасини эшитиб, англаб билуб,

[297] “Темурнома”. – Б. 56-60.
[298] “Темурнома”. – Б. 59-60.

Минди давлат маркабиға ул сабий,

Шуҳрати топтиким Искандар каби”[299].

Демак, асарда қаҳрамоннинг Соҳибқирон сифатида танланганлиги, ўзининг Ер юзида бажарадиган вазифалари, бурчи ва тақдирини ғайб эранлари ҳузурида улардан билганлиги келтирилган.

11. Эранларнинг қаҳрамонга ҳамкор этиб ўз шерикларидан бирини тайинлашлари (Эранлар Соқибулбулни Гўрўғлига устоз ва Ғиркўкка сайис қилиб белгилашади. “Алпомиш”да айни вазифа Қултой образида ўз талқинини олган). “Темурнома”да қаҳрамонни Шайх Кулол Рижол ул-Ғойиб (ғайб эранлари) ҳузурига олиб боради. Ва у ерда Амир Темур Соҳибқирон сифатида танланади. Лекин асарда Соҳибқиронга бир неча пирлар устозлик қилади. Шундай бўлса-да, “Темурнома”да Амир Темурнинг асосий пир (устоз)и сифатида Баҳоуддин Нақшбанд тасвирланган.

12. Қаҳрамоннинг ўз ғайриқутби, душман ва рақиби (“дўст”и)га эга эканлиги. “Темурнома” жангномасидаги воқеалар ривожида жанг саҳналари етакчилик қилгани боис, қаҳрамоннинг ўз ғайриқутби, душман ва рақибларининг бўлмаслиги мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан асарда Соҳибқироннинг ғайриқутби, душман ва рақибларини бажарадиган вазифасига кўра **маънавий ва жисмоний рақибларга** ажратишимиз мумкин. Асарда маънавий рақиб сифатида Носир Хисрав ва унинг ўғли Мансур, ҳаким Низорий ҳамда Салосил каззоблар тасвирланади. Улар ўзларини пайғамбар, Амир Темурни эса Дажжол дея эълон қилишади. Ўзларининг даъвосига ишонтирган оломон воситасида ҳукмронликка интилади. Асарда тасвирланган бу воқеаларни Соҳибқироннинг халқ орасида нафақат мазлумлар, балки дин ҳимоячиси сифатида улуғланишининг бадиий талқини сифатида баҳолашимиз мумкин.

“Темурнома”да Амир Темурнинг маълум худудларни эгаллаши, жанг майдонларида рақиблар билан олиб борган кураши кенг ёритилган. Хусусан, асарда Бароқхон, Дўнбой баҳодур, Амир Ҳожибек, Оқтемурхон, Шоҳ

[299] “Темурнома”. –Б. 60.

Мансур, Жаён Чашм, Тўқтемурхон, Тўқтемур аскари Зафарбек, Шоҳ Шужоъ, Муслимбек, Золотус, Оқшайх, Қутулмишбек, Елдирим Боязид, Султон Аҳмад, Ҳалил ота каби образлар Соҳибқирон билан жанг майдонларида юзма-юз келади. Бу жараёнда эса Соҳибқироннинг мардлиги, моҳир саркарда ва енгилмас жангчи сифатидаги қиёфаси яққол намоён бўлади.

13. Қаҳрамон куч-қудратининг ҳомий руҳ (эран)ларнинг куч-қудрати билан узвий боғлиқлиги. "Темурнома"да Соҳибқирон фаолияти бевосита пирлар(эранлар, ҳомийлар) билан боғлиқ ҳолда тасвирланган. Муаллиф жангномада Соҳибқироннинг устозлари ҳақида "*аввал Амир Темур Соҳибқиронни Шайх ул аълам тарбият қилдилар, иккинчи шайх Шамсиддин Кулол тарбият қилдилар. Учунчи Шайх Ҳасан Бохурзий тарбият қилдилар. Тўртинчи Нақшбанд пирим тарбият қилдилар. Оламдин интиқол қилгунларича тўрт вали тарбият қилур эрдилар*"[300], – дея таъкидлаб ўтади. Жангномада эса Соҳибқирон ҳаётининг маълум даврларида унга ҳомий сифатида Шайх Сайфиддин (Шайх ул аълам), Хожа Баҳо ул-Ҳақ вад дин (Баҳовуддин), Шайх Ҳасан Кулол, Қаландар Хожа Камол Хўжандий, Шайх Шамс кулол, Оқсоқол киши (азиз), Қазодин, ғайб эранлари, Мавлоно Саъдиддин, Ҳазрат Саййид ота, маст қаландар каби пирлар тасвирланади. Лекин "Темурнома"да Соҳибқиронга асосий ҳомий сифатида Шайх Сайфиддин (Шайх ул аълам) ва Хожа Баҳо ул-Ҳақ вад дин (Баҳовуддин)га кенг урғу берилади.

14. Қаҳрамоннинг ўз алплигини амалда намойиш этиши ва халқ (қавми) томонидан алп (соҳибқирон) сифатида тан олиниши. Юқорида Соҳибқироннинг танланганлиги ҳақидаги мулоҳазаларни билдирган эдик. Асарда Соҳибқироннинг кўрсатган ғайритабиий хислатлари қуйидагича баён қилинади:

14.1. Қирқ киши тортадиган қовғани ўзи тортиши.

14.2. Бир қўли билан тўла аробани кўтариши.

14.3. Аждар бошини тиши билан юлиб олиши.

[300] "Темурнома". – Б. 95.

14.4. Қўтур уйуз бўлиб, етти йилгача ўзини қашимаганлиги.

“Темурнома”да бу хислатларнинг тасвири орқали қаҳрамоннинг ўз соҳибқиронлик сифатларини амалда намойиш этиши ва одамлар томонидан тан олиниш жараёни кўрсатиб берилган.

15. Алпнинг ўз атрофига ғайратли, шижоатли ҳамкорларни йиғиши. “Темурнома”да қаҳрамон катта ҳудудни ўз ичига олган йирик мамлакатни ғайратли, шижоатли ва мард ҳамкорлар билан биргаликда барпо этади. Асар воқелигида кўплаб қаҳрамонлар иштирок этса-да, бу жараёнда Амир Темурга, асосан, Қиморбоз Иноқ ва Қилич Арслон ҳамроҳлик қилади. Шунингдек, асарда Соҳибқирон фарзандлари ва набиралари асосий ҳамкор сифатида тасвирланади.

16. Алпнинг ўз юртида янги салтанатга асос солиши. “Темурнома”нинг *“Бу достонда Носир Хисравни ўғли Мансур исмлик Қошғар ичра пайғамбарлик даъвосини қилуб, Мирзо Жаҳонгир ибн Амир Темур онинг бирла жанг қилғонини баёни”* боб (достон)ида Соҳибқироннинг Мовароуннаҳрга валий бўлиши тасвирланган. Шундан сўнг Соҳибқирон кўплаб мамлакатларни фатҳ этиб, буюк империяга асос солади.

17. Қаҳрамоннинг янгича ном олган салтанат камолига хизмат қилиши. Бу салтанат довруғининг оламга машҳур бўлиши. “Темурнома”да Амир Темур ўз юртини мустамлакалик тамғасидан озод қилиб, янги давлат барпо этади. Шу билан бирга, шимолий қутбдан Ҳиндистонгача, япон ерларидан Истанбулгача бўлган ҳудудда довруғ қозонади, у ҳақда достонлар тўқилади.

18. Қаҳрамоннинг умри поёнида эран мақомига эришуви ва эранлар маконига қайтиши (кетиши).

Асарда соҳибқирон Амир Темур характерида эранлар тарбияси ва ҳаёт тажрибаси натижасида донишмандлик акс эттирилган. Аммо у тарихий шахс бўлгани боис эранлар маконига қайтмасдан вафот этади.

19. Қаҳрамоннинг халқ анъанавий тасаввурида инсоннинг ҳар жиҳатдан етук бўлишига имкон берувчи улуғлик ёшига етиши (Гўрўғли

120 ёшга киради. Алпомиш эса 108 йил яшайди. Ҳар икки рақам ҳам инсон умрининг анъанавий бир бутун ҳалқасининг рамзий ифодаланиши).

Амир Темур тарихий реал шахс бўлганлиги сабабли асарда халқ анъанавий тасаввуридаги инсоннинг ҳар жиҳатдан етук бўлишига имкон берувчи улуғлик ёшига етиши акс эттирилмаган.

20-21. Қаҳрамонга ҳамкор жанговор отнинг ҳам алп босиб ўтган синов ва тобланиш жараёнидан бир-бир ўтиши. Авлодларнинг алп ҳақидаги достонни яратиши.

“Темурнома”да Соҳибқирон отига урғу берилмайди. Шу боисдан алплик тизимидаги бу хосса соҳибқиронлик тасаввурларида ўз аксини топмаган. Авлодлар томонидан Соҳибқирон ҳақида яратилган достонларга эса тадқиқот объектимиз “Темурнома”нинг ўзи ҳам мисол бўла олади.

Диссертациянинг учинчи боби юзасидан қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. “Темурнома” асарида “Соҳибқиронлик тизими” бош мезон саналади. Асарда қаҳрамон туғилишининг Амир Темурдан аввал ўтган Соҳибқиронлар томонидан башорат қилиниши, қаҳрамонни она батнидалик вақтида йўқ қилишга бўлган уринишларнинг амалга ошмаслиги, боланинг бегона юртда ғайритабиий ҳолда дунёга келиши, ёшлигидаги телбаликлари, турли шартларни бажариши, пир ва эранларнинг доимий ҳомийлигида улғайиши, дунёнинг тўрт томонини эгаллаши, ер ости ва само билан алоқа ўрнатиб, “Соҳибқирон” бўлиши ҳақидаги дунёқараш асос сифатида туради.

2. Мусулмон халқлари тарихи, адабиёти ва фольклорида Соҳибқирон тушунчаси маълум шахсларгагина қўлланилган бўлиб, бунда Соҳибқирон мақомига эга бўлувчи шахс маълум бир даврий халқалар орасида бир неча сайёралар (хусусан, Зуҳал ва Муштарий)нинг самода бир чизиққа тизилган вақти (қирон)да туғилиши каромат қилинган. Барча тарихий ва адабий-тарихий манбалар халқ тасаввурида Соҳибқиронлик мақомининг маълум хоссаларга эга эканлиги ҳақида маълумотлар беради. “Темурнома”

жангномасида бу тасаввурлар тизими ўзига хос равишда бадиий талқин олган.

3. “Темурнома”нинг бадиий концепцияси ўзагида турувчи соҳибқиронлик тушунчасининг бадиий талқинлари таҳлили натижасида “Соҳибқиронлик” тасаввурлари таркиби қуйидагилардан иборатлиги аниқланди:

а) бўлажак қаҳрамоннинг қирон вақт(маълум бир даврий халқалар орасида бир неча сайёраларнинг самода бир чизиққа тизилган пайт)да туғилиши ва бунинг каромат қилиниши;

б) қаҳрамонинг туғилиши ҳақида илк Соҳибқирон томонидан каромат қилиниши ва уларнинг белги қолдириши;

в) Соҳибқироннинг туғилишига рақибларнинг қаршилик қилиши;

г) қаҳрамоннинг соҳибқиронлик белгилари билан туғилиши;

д) Соҳибқироннинг ота уйида эмас, бегона юртда туғилиши ва тарбия топиши;

е) рақибларнинг Соҳибқирон туғилганлигидан турли воситалар орқали хабар топиши ва уни йўқ қилишга ҳаракат қилиши;

ё) Соҳибқироннинг туғилиши ва камолга етишишида доимий пир ва эранлар назарида бўлиши;

ж) бўлажак Соҳибқироннинг ғайритабиий хатти-ҳаракатлари. Маълум сир-синоатларнинг намоён бўлиши;

з) қаҳрамоннинг дунёга келиши хусусидаги белгиларнинг намоён бўлиши, унинг ғайб эранлар томонидан танланиши ва ўз маконларида синовдан ўтказиб, Соҳибқирон мақомини бериши;

и) маълум эран ёки пайғамбар томонидан Соҳибқироннинг дунёга келиш муддатининг башорат қилиниши, унга тегишли туҳфанинг сирли равишда сақланиши, қўриқланиши;

й) қаҳрамоннинг Соҳибқирон сифатида фаолиятини бошлаши ва доимий ҳомий-эранлар билан ҳамкорлик қилиши;

к) қаҳрамоннинг маънавий ва жисмоний рақибларига эга бўлиши, курашда улардан ғолиб келиши;

л) Соҳибқироннинг Ер юзининг тўрт томони (Шимол, Жануб, Шарқ, Ғарб), осмон ва ер ости билан жисмоний-руҳий алоқа ўрнатиши;

м) душман юрт коҳинларининг Соҳибқироннинг ўлими ҳақида башорат қилиши.

4. Соҳибқирон ҳақидаги халқ китоблари асосини соҳибқиронлик тасаввурлари ташкил этади. Бу тасаввурлар билан қаҳрамонлик достонларидаги алплик тизими ҳамда шомон ҳақидаги қарашлар моҳиятининг ўзаро уйғунлик касб этиши, шунингдек, уларнинг фольклорий асосда тасвирланганлиги ҳар учала тизим асосини эпик тасаввурлар ташкил қилганлигини англатади.

5. Халқ ҳаётида, унинг шонли тарихида ўта муҳим роль ўйновчи Соҳибқиронлар дунёнинг саноқли этнослари пешонасига битилган бўлиб, соҳибқиронлик тасаввурларини қаҳрамонлик достонларидаги алплик тизими билан ўзаро муқояса этиш орқали бу икки ўта муҳим тушунчаларнинг моҳияти бир асосли эканлиги англашилади.

6. Эпик бадиий талқиндаги алплик тизими ва ҳаётий тарихий воқеликда рўй берувчи соҳибқиронлик тасаввурлари икки кесимдаги ҳодисадек туюлса-да, улар ўртасида ҳайратланарли равишда умумийлик бор. Бу умумийлик соҳибқиронлар ҳаётининг ҳам алплик тизими яратилишида манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади. Янада аниқ айтилса, соҳибқиронлар тарихий шахслар сифатида тарих фани учун ҳам манба бўлишса, алплар халқ бадиий тафаккурининг меваси, идеал, ибратли қаҳрамон сифатида англанади.

Х У Л О С А

“Темурнома” жангномасида эпик сюжет ва образ эволюцияси тадқиқи натижасида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. “Темурнома” халқ китоблари турининг қисса жанрига мансуб. Жангномадаги маълум бир воқеа-ҳодисанинг турли макон ва замонда тасвирланиши ва уларда бир неча қаҳрамоннинг босқичма-босқич иштироки эса айрим достонларнинг ички фаслларга ажратилишига сабаб бўлган.

2. Асосий воқеа ва қаҳрамонлар тасвири насрда берилган, қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлиги оқибатида вужудга келадиган бадиий воқеликни ёритишда шеърий ифодалар муҳим аҳамият касб этган, воқеаларнинг анъанавий қолип бирикмалар билан бошланиши ва тасвирий воситалар билан уйғунлашуви услуб яхлитлигини таъминлаган.

3. “Темурномада”да тадрижий тасвирланаётган ва жанг тасвири етакчи бўлган воқелик ва қаҳрамонлар мантиғига Амир Темурнинг идеаллаштирилган шахсияти ва фаолияти асос қилиб олинган. Жангларда Амир Темур ўз кучи ёки ғайб эранлари, пирлар мадади билан ғолибу музаффар сифатида талқин этилади, қаҳрамон ҳаёти билан боғлиқ муносабатлар шу асосга қурилади.

4. “Темурнома”да Амир Темур фаолияти билан боғлиқ асосий сюжет линияси асарнинг ўзаги, у халқ тасаввуридаги соҳибқиронлик тизими хоссаларини намоён қилади, ички сюжетлар (халқ эртак ва достонларидагидек) қаҳрамоннинг ўзлигини топиш учун қилган сафарига уйғун, масалан, “Султон Муҳаммад воқеаси”нинг баён услуби, композицион қурилиши, ғайритабиий воқеалар, образлар тафсилоти, ғаройиб саргузаштлар тасвири эртакона кўриниши ва шакли билан ўзига хос.

5. “Темурнома”да Соҳибқирон образи билан унинг характерини ёритишда муҳим ўрин тутган, айрим тарихий ҳақиқатга мос бўлмаган бир юз қирқ уч нафар тарихий ва тўқима образга мурожаат этилган, бу уни халқ

тасаввуридаги Соҳибқирон тимсоли талқинига бағишланган эпик асар сифатида баҳолашга асос бўлади.

6. “Темурнома”да Амир Темур билан замондош, лекин ҳаётда у билан учрашмаган тарихий шахслар образининг тасвирланиши этноснинг идеалидаги Соҳибқиронга ўзига яқин шахсларни ҳамроҳ қилганлиги билан асосланади. Асосий образлар асар сюжети ўзагини ташкил этса, ёрдамчи образлар Соҳибқирон образи талқинида кўмакчи вазифасини бажаради. Эпизодик образлар тизимда чекка унсур мавқеида қатнашади.

7. Асарда Соҳибқиронга пирларнинг ҳомийлик қилиши, доимий равишда ғайб эранлари ҳимоясида бўлиши, пир ва эранларнинг макони сифатида, асосан, ёнида булоғи бор ғор ёки боғ тўридаги хонақоҳ макони тасвирланиши асарда диний ва дунёвий қарашлар уйғунлашиб кетганлигини кўрсатади.

8. Барча тарихий ва адабий-тарихий манбалар халқ тасаввурида соҳибқиронлик мақомининг маълум хоссаларга эга эканлиги ҳақида маълумотлар беради ва “Темурнома”да бу тасаввурлар тизими ўзига хос тарзда бадиий талқин қилинган.

9. “Темурнома”да “соҳибқиронлик тизими” бош мезон, бу тасаввурлар билан қаҳрамонлик достонларидаги алплик тизими ҳамда шомон ҳақидаги қарашлар моҳиятининг ўзаро уйғунлиги, уларнинг эпик асосда берилиши ҳар учала тизим асосини эпик тасаввурлар ташкил этганини англатади. “Темурнома”нинг бадиий концепцияси ўзагида турувчи соҳибқиронлик тизими кўп хоссали, мураккаб ва яхлит системадир. Алплик тизими ва соҳибқиронлик тасаввури – яхлитлашган эпик-тарихий ҳодиса.

10. “Темурнома”нинг бадиий концепцияси ўзагида турувчи соҳибқиронлик тушунчасининг бадиий талқинлари таҳлили натижасида “Соҳибқиронлик” тасаввурлари таркиби қуйидагилардан иборатлиги аниқланди:

1) бўлажак қаҳрамоннинг қирон вақт (маълум бир даврий халқалар орасида бир неча сайёраларнинг самода бир чизиққа тизилган пайт)да туғилиши ва бунинг каромат қилиниши;

2) қаҳрамоннинг туғилиши ҳақида илк Соҳибқирон томонидан каромат қилиниши ва уларнинг белги қолдириши;

3) Соҳибқироннинг туғилишига рақибларнинг қаршилик қилиши;

4) қаҳрамоннинг соҳибқиронлик белгилари билан туғилиши;

5) Соҳибқироннинг ота уйида эмас, бегона юртда туғилиши ва тарбия топиши;

6) рақибларнинг Соҳибқирон туғилганлигидан турли воситалар орқали хабар топиши ва уни йўқ қилишга ҳаракат қилиши;

7) Соҳибқироннинг доимий пир ва эранлар назарида бўлиши;

8) бўлажак Соҳибқироннинг ғайритабиий хатти-ҳаракатлари. Маълум сир-синоатларнинг намоён бўлиши;

9) қаҳрамоннинг дунёга келиши хусусидаги белгиларнинг намоён бўлиши, унинг ғайб эранлари томонидан танланиши ва ўз маконларида синовдан ўтказилиб, унга Соҳибқирон мақомининг берилиши;

10) маълум эран ёки пайғамбарнинг Соҳибқироннинг дунёга келиши муддатининг башорат қилиниши, унга тегишли туҳфанинг сирли равишда сақланиши, қўриқланиши;

11) қаҳрамоннинг Соҳибқирон сифатида фаолиятини бошлаши ва доимий ҳомий-эранлар билан ҳамкорлик қилиши;

12) қаҳрамоннинг маънавий ва жисмоний рақибларига эга бўлиши, курашда улардан ғолиб келиши;

13) Соҳибқироннинг ер юзининг тўрт томони (шимол, жануб, шарқ, ғарб), осмон, ер ва ер ости билан жисмоний-руҳий алоқа ўрнатиши;

14) душман юрт коҳинларининг Соҳибқирон ўлими ҳақида башорат қилиши.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Сиёсий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.18

2. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони / Халқ сўзи. – Тошкент, 2017 йил 8 февраль.

II. Илмий адабиётлар

4. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 346 б.

5. Адабиётшуносликка оид тадқиқотлар. (Мажидов Р. “Халқ китоблари” термини ҳақида) – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 269 б.

6. Адабий турлар ва жанрлар. Уч томлик, 2-том. – Тошкент: Фан, 1992. – 248 б.

7. Алишер Навоий ижодини ўрганиш масалалари. – Самарқанд: СамДУ, 1981. – 108 б.

8. Арасту. Поэтика. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – 152 б.

9. Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. – Тошкент: Фан, 1974. – 149 б.

10. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа, 1989. – 406 с.

11. Дадабоев Ҳ. Амир Темур даврдошлари (мўъжаз энциклопедия). – Тошкент: “Navoiy universiteti” нашриёти, 2018. – 288 б.

12. Жалолов Ғ. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат. – Тошкент: Фан, 1979. – 192 б.

13. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. - М.: Государственное издательство художественной литературы, 1947. – 520 с.

14. Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент: Фан, 1995. – 144 б.

15. Жуманиёзов Р. Донг қозонган достон. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 72 б.

16. Жуманиёзов Р. Халқ ижоди – Ҳақ ижод. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – 80 б.

17. Жўраев М. Ўзбек самовий афсоналари. – Тошкент: Фан, 1996. – 108 б.

18. Жўраев М. Ўзбек халқ эртакларида сеҳрли рақамлар. – Тошкент: Фан, 1991. – 152 б.

19. Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Тошкент: Фан, 2001. – 136 б.

20. Жўраев М., Саттиева Д. Ўзбек фольклорида ҳаёт дарахти. – Тошкент: Фан, 2010. – 64 б.

21. Зарифов Ҳ. Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар / Пўлкан шоир. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.65-89.

22. Имомов К. Достонларда эртак мотивлари / Фозил шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1973. – Б. 97-99.

23. Имомов К. Ўзбек халқ прозаси поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2009. – 252 б.

24. Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. – Тошкент: Фан, 1981. – 101 б.

25. Имомов К. Эртак. Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик, 2-том. – Тошкент: Фан, 1989. – 316 б.

26. Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 326 б.

27. Каттабеков А. Тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат. – Тошкент: Фан, 1982. –127 б.

28. Қаюмов А. Амир Темур қиссалари. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – 32 б.

29. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – 383 б.
30. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – 745 б.
31. Мамедов Б. Муҳаббат ва садоқат достони. – Тошкент, 1989. – 136 б.
32. Маҳмуд В. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2007.
33. Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг репертуари. – Тошкент: Ёзувчи, 1979. – 152 б.
34. Мирзаев Т. Ҳоди Зариф билан суҳбатлар. 2011. – 197 б.
35. Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Ташкент: Фан, 2008. – 410 с.
36. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. – 308 б.
37. Оқбўтаев Х.С. Ўзбек халқ китобларининг ғоявий-бадий хусусиятлари (“Тоҳир ва Зуҳра” мисолида). – Тошкент, 1973. – 148 б.
38. Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи. Миллий уйғониш даври. – Самарқанд: СамДУ, 2003. – 238 б.
39. Пропп В.Я. Фольклор и действительность. – М.: Наука, 1976. –326 с.
40. Раҳмонов Н. Битиклар оламида. – Тошкент: Фан, 1990. – 37 б.
41. Раҳмонов Н. Руҳиятда нур муроди. – Тошкент: Халқ мероси, 2002. –128 б.
42. Раҳмонов Н. Турк хоқонлиги. – Тошкент: Халқ мероси, 1993. –144 б.
43. Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. – Тошкент: Дурдона нашриёти, 2012. – Б. 292.
44. Саидов М. Ўзбек халқ достончилигида бадиий маҳорат масалалари. - Тошкент, 1969. – 264 б.
45. Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: Фан, 1978. – 152 б.
46. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986. – 216 б.
47. Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 97-148.
48. Тоҳиров Қ. Халқ қиссаси “Юсуф ва Зулайҳо”нинг матни ва тадқиқи. – Самарқанд: СамДУ, 2001. – 142 б.

49. Турдиев Ш. Ўзбек адабиётида кичик эпик жанрнинг шаклланиши. – Тошкент: Фан, 1978. – 75 б.

50. Турдимов Ш. Алплик тизими ҳақидаги тасаввурлар ва “Алпомиш” достони / Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 157–163.

51. Турдимов Ш. Этнос ва эпос. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. –120 б.

52. Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг»и ва айрим жанрлар такомили. – Тошкент, 2004. – 64 б.

53. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик, I том. – Тошкент: Фан, 1977. – 328 б.

54. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик, III том. – Тошкент: Фан, 1978. – 377 б.

55. Ўзбек насри тарихидан. – Тошкент: Фан, 1982. – 196 б.

56. Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик, 2-том. – Тошкент: Фан, 1989. – 268 б.

57. Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик, 1-том. – Тошкент: Фан, 1988.

58. Ўзбек фольклоршунослиги масалалари / Илмий тўплам. – Тошкент: Фан, 2010. – 172 б.

59. Ўзбек фольклоршунослиги. Антология. – Тошкент: “O‘zME” Давлат илмий нашриёти, 2017.

60. Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Тошкент: Фан, 2004. - 120 б.

61. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999.– 240 б.

62. Энгельс Ф. Немис халк китоблари. “К.Маркс ва Ф. Энгельс санъат тўғрисида”. Икки томлик, 2-том. -Тошкент, 1977.

63. Эшонқул Ж. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: Насаф, 1999. –172 б.

64. Эшонқул Ж. Эпик ижодда кўмакчи қаҳрамон масаласи / Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. – Тошкент: Фан, 2006. Биринчи китоб. – Б. 66-73.

65. Эшонқул Ж. Эпик тафаккур тадрижи. – Тошкент: Фан, 2006. – 122 б.

66. Эшонқулов Ж. Миф ва бадиий тафаккур. – Тошкент: Фан, 2019. – 320 б.

IV. Газета ва журналларда босилган мақолалар

67. Бобоев Т. Қаҳрамон образини яратиш принциплари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1970. 1-сон, 18-23-б.

68. Жуманиёзов Р. Халқ китобларини ўрганишнинг муҳим масалалари //Ўзбек тили ва адабиёти. 1998. 5-сон, 35-39-б.

69. Зуфаров С. Ҳотами Тойи қиссаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. 5-сон, 32-б.

70. Каримова Н. Ўзбек халқ ривоятларининг жанрий белгилари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2002. 3-сон, 40-42-б.

71. Каттабеков А. Тарихий материал ва индивидуал услуб // Ўзбек тили ва адабиёти. 1979. 5-сон, 35-40-б.

72. Қудратуллаев Ҳ. Насрий асарлар тарихи ва жанрий муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2000. 4-сон, 3-7-б.

73. Маҳмудова Р. Халқ китоблари ва айрим қиссалар // Адабий мерос. 1971. №2, 254-258-б.

74. Мусақулов А. Халқ қўшиқларида от инончининг бадиий ифодаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1994. - №4-5-6. –Б.66–71.

75. Нурмонов Ф. Хизр генезисига доир айрим мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 2004. 2-сон. – Б. 51-54.

76. Обидов Раҳматуллоҳ қори. Хўжаи Хизр ким бўлган? // Тафаккур. 2005. 1-сон, 103-107-б.

77. Оқбўтаев Х. Халқ китоблари ва адиблар // Адабий мерос. 1991. № 1(55). – Б. 65-70.

78. Саримсоқов Б. Халқ достонлари таснифи ва оралиқ шакллар масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1981. 3-сон. – Б. 38-45.

79. Сойипов С. “Қиссаи Сайқалий” асари ва унинг манбалари // Тил ва адабиёт таълими. 2005. 1-сон. – Б. 71-74.

80. Тоҳир Рашид Хўжа. Хизр образи ва унинг классик шеъриятдаги талқини. (XV асрнинг 1-ярми шеърияти асосида) // Ўзбек тили ва адабиёти. 1991. 2-сон. – Б. 3-8.

81. Турдимов Ш.Г. Қирқ чилтан пирлар бор // Мактабгача тарбия. 1992. № 5-6. – Б. 22–23.

82. Эшонқулов Ж. Ўзбек халқ достонларида туш мотивининг ўрни ва таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. -№6. – Б. 27-30.

83. Эшонқулов Ж. Эпосда ғайритабиий туғилиш мотиви // Ўзбек тили ва адабиёти. 2000. № 4. – Б. 18-21.

V. Диссертация ва автореферatлар

84. Болтаева И.Т. Ўзбек халқ достонларида эпитет табиати: Филол. фан. ном….дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 20 б.

85. Дадабоев О. Ғарб ва Шарқ адабий контекстида Амир Темур шахси талқини. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 46 б.

86. Ёрматов И.Т. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси поэтикаси: Филол. фан. д-ри….дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 53 б.

87. Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол. фан. д-ри….дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 58 б.

88. Қаюмов О.С. Ўзбек фольклорида пари образи (генезиси ва поэтикаси): Филол. фанлари номзоди... дисс. – Тошкент, 1999. – 171 б.

89. Мажидов Р. Узбекские народные книги и произведение Ризои “Хуршед и маликаи Дилором”: Автореф. дисс. кан. филол. наук. – Самарканд, 1971, – 28 с.

90. Мирзаева С.Р. Ўзбек халқ романтик достонлари поэтикаси: Филол. фанлари д-ри... дисс. – Тошкент, 2004. – 256 б.

91. Муҳаммадиев Ш.С. Ўзбек халқ достонлари тилида стилистик формулалар: Филол. фан. номз….дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 26 б.

92. Нарзиқулова М.Т. «Сабъаи сайёр» достонида фольклоризмлар ва ўзбек фольклорида Баҳром сюжетининг талқини: Филол. фан. номз….дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 151 б.

93. Нурмонов Ф.И. Хизр образининг генезиси ва унинг ўзбек фольклоридаги талқини: Филол. фан. номз….дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 26 б.

94. Пирматова М.С. Ўзбек тақвим фольклори: Филол. фан. номз….дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 27 б.

95. Раҳматов Й.Ғ. Тарихий достонларда тарихий шахс образининг эпик талқини («Ойчинор» ва «Шайбонийхон» достонлари мисолида): Филол. фан. номз….дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 25 б.

96. Раҳмонов Б.М. Ўзбек халқ эпик шеър тузилиши: Филол. фан. номз….дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 28 б.

97. Тилавов А. Ўзбек халқ достонларидаги от образининг тарихий асослари ва бадиий талқини: Филол. фан. номз….дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 24 б.

98. Тоҳиров С. Ўзбек мумтоз адабиётида туркум сюжетлар ва “Нўҳ манзар”. Филол. фан. номз....дисс. – Самарқанд, 2005. – 152 б.

99. Турдимов Ш. “Гўрўғли” достонининг генезиси ва тадрижий босқичлари. Филол. фан. докт... дисс. – Тошкент, 2011. – 308 б.

100. Турдимов Ш.Г. Поэтические символы в узбекских народных лирических песнях: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1987. – 184 с.

101. Файзиева Д.О. Ўзбек фольклорида илон образи (генезиси ва бадиияти): Филол. фан. номз….дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 22 б.

102. Эгамбердиева Г.М. Эртак тип сюжетли Хоразм достонлари поэтикаси: Филол. фан. номз….дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 22 б.

103. Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида дев образининг мифологик асослари ва бадиий талқини: Филол. фан. номз….дисс. – Тошкент, 1996. – 158 б.

104. Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини: Филол. фан. докт….дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 48 б.

105. Юлдашева С. Бадиий биографик қиссалар поэтикаси (“Қиссаси Иброҳим Адҳам”, “Қиссаи Саид Насимий”, “Қиссаи Машраб” асарлари асосида): Филол. фан. номз.... дисс. – Самарқанд, 2012.

VI.Бадиий адабиётлар

106. Абу Муслим жангномаси. – Тошкент: Ёзувчи, 1992. – 224 б.

107. Амир Темур Кўраган. Зафар йўли. – Тошкент: Янги аср авлоди, 1992. – 126 б.

108. Иброҳим Адҳам қиссаси; Амири Ахтам қиссаси; Бобо Равшан қиссаси (Сўзбоши муаллифи Б.Саримсоқов) – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – 208 б.

109. Иброҳим Адҳам қиссаси. (Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи С.Раъфиддинов) – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – 192 б.

110. Қиссаи Иброҳим Адҳам. (Тузувчи ва сўзбоши муаллифи Қ.Тоҳиров) – Самарқанд: Зарафшон, 1993. – 106 б.

111. Қодирий А. Ўткан кунлар. – Тошкент: “Шарқ” НМАК, 2009. 5-бет.

112. Темурнома. Амир Темур жангномаси. (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва луғат муаллифи П.Равшанов). – Тошкент: Чўлпон нашриёти, 1990. – 352 б.

113. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик: Ҳасанхон. Чамбил қамали. Зулфизар билан Авазхон. – Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёи, 1976.

114. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ёдгорликлари. Иккинчи жилд: Қиронхон. – Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти, 2015.

115. Ўзбек халқ эртаклари. Икки жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1960.

VII.Интернет манбалари

116. http://e-tarix.uz/shaxslar/hukumdorlar/355-hukmdorlar.html)

117. https://howlingpixel.com/i-uz/Shamsiddin_kulol.

118. uz.m.wikipedia.org

119. http://www.hqlib.ru

120. http://maxbooks.ru

121. http://e-adabiyot.uz

122. http://mugan.uz

123. http://kh-davron.uz.

124. https://pikabu.ru/story